

У-12194

НАСИМХОН РАҲМОН

# Тилури ҳаққонӣ



12194

НАСИМХОН  
РАҲМОН

Турк  
хоконлиги



НАУЧНАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
ТашГУ

ТОШКЕНТ  
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ  
НОМИДАГИ  
ХАЛҚ МЕРОСИ  
НАШРИЁТИ

Раҳмон, Насимхон.  
Турк хоқонлиги [Масъул муҳаррир А. Рустам, муҳаррир  
Б. Омон]. — Т.: А. Қодирӣ номидаги халқ мероси нашр., 1993. 144 б.

Энг қадимги аجدодларимиз имон-эътиқоди, маданияти, турмуш тарзи ҳақида нима биласиз? Аجدодларимиз дини ва ёзуви, кўҳна тарихидан хабардормисиз? Сак-искиф империяси, турк хоқонлиги, манқурт хонлиги қай шароитда юзага келди?

Муҳтарам китобхон! Агар Сиз нодир битиктошларни, қўлёмаларни синчиклаб ўрганган истеъдодли ёш олим, филология фаилари доктори Насимхон Раҳмоннинг янги китобини ўқиб чиқсангиз, ана шу саволларга жавоб топасиз.

Раҳмон Насимхон. Тюркский каганат.


Масъул муҳаррир: филология фаилари доктори Алибек РУСТАМ  
Муҳаррир: Вахтиёр ОМОН

ББК 63.3(2У)

0503000000 —  
М361 (04) — 93 54—93

ISBN 5—86484—074—2

© А. Қодирӣ номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил.



*Ушбу китобимни онам Фотима  
Маматқул қизининг порлоқ хо-  
тирасига бағишладим.*

## ТАРИХИНГДИР БИР ЖАҲОН...

Урмия кўли бўйлари. Кеч куз. Қоронғу тушиб қолган, кўл атрофи гавжум. Бошига учли қалпоқ, эғнига жундан ё чармдан тўқилган камзул кийган, сочларини битта қилиб ўрган, кўзларидан ўт чақнаган аскарлар тўптўп бўлиб аланга атрофида қизғин суҳбат қурадилар. Майдон ўртасида оқ чодир тикилган.

Аскарлар жанговарлиги, моҳир найзабозлиги билан шуҳрат қозонган саклар-турклар, иккинчи бир тоифаси эса кўзлари катта-катта, қорачадан келган эроний халқлар эди.

Чодирнинг ҳашаматли бежами қандайдир тантанадан дарак беради. Ичкарида ўйин-кулги, базм авжида. Аммо баъзиларининг кўзларида таҳлика. Одатда таҳлика қўрқувдан ёки ёвузликдан, фитнадан дарак беради. Улар эроний саркардалари, Қайхусравнинг ишонган одамлари. Бугунги зиёфат ҳам, фитна ҳам турк ҳукмдори Афросиёб шарафига уюштирилган. Эронийлар Алп Эр Тўнгани шундай атайдилар. Алп Эр Тўнга ўз номига

яраша баҳодир жангчи деб ном таратган эди. Мидия шоҳи Қайхусрав Алп Эр Тўнгага «садоқат»ини билдириш мақсадига ушбу зиёфатни ташкил қилган. Аммо ҳаммаси олдиндан режалаштирилган: мақсад—жаҳоншумул турк хоқонини жисман йўқ қилиш, шон-шухрати-ни ер юзидан супуриб ташлаш, ҳар жиҳатдан қудратли турк давлатига барҳам бериш эди.

Зиёфат алламаҳалгача давом этди. Лекин турклардан ҳеч ким: на қўмондонлар, на аскарлар бу тун уларнинг қисматига катта ўзгартиришлар киритишини билмас эдилар. Қайхусрав охириги қадаҳни яна бир марта Алп Эр Тўнганинг шухрати ва куч-қудрати учун кўтаришни сўради. Алп-Эр Тўнгага узатилган қадаҳ ўз ишини қилди. Қадаҳга заҳар солинган эди...

Ҳали тонг ёришмаган эди. Эрон қўшинлари энди кўзлари илинган турк аскарлари устига ташландилар. Уйқусираган турк қўшинлари ҳужумни қайтаришга улгуролмай қолдилар.

Қайхусравнинг ёвуз режаси амалга ошди. У Алп Эр Тўнганинг ҳарбий сиридан воқиф эди. Алп Эр Тўнга қўшинини уч қисмга бўлиб, бир қисмини орқада қолдирган, бир қисмини олдинга жўнатган, бир тўдасини ўзи билан бирга олиб юрган эди. Маккор Қайхусрав Алп Эр Тўнганинг режасидан яхши хабардор бўлгани учун, дадил, ҳеч иккиланмай ҳаракат қилган эди. Қайхусрав саркардалари, келишувга биноан, аввало, турк саркардаларини йўқ қилди.

Машъум воқеадан кейин хоқонидан, лашкарбошиларидан айрилган сак турклари ҳар томонга тарқалиб кетдилар. Уларнинг бир қисми Шарқий Анатолиянинг тоғлиқ жойларига қочиб қутулдилар. У замонларда бу ерларга келиб ўрнашган сак турклари қарлуқ, гур, бажноқ (печенег) уруғлари эди.

Бу воқеа милоддан олдинги 626 йилнинг кузида бўлиб ўтди. Шу йиллари турклар тарихида биринчи давлат барпо бўлган, Алп Эр Тўнга шу давлатнинг асосчиси эди. Бу давлат тарихда сак (искиф) турк давлати деб ном олди. Сак-искиф турк давлати милоддан олдинги еттинчи-эрамизнинг иккинчи юз йилликларида яшадди. У Доғистондан Кичик Осиёга қадар чўзилган ҳудудни ўз ичига олган эди.

Афросиёб — Алп Эр Тўнганинг номи, Қайхусрав ўй-

лаганидек, тарих варақларидан ўчиб кетмади. Унинг шаънига қўшиқлар битилди, марсиялар тўқилди. XI асрда яшаган буюк туркшунос олим Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит-турк» асарини ёзиш учун материал тўплаб, юқори Чин, Урта Осиё, Сибириё ва бошқа туркий қабилалар яшайдиган ўлкаларни кезиб чиқаркан, Алп Эр Тўнгага бағишланган марсиянинг парчаларини халқ оғзидан ёзиб олди. Абдурауф Фитрат эса «Девону луғатит-турк» асосида Алп Эр Тўнгага бағишланган марсияни маълум бир тартибга келтириб, «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927) китобида чоп эттирди. Мана ўша марсия: (Бу парчани қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига ўзимиз ўгирдик. Айнан шеър хусусиятини сақламай, асосан мазмунни тўлиқроқ ифода-лашга ҳаракат қилдик):

Алп Эр Тўнга ўлдими,  
Емон дунё қолдими,  
Замона ўчин олдим,  
Энди юрак йиртилур.

Замона фурсат кузатди,  
Уғри тузоқ узатди,  
Беглар бегини (йўлдан) оздирди,  
Унинг қўлидан қандай қочиб қутулди.

Замон кунини шошилур,  
Инсон кучини камайтур,  
Дунёни эрлардан бўшатур,  
Ундан қочсанг ўзи сенга осилур.

Замона одати шундоғдур,  
Бошқа баҳоналари бордур,  
Дунё чоғлаб ўқ отганда,  
Тоғлар бошини ҳам кесилур.

Замона кучсизланди,  
Емон, ёвузлар кучайди,  
Фазилат соврулиб битди,  
Дунё беги қўлдан кетди.

Билимли, ақллилар тубанлашдилар,  
Югурик дунё оти уларни ташлади.  
Фазилатли отлар сасиди,  
Елларга совурилмоқдадир

Беклар отини чарчатди,  
Қайғу уларни ориқлатди.  
Юз — ёноғи сарғайди,  
«Заъфар» суртилган каби.

Улушиб эрлар бўрилардай,  
Еқа йиртиб қичқирдилар.  
Ашула айтиб нола қилдилар,  
Сиктагани чун кўрмай қолди.

Юрагим ичи ўртанди,  
Кўнглим етмиш (ёшга киргандай) қартайди.  
Ўтмиш кунларни излайди,  
Замона ўтар, топмайди.

Билагим кучи кетди,  
Тилакларим узоқлашди.  
Билим булоғи очилди,  
Уламан-да, тилагимга эришолмайман.

Алп Эр Тўнганинг ўлими бутун турк халқини изтиробга солди. Унинг ўлиmidан кейин замона кучсизланган, ёмон, ёвуз одамлар кучайиб кетган, «дунёнинг беги» қўлдан кетган эди. Машъум ўлим эр йигитларнинг қаддини букди, нолаларидан замин титради. Улар аламдан ёқаларини чок қилдилар.

XI асрда ҳам Алп Эр Тўнганинг шон-шуҳрати турк халқи орасида баланд эди. Маҳмуд Қошғарийга замондеш Юсуф хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» (Саодатга йўловчи билим) асарида Алп Эр Тўнганинг жаҳоншумул шуҳратини кўрсатади: «у билимдон, заковатли, катта ҳунар эгаси эди, бу фазилатлари унинг шон-шуҳратини дунёга таратган. У турк бекларининг сараси, овозаси оламни тутган, ҳунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Тожиклар уни Афросиёб деб аташган».

Алп Эр Тўнга қаҳрамонлик рамзи бўлиб қолди. Мотамларда унинг номи доимо хотирланди, ҳар гал номини хотирлашганда, турклар ҳушёр турадиган бўлдилар.

Отнинг ўлими—итнинг байрами деганларидай, эронийлар Алп Эр Тўнга ҳалок бўлган кунни «сак байрами» ёки «саклардан қутулиш кунни» деб хурсандчилик қилдилар.

Одамзод пайдо бўлибдики, ниманидир ўзи учун худо деб билди. Алп Эр Тўнга авлодлари учун Кўк тангри (Осмон тангриси) худо эди. Қадимги туркий ёзув — Урхун-энасой ёзувининг илк кўриниши давлатнинг маънавий ҳаётида шубҳасиз катта роль ўйнади. Тарихимизнинг бу даври кам ўрганилгани боис Алп Эр Тўнга асос солган давлатдан сўнгилари ғира-шира ёритилган. Сак-турк империяси миллий тарихимизнинг илк босқичларидан бири саналган «Бўзқир давлати»га асос солди. Аммо «Бўзқир давлати»нинг шаклу шамойили ҳозирча унчалик ёрқин эмас, уни фақат Алп Эр Тўнга асос солган давлатнинг давоми сифатида билишади.

Бу даврдаги турк қавмлари «искит» номи билан юритилган эди. Искит-искиф дегани. Оврупода эса «скиф» дейилади. Аммо Оврупо олимлари «скиф» номини туркларга эмас, балки ғарбдаги халқларга (украин, осетин ва ҳ.) нисбатан қўллайдилар. Туркларни эса прото-турк (кўҳна турк) деб атайдилар.

Сак туркларининг баъзи уруғлари замонлар ўта борган сари бошқа халқларга чатишиб кетди. Масалан, помирликларни бугунги кунда эроний тилда сўзлашувчи тожикларнинг бир тармоғи деймиз. Аслида Қошғарда ва Тянь-Шанда яшаган Помир халқи келиб чиқишига кўра, искитлардир. **Тянь-Шань Тангри — бўри** деган туркийча номнинг хитойчасидир. **Шань** сўзини баъзилар Хон деб изоҳлайдилар. Бу нотўғри. Шань-бўри дегани. Туркийларнинг энг нуфузли Ашин уруғи ўзларини бўридан келиб чиққанмиз, деганлар. Тянь-Шань номи туркийларнинг эътиқоди (Тангри) ва келиб чиқишига (бўрига) ишора қилади.

Эронийлар скифларга «сак» отини беришган. Қарлуқ уруғи ҳам помир сакларининг бир тармоғидир. Лекин сак номи остида кимлар тушунилгани ҳозиргача мунозара бўлиб келяпти. Биз сак номи туркларга тегишли эканлигини айтдик. Бошқа манбаларда ўзгача фикрлар учрайди. Эрамизгача VIII—IV асрларда бугунги Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги қабилалар ҳаммаси «сак» номи остида юритилган. Геродот ва бошқа антик

давр тарихчилари уларни Осиё скифлари деб ёзадилар. Улар VI—V асрларда Аҳмонийлар династияси қўли остида эди,<sup>1</sup> дейилади. Аммо эрамизгача VII — эрамизнинг II асрларида Жанубий Сибириё, Энасой (Енисей) дарёси ва Иртин дарёси бўйлари, ҳозирги Мажаристон (Венгрия) ва Чехословакия, Хазар денгизи бўйлари, Эрон, Ироқ, Сурия ва Туркия давлатлари ўрнида сак — исцит империяси барпо бўлган эди. Эронийлар сакларга ўзларини қарши қўйган эканлар (саклардан қутулиш кунини байрам қилганларини эслайлик), демак, саклар асосан, туркийлардан ташкил топган.

Гугу ва Магуг уруғлари ҳам турк қавмлари орасида катта мавқега эга эди. Улар жанговар халқ бўлиб, бошқа уруғларни орқасидан эргаштирди. Бу уруғ бошчилигида сак турклари эрамизгача 665 йилда Қафқоз (Кавказ), бутун Мидия (Эрон)ни, Анатолия, Сурияни олиб, Миср чегараларигача етиб борди.

Гугу ва Магуг уруғлари «Библия»да, хусусан, Мусонинг «Ибтидо» китобида Гог ва Магог деб эсланади, улар Нуҳ пайғамбарнинг авлодидир<sup>2</sup>.

...Бутун дунёни тўфон босиб, Нуҳ пайғамбар олти ой кемада қолиб кетди. Улар етти киши эдилар: Нуҳ, унинг уч ўғли, уч келини. Оламда одам зотидан фақат еттовни қолди. Бугунги кундаги шунча халойиқ-ёвузи ҳам, яхшиси ҳам, мўмини ҳам, ҳатто кофири ҳам Нуҳ ўғилларидан пайдо бўлдилар. Катта ўғли Сом, ўртанчаси Ҳом, учинчиси Ёфас эди. Бир кун Нуҳ алайҳиссалом ухлаётган эди, шамол келиб, унинг этагини кўтарди, уятли жойи очилиб қолди. Ҳом буни кўриб кулди, Сом Ҳомга маломат қилди. Ёфас буни кўриб, тўни билан отасининг уятли жойини беркитди. Аллоҳ таоло шумлиги учун Ҳомнинг пуштини қора қилди. Шунинг учун унинг болалари қора бўлди. У денгиз қирғоғида ватан қилиб, қамишдан уй қурди. Ҳиндулар, ҳабашийлар, зангилар Ҳомдан пайдо бўлди. Араб ва Ажамнинг отаси Сомдир. Ҳомни Ҳиндистонга жўнатди. Сомни араб ва Ажам вилоятларига жўнатди. Ёфасни Туркистонга жўнатди. Ҳамма турклар Ёфас уруғидир. Ёфас туфайли турклар азиз ва мукаррам бўлдилар. Бу сўзлар Абу Исҳоқ Нишопу-

<sup>1</sup> Акишев К. А. Курган Иссык. — М., 1978, 5-бет.

<sup>2</sup> Библия, М., 1968, 9-бет.

рий<sup>1</sup> жам қилган «Қисаси ал-анбиё»да ҳам ёзилган. Бошқа олимлар ҳам айтганлар: Яъжуж ва Маъжуж Ёфас уруғидандир<sup>2</sup>.

Яъжуж ва Маъжуж—Гугу ва Магуг уруғидир. Алишер Навоийда ҳам Яъжуж ва Маъжуж эсланади: «Ясоқлик деган қора черик, Яъжуж ва Маъжуж хайлига шерик, эмгақдин аларга ором йўқ... (Маҳбубул-қулуб», XIII, 16). Яъни, сафдаги катта қўшин Яъжуж ва Маъжуж тўдасига шерикдир, улар келтирган машаққатлардан халққа тинчлик йўқ.

Бу ойин ила чун шаҳи пурхирал,  
Ки Яъжуж дафъи учун чекти сад

(Хамса, «Садди Искандарий»дан)

Яъни, бу йўл-йўриқ билан оқил шоҳ Яъжужнинг ҳужумидан сақланмоқ учун девор қурди.

Аждодларимиз исломгача турли динларни — насроний (христиан), шомонлик, буддизмни қабул қилганлар. Насроний черковлари кўплаб қурилгани учун Гугу ва Магуг уруғлари христианлашдилар. Уларнинг христианлашувида четдан келган миссионерлар катта хизмат қилди. Айниқса, эрамизнинг V—IX асрларида ғарбдан келган миссионерлар Русия, Қафқоз, Хазар ўлкаси ва Болқонда фаол иш олиб борди. Натигада бу ерларда яшаган бажноқ, қипчоқ, ғуз, булғор, авар каби турк уруғ ва қавмлари бутунлай христианлашиб кетдилар. Уларнинг Урта Осиёдаги фаолияти унчалик яхши натижа бермади.

Сак турклари авлодлари жуда узоқ-узоқларга тарқаганки, ҳатто уларнинг турк қавмлари эканлиги энди билинмай кетди. Бу қавмлар бири ўрнида иккинчиси турк авлодларини давом эттираверди. Аршакийлар ана шундай қавмлардан биридир.

Эрамизгача иккинчи минг йилликдан эрамизнинг бешинчи юз йилликлари орасида Аршакийлар давлати гуллаб-яшнади. Бу давлат ҳозирги Эроннинг Шарқий

<sup>1</sup> Ийрик араб адиби ва олими (VIII аср).

<sup>2</sup> Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Тошкент, 1990, 1-жилд, 15-бет. Мазкур ривоят тушунарли бўлиши учун эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига ағдариб бердик. (Мух).

қисмини, Туркманистонни, Анатолия (Туркия)ни ўз ичига олган эди. **Аршак** аслида туркий сўз: ар-эр (яъни мард, жасур, баҳодир) демакдир, **шак** эса **сак** сўзининг ўзгаргани, фақат бир ҳарф ўзгарган, холос (с-ш). Оврупода улар киммерлар деб юритилади. Аршакийлар давлатига Каспий денгизининг жануби-шарқидаги дай қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган.

Аршакийлар еттита турк уруғидан пайдо бўлган. Булар: ими, имак, татар, баяндир, қипчоқ, хидхаз ва исланд уруғларидир.

Саклар аршакийлар давлатида ўрнашиб, Юқори Дисла, Арас, Чурух ва Кур дарёлари бўйларида ватан қилдилар. Кейин аршакийлар билан бирлашиб, «Кичик аршакийлар» (эрамизгача 452—429 йиллар) давлатини қурдилар. Шу тариқа аршакийлар давлати иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мавқеини мустаҳкамлаб олди. Сак-искиит давлати дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланди.

Турк халқининг хаёлотини бизга кўп мерос қолдирди. Хусусан, сак-искиит турклари Алп Эр Тўнга даврида ва ундан кейинги «Бўзқир маданияти»га оид осори атиқаларни қолдирдики, мазмун ва миқдор жиҳатидан булар катта қимматга эга. «Бўзқир маданияти» кўпинча кўчманчи отличқлар маданияти деб ҳам юритилади.

Айни дамда бутун дунё тасвирий санъатида «ҳайвонот услуби», «скиф ҳайвонот услуби» деган оқим мавжуд. Аслида ҳар иккиси ҳам бир. Санъатнинг бу турини илк маротаба искиит турклари яратганлар. Кейин бутун Оврупога тарқалган.

Айниқса, турклар яратган афсоналар алоҳида диққатга сазовор. Афсоналар турк халқи хаёлотининг нақадар кенглиги, фикрининг теранлигини кўрсатади. Улар фазодаги жамики яратилган мавжудот ва ҳодисотлардан илмий ҳақиқатни излашга ҳаракат қилдилар. Кўк тангри, шамол, ҳаво, ғор-тупроқ, сувнинг келиб чиқиши ҳақидаги тўрт унсурга асосланган афсоналар ҳануз турклар фольклорини безайди ва бутун дoston, ҳикоятларда яшаб келади.

Сиз ўқиган бу афсоналарда ҳикмат кўп. Одамзоднинг илк бор худога сажда қилишга ўрганишини билиб

оламиз. Шунингдек, ёвузлар ҳар дoнм ўлимга маҳкум, деган ғоя жаранглайди. Шу билан бирга, шайтонлардан эҳтиёт бўлинг, деб огоҳлантириб туради.

Чинликларнинг турк қўшиқларини ўз ичига олган «Тинг-Минг» деган асарлари ҳам бор. Бу асарлар саклар давлатининг маркази бўлган Мўғулистон, Сибирини ва Олтой тоғларига етиб борган. Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия ҳам у ҳақда яратилган дostonнинг бир қисми бўлса, эҳтимол.

Ўғуз дostonи ҳам шу даврга оид бўлиб, бизгача етиб келган дostonларнинг биридир.

Яна кўҳна тарихга қайтамыз.

Бир пайтнинг ўзида Осиёнинг кўп жойларида бошқа турк давлатлари ҳам қурилди. Сак-искиитлар билан барабар милоддан олдинги VII асрда «Кенгарас» давлати қурилди. Бу давлат эрамизнинг V асригача яшаб, Самарқанд, Кеш, Кушон, Тошкент, Бухоро ва Хоразмни ўз ичига олган эди. Кўк тангри ва туркий ёзув амалда бўлган Кенгарас давлати қангли, кенгарас, қипчоқ, бажноқ уруғларидан иборат эди. **Кенгарас** ҳозирги кенагас сўзидир. Давлат бошида кенгарас уруғи тургани учун, давлат ҳам уларнинг номи билан аталган. Лекин қипчоқлар мавқе жиҳатдан кенгарасларга қараганда устунроқ эди. Давлат ишларида уларнинг иштироки сезиларли бўлган. Қарлуқ ва ўғуз гуруҳлари ҳам қисман бор эди. Давлат ҳаётида уларнинг ҳам иштироки бор эди. Умуман, милоддан олдинги VII асрдан то турк хоқонлиги тугагунча қипчоқлар, қарлуқлар, ўғузларнинг мавқеи баланд эди. Ҳатто VIII—IX асрларда учаласи алоҳида қавмий бирлик сифатида эсланади. Қипчоқ уруғи аслида аршакийларга бориб тақалади.

Биз юқорида сак-искиит турклари билан аршакийлар ўртасидаги муносабатга тўхталиб, улар «Кичик аршакийлар» давлатини тузганлиги ҳақида айтиб ўтган эдик. Қарлуқ ва ўғузлар Кенгарас давлатида қанчалик роль ўйнаган бўлсалар, қипчоқлар Аршакийлар давлатида ҳам шунчалик обрўга эга бўлганлар. Айни пайтда улар Кенгарас давлатида ҳам яшаганлар. Қипчоқлар фақат сак-искиит ва Кенгарас давлатидагина эмас, балки қўшни халқларга ҳам ўз таъсирини ўтказдилар. Русларнинг ягона дostonи «Игорь жангомаси»

га қипчоқ мотивлари кучли таъсир этган. Бундай таъсирда бажноқ уруғи катта роль ўйнаган бўлиши керак. Турк кўчманчи қабилаларининг рус ҳаётига таъсири бу дostonда ёрқин намоён бўлди. Қипчоқларнинг бир қисми славян халқларига қоришиб кетган. Жумладан, украинларнинг қонида туркларнинг қони бор.

Туркий қавмлар яратган обидалар Кенгарас давлатидаги уруғларга тегишлидир. Демак, Уғуз дostonлари ва «Дада Қўрқут» китоби ҳикоятларининг Кенгарас давлатида тарқалганлигига шубҳамиз йўқ. «Гўрўғли», «Алпомиш» дostonлари бугунги туркий халқлар орасида кенг тарқалганидай, Уғуз дostonлари ва «Дада Қўрқут» ҳикоятлари ҳам барча турк давлатлари учун умумий бўлган. Сак-искит туркларидан сўнг Марказий ва Урта Осиёда хунлар ҳукмронлик қилди.

Бу давлат тарихда Осиё-хун империяси номи остида юритилиб, милoddан олдинги VII асрдан эрамининг 48-йилгича яшаган. Хун давлатининг асосчиси Мотун хоқондир. Уни Мочун деб ҳам айтишади. «Чин-Мочин» ибораси, эҳтимол, шу даврдан қолган бўлса керак. Бу давлат кейинроқ икки тармоққа—Шимолий хун ва Шарқий хун давлатига бўлинган. Бундай бўлиниш Осиё-хун империяси тугагандан кейин содир бўлган. Шимолий хун давлати 482-йилдан 156 йилгача давом этган. Бу давлат тасарруфига Урхун бўйлари, Талас, Ғарбий Туркистон ҳудудлари кирган. Шарқий хун давлати эса 48 йилдан 216 йилгача яшаган. Империя таркибига шимоли-ғарбий Чин районлари, Орол денгизи бўйлари, Амударё бўйлари, Сибириё чўллари, Тангри тоғи районлари, Тибет паст-текислиги кирган. Ҳозирги Мўғулистон ҳудудида яшаган халқ сяньбийлар деб юритилар эди. Улар ҳам хунлар сингари туркий тилда сўзлашганлар. Бундан келиб чиқиб, сяньбийлар ҳам хунларнинг бир тармоғи бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Шимолий хунлар ҳам, шарқий хунлар ҳам Қўк тангрига сиғиниб, Урхун алифбосидан фойдаланганлар.

Шимолий Чиндан Қора денгизгача чўзилган ҳудудда турк бўлмаган халқлар турклашди. Уларнинг турклашишига мажбурий усуллар, зўравонлик эмас, балки ўзаро муомала, алоқалар сабаб бўлган эди. Ягона туркий тилдан фойдаланиш уларнинг турклашишига

асосий сабабдир. Екутлар, чувашлар, булғорлар олдин бошқача номлар билан аталганлар. Жумладан, урхун обидаларида чик деган қабила номи учрайди. Чик бугунги Сибириёда яшовчи кўпгина туркий халқларнинг ота-боболари номидир. Бу қабила ва уруғларнинг ҳаммаси хун давлати чегараси ичида тўпланди. Хитой девори хунларнинг ҳужумлари сабабли қурилган эди.

Тарихдан шу нарса маълумки, хитойлар Осиё-хун империяси даврида ҳам, кейин ҳам туркийларга ўзларини яқин олиб, худди қариндошлардай кўрсатиб юрдилар. Уларнинг мақсади бўлакча: ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб бораётган туркийларга ичидан зарба бериб заифлаштириш ва қудратли давлатни парчалаб ташлаш эди. Династиядаги шаҳзодалар ва катта бойларнинг ўзаро жанжаллари оқибатида империя эрамининг 48 йилида йиқилди. Ватанидан айрилган юз мингларча хунлар турли ерларга кўчиб кетдилар. Энди дунёнинг турли ерларида хун давлатлари қурила бошланди. Ёвузлик оқибатида парчаланиб кетган хун давлатлари энди аввалгидай мустақкам, қудратли эмас эди. Бир томондан, Шимолий ва Шарқий қисмларга бўлиниб, ҳар бири ўзича яшаган бўлса, иккинчи томондан, Ғарбий Оврупода, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа ҳудудлардаги хун давлатлари ўз ҳолича яшайвердилар. Шуниси муҳимки, Шимолий ва Шарқий хун давлатлари бошқа хун давлатлари учун асос бўлди.

Энди дунёнинг бошқа жойларида ташкил топган хун давлатлари ҳақида тўхталамиз.

**Ғарбий (Оврупо) хун императорлиги.** Бу империя тарихда Аттила хунлари деб ҳам юритилади. У жуда катта мамлакатларни қўл остига бирлаштирди. Шарқий Русь, Руминия, Югословиянинг шимоли, Мажористон (Венгрия), Австрия, Чехословакия, Шарқий ва Урта Олмония мамлакатлари Ғарбий хун императорлиги тасарруфида бўлган эди. Бу династияда ҳам Қўк тангри асосий дин сифатида амал қилган. Ёзув эса туркча, готча, лотинча ва грекча эди. Чунки Овруподаги ёзувлар ҳам ўз амалий фаолиятини сақлаб қолаверди. Хун императорлиги у ерлардаги миллий маданиятларнинг ривожига тўсқинлик қилмади, аксинча, катта мадад берди. Династиянинг дастлабки ҳукмдори Баламир бўлиб, у 374 йилдан бошлаб ҳукмронлик қил-



ВН, ОхирГИ ^укмдори Аттила 434—453 йилларда, сўнг-  
1' | \1 Ip '11 III NII 169 Гшлгача хукмрошшк қилди. Бу  
орйЛНКДа УДИЭ (НО), Қоратун (412), Руйа (434);  
| Ёйбар( . & ктар (434) ҳам давлат бошида турганлар.

I арбий хун сулоласи пайдо бўлиши биланоқ илк кўч-  
манчиларнинг ҳаёти тарих сахнасига чиқди. Бу ди-  
НЬСПИЯ тлшқил топиши билан Ғарбий Сибириёдан Овру-  
по қитъасига яна турклар учун минг йиллик йўллар-  
очилди. Энди Оврупода хукмрон бўлиб, катта мавке  
эгаллаган Рим империяси хунларнинг тазйиқи натижа-  
сида кучсизланди. Шундан кейин Рим империяси бош-  
лиқларида «Рим-герман кутлуғ бирлиги»ни тузиш фик-  
ри туғилди. Аммо бу бирлик Ғарбий хун сулоласига  
дарров таъсир эта қолмади.

Аттила ҳамма хукмдорлар ичида энг лаёқатли хо-  
кон эди. Унинг ўлимидан кейин бошланган ўзаро ке-  
лишмовчилик ва уруш-жанжаллар, бунинг устига гот,  
герман, франк қабилаларининг исёнлари Ғарбий хув  
сулоласини емирди.

Оқ хун императорлиги. Бу империя Урта Шарқ-  
хун — эфталит империяси деб ҳам юритилади. Суло-  
ланинг асосчиси Кун хон эди. Унинг таркибига Хи-  
ндистоннинг ярми, Афғонистон ва Туркистоннинг катта-  
қисми кирган эди. Ҳиндистон бу сулола таркибида бўл-  
ганлиги учун Кўк тангридан ташқари, буддизм ҳам  
етакчи дин эди. Шу билан бирга, Оврупо хулларида  
бўлгани сингари, маҳаллий аҳолининг тили ўз мавкеи-  
ни саклаб қолди. Туркий тил билан бир қаторда сан-  
скрит тили ҳам бу сулолада давлат тили сифатида  
амал қилаверди. Оқ хун династияси 367 йилдан 560  
йилгача яшади. Аммо Мовароуннаҳр ва Эропта, Ши-  
молий Ҳиндистонда турк уруғлари ўрнашиб мустах-  
камлана борди.

**Табғач давлати.** Бу давлатнинг асосчиси - - Шаме»  
хон бўлиб, у 386—557 йиллар давомида хукм сурган.  
Шин-си, Кан-си, Ян-си дарёсига қадар чўзилган худуд,  
Марказий Осиёдаги Қошғар, Турфон районларн, Урхун  
нодийсидаги жужан давлати шарқидаги бмр қисм  
жойлар шу сулола таркибида эди.

Табғач давлатидаги хунлар қуйидаги уруғлардан,  
иборат: хунг-ну, эфталит, ўғуз гуруҳи, авар, Тўба (таб-  
гач). Улар бир тўпдан келиб чиққан. Хуиг-иулар олий

ласаб саналган. **Хунг-ну** сўзи қадимги мўғул, тунгус  
ва бошқа уруғлар номидан ташкил топган. Хунлар  
ғлидаги кўпчилик сўзларнинг тунгуслар тилида бор-  
лиги ҳам шундан. Сяньбийлар тунгуслардан келиб  
чиққан. Хунг-ну эли 24 уруғдан келиб чиққан. Йигир-  
ма тўрт сони хунларнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль  
ўйнаганидек, Урта Осиёда кейинги даврларда ҳам 24  
оқсоқол давлатни бошқарган. Тўхтамишхон даврида  
(XIV аср) давлат бошқаришдаги бу усул давом этга-  
нини айтиб ўтиш жоиз. Бу усул аслида Хунг-ну турк-  
ларидан тарқалган. Хуиг-ну турклари илк буюк Мар-  
казий Осиё давлатини қурган пайтда императорлик 24  
кўмондон томонидан идора этилган, уларнинг бошида  
Мотун турган.

Шарқий хунлар (яъни Хунг-нулар) милоддан ол-  
динги II асрда хакас турклари ва уйғур туркларини  
кўшиб олган.

Хунг-нуларнинг энг кўп сонли икки жамоаси Осиё  
хун сулоласининг тиргаги бўлган эди. Бу қабилаларни  
хитойлар Гиала ва Тинг-Минг дейдилар. Чин манба-  
ларига оид «Као-чу» деган асарда айтилишича, эфта-  
литлар (оқ хунлар) ҳам бир қанча қавмлару уруғларни  
бирлаштирган бир сулоланинг номидир. Бу қавмлар  
Кушон уруғига мансуб қидаритлар, турғаш, табғач,  
хуон уруғларидан иборат эди. Эфталит қабила уюш-  
маси ичида энг қудратлиси хуонлар бўлган. Кушон-  
дар ҳам Ҳиндистоннинг энг катта қисмига ҳокимлик  
қилган. Афғонистон ва Мовароуннаҳр ҳам кушонлар  
ҳокимиятига кирган.

Хун даврига келиб туркий уруғ ва қавмларнинг  
жойлашиш чегаралари анча кенгайди. Натижада яшаш  
худудларига қараб, тиллари ҳам тармоқлана борди.  
Адапазари, Урта Анатолия, Тавр, Ичал ва Антал (Урта  
Ер денгизи бўйлари)да яшаган оқ хунлар туркча сўз-  
лашганлар. Тунсели, Эрзинжон ва Терсан тарафларда  
ўрнашган оқ хунлар эса прототуркча, кўпроқ курдча  
(арабча ва форсчанинг қоришиғи) гаплашганлар.

Табғач давлати ташкил топгандан сўнг туркий ма-  
даният жаҳоншумул обрў қозонди. Жумладан, ҳозир-  
да герман халқининг мулки ҳисобланаётган «Нибелунг-  
лар ҳақида кўшиқ» (Атила марсияси) ва бошқа  
афсоналар аслида Осиё-хун ва Табғач давлатида

яратилган эди, Урта аср Италиясидаги Рум-Ромул вфсонасининг яратилишида турк афсоналарининг таъ^спри Оор. Ёу афсопа ҳам айнан Урта ва Марказий Осиёдан дунёга ёйилган. Бундай дoston ва афсоналар. туркларда жонли халқ адабиёти азалдан мавжудли-ІІІІ кўрсатади.

Аттила Византия элчиларига зиёфат бергап чоғида хун туркларининг оғзаки ижоди ҳам қуйланган, Шу маросимда қатнашган Прискос уларни ёзиб оларкан, кўшимча равишда мотам маросимида қуйланадиган лирик шеърлар, ўланлар турк халқ адабнётининг. му-хим бир қисми бўлганлигини айтиб ўтади. Турк ада-биёти шу даврларда бутун дунёга маълум ва машхур бўлган эди. Жумладан, Аттиланинг вафотп муносаба-ти билан хун кўбизчилари кўплаб марснылар ижро этганлар. Ана шу асарлардан бирини VI асрда >Қор-данес деган шоир лотинчага таржима қилган.

# # \*

Турк давлатларининг ташкил топиши, ривож ва таназзули худди жонли мавжудотларга ўхшайди. Шахс жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўсганидек, давлат-нинг таракқиёти, таназзули бўлади. Маънавий юксай шахснинг ҳаёти жамият таракқиётига қатта хисса қў-шади. Зотан, жамият таракқиёти тасодиф эмас, зару-риятдир. Хар бир турк давлатининг ташкпл топиши ана• шу зарурият билан белгиланади. Агар тарлққиёт заруриятга айланмаганда, Кўк турк хоқоплпгппппг пай-до бўлиши ва яшашимумкин эмас эди.

. ; Эндиги суҳбатимиз Кўк турк хоқонлпгн, упппг жа-хон: маданиятига қўшган хиссаси ҳақида бўладн. -•

Аниқ фанларда, айтайлик, кимё фанида бптта эле-мёнтни • топган одамнинг номи абадий тарихда қол^адиЗ Маданиятимиз; фидойиларининг меҳнати эса кимё фа-нидати; кашфиётлардан •: қолишмайди: "Уларнинг пш-матларини бот-бот ёдга: олиб туриш биз;учуп ҳам кйрз^ ҳам фарз. ҚоЛаверса,- уларнинг рухйга ҳурмат бажо келтиргав бўламнз. Миллати бйз учун ахамниятсп I. Фан фидойилари у.миллат таиЛам^агаН:" Ҳамма- миллат ўнйр учун: бар^вар.г;;;Рапнк-мухтасар қилиб,- улар \. ^пда хикоя қйЛИшдаН'бошлади'к,':: ••:-.Л ••'• ;:••:.' ' ;•

## ШОН-ШАВКАТ—ЮКСАК МАҚСАДГА ИНТИЛГАННИНГ МУЛКИДИР

1889 йилнинг ёзи. Қимсасиз Мўғул чўли. Июнь ойн ўлишига қарамай, изғирин баданларни тешиб юбо-||ап дейди. Бепоён кенгликларда ахён-ахёнда одам ьшайдиган кулбалар учрайди. Озиқ-овкатни етарлича гимламай, йўлга енгил-елпи отланган одам қийналади. . Дарё сохилидан совуқ шамол эсмоқда. Куёш нури гифтсиз. Отда букчайиб олган бир неча чавандоз Ур-п дарёсининг чап сохили бўйлаб кетяпти. Уларнинг имларида хаяжон, аллақандай хавотирлик. Орқала-ридан икки от-арава юкнинг оғирлигидан зўрға инти-Либ судралади. Араваларнинг бирда одам ётибди. Унинг юзлари қизариб кетган, бир неча кундан бери гоҳ қў-гарилиб, гоҳ тушиб турган харорат уни холдан той-айрган. Бу одам Николай Ядринцев эди.

У бошчилик қилаётган кичкина илмий сафар неча куллардан буён Мўғулистоннинг кам ўрганилган жой-ларпга тобора кўпроқ кириб бормоқда. Кўп нарса ол-пшдан режалаштирилган, ҳаммасига улгуриш керак. Шунинг учун ҳам Николай Ядринцев оғир касал бўли-Шйга қарамай, руҳи тетик, мақсад сари дадил бор-моқда.

Ҳаммасига бу тиниб-тинчимаснинг қайсар феъли-айбдор. Сибириё, унинг халки ва табиати мафтуни бўлган Н. Ядринцев ўлканинг тарихчиси ва элшуноеи-(этнографи), қадимшуноси (археологи) ва иктисод-чиси, публицисти, халқ маорифй арбоби сифатида ййллр давомида иш олиб борди. У Сибириёнинг бир нактлар жуда бой, маънан юксак ўлка бўлганлигйга пшонар, шунинг учун бу йўлда тинмай изланар, ўзини аяйас эди:

ГН. Ядринцев Угор-Олтой қабилалари билан алла-қачонлардан бери кизиқиш баробарида турк сулола-Сининг' афсонавий пойтахти Қоракурум шахрини то-пдшн пинҳона орзу қилар эди. У Қоракурум тўғрисида (СЯатиб^ўтилган рус ва чет эл адабиётларини кўзДан I"чирди, бирон-бир сатрини ҳам колдирмай, синчкОв-Чйк билан ўрганиб чикди. Бирок энг қийин иш илмий Сйфар ташкил қилиш эди. Бунйнг учун кўп вақт ва куч таяаб қилинди. ҚоЛаверса, маблағ ҳам, йўл кўпсатув-

1М Лук здн. Унтл от билан иккита арава топилди, <олот М/К>д ва ишонч уларни олислар қаърига етак-борарди, Нихоят, минг машаққатлар ила мўлжал-'.м|у,ш ерга яқинлашдилар. Улар Тула дарёси яқинида \\1 асрда қурилган Ирхе-Мерганхон саройининг харобалприга. дуч келишди. Кутидмаганда, археологик топилмалар бирин-кетин . учрай бошлади. Хорухдаги ибодатхона вайроналари, Тошин Чил тепалигида топилган мрамрар пойдеворли бахайбат бино қолдиқлари уларга бирмунча далда берди. Демак, мўлжалга яқин қолди.

Илмий сафар аъзолари қазув ишларини давом эттирдилар. Дастлаб тўрт бурчакли меҳроб кўрдилар. Унинг орқасида узунлиги 25 метр келадиган пастак ғишт девор, тагида аллақандай иморатнинг харобалари кўзга ташланди. Девор орқасида, худди пойдеворидан узиб олинганидек, хар тарафга сочилиб мрамрар тошлар ётарди. Эҳтимол, бу тошлар бир вақтлар «омаълум давлатдан ҳамма келиб зиёрат қиладиган қутлуғ ёдгорлик бўлгандир. Битта . мрамрартош яхши сақланган эди. Унинг баландлиги уч ярим метр, эни тахминан бир метру ўттиз сантиметр бўлиб, пастдан юқорига торайиб борган эди. Мрамрар тош бирмунча яхши сақланганди. Тош тепасида қалқон лавҳа аниқ кўринди. Лавҳада эса бургут тасвири туширилган, аллақандай тушуниб бўлмайдиган «тангача»лар уни қоплаб олган эди. Н. Ядринцев илгари Минусинск хавзасига борганда, худди шундай «тангача»ларни кўргану эътибор бермаган эди.

Ярим вайрона девор ёнидан бошсиз хайкалчалар топилди. Улар либосларига кўра, қадимги туркларни эслатар эди. Н. Ядринцев қадимги туркларнинг либослари ҳақида яхши тасаввурга эга эди. Сал нарироқда бир-бирига қаратиб қўйилган икки хайвон шакли турар, тўрт ярим километрлик масофада ўн-ўн икки метр оралатиб ўрнатилган тош хайкалчалар қатор тизилган эди. Бу бир вақтлар турк хоконлигининг гуллаб-яшнаган пойтахти Қорақурум шаҳри харобалари бўлиб қпқди. Н. Ядринцев бир неча йиллик орзусига эришди.

Бояги хайкалчалардан сал нарироқда деиор ва миноралар қолдиқлари, ўтирмаи ва тик турган аёллару бл^одирларнинг тош шакллари, мрамрар тошдан ясал-

ган хайкал парчалари топилди. Эрдени-Цзо монастири харобалари орасидан байхайбат тошбақа, шер, кал-такесак тасвирини ҳам топишди. Хаммасидан ҳам «тангача»лар экспедиция аъзоларининг диққатини тортди. Эҳтимол, тангачалар ёзув бўлса керак, деган хулосага келишди. Улар «тангача»ларни диққат билан текширдилар, белгилардан пухта қилиб нусха кўчирдилар, синган ёдгорликнинг иккита парчасини яхшилаб ўраб аравага жойладилар. Бироқ маблағ ва озик-овқат тугаганлиги сабабли улар қайтиб кетишга мажбур бўлдилар. Н. Ядринцев ва шериклари тошлардаги «тангача»лар бутун бир тарихни тирилтира олишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

XIX асрда Сибириё қадимиятини ўрганишга бел болаган фидойи олимлар беҳисоб эди. Айниқса^ Д. А. Клеменцининг Сибириё маданияти тарихини ўрганиш борасида олиб борган хизматлари алоҳида тахсинга сазовор. У қизиқувчан одам бўлиб, адабиёт, археология, злшунослик, геология соҳалари билимдони эди. Узи Петербург дорилфунунининг физика-математика куллиётида тўрт йил ўқиган. 1888 йилда инқилобий фаолняти учун қамалиб, Ёкутистонга сургун қилинди. Шундан сўнг Сибириёда 15 йил турди: аввал Минусинскда, кейин Томскда яшади.

Олим Мўғулистонга кўп марта сафар қилди. 1891 Ђшдан бошлаб эса Урхун экспедицияси таркибида Қорлқурум шаҳрини топишда қатта хизмат қилди. 1892 Ђшда у Иркутскда ўрнашди ва Рус жуғрофия жамия-пшинг Шарқий Сибириё бўлимида ишлади. Иркутскда гурган пайтда икки марта Мўғулистонга сафар уюштрди. Сибириё экспедицияси таркибида Ёкутистон-ппг қадимий маданияти билан узок вақт шуғулланди. Иккинчи сафарига Тўнюкук ёдномасинни топди ва шу туфайли унинг номи машхур бўлди.

Аслида Д. А. Клеменц геолог бўлса-да, археолог ва нпограф сифатида ҳам бу соҳадаги пешқадам олим-||>дан қолишмасди. Аммо иш доимо осон кўчавермас ".н. У Минусинск музейида сақлаш учун чўлдан икки-|.| тош хайкални олиб келаётганда, сойот ва туваликлар унга ҳужум қилдилар, бир гал ҳалок бўлишига 08 қолди. Аммо Сибириё маданиятига бўлган иштиёк \ ппл тинчлик бермас эди.

ФНИНГ КИЙласи Доронинг тушига ҳам кирмаган эди. Гунда КИЧИК-кичик скиф отрядлари эронийларнинг ОДИНИ қисмларига қўққисдан хужум қилиб, кириб гашлардилар. Пистирмалар эронийларнинг тинкасини куригди. Скифлар эроний кўшинлари турган жойлар-НИ ёндириб юборар, ёнгин боскинчиларга талай таш-ВИШ ва талофот етказди. Скифлар уруши ҳақиқий партизан урушини эслатарди.

Доро кўшинлари борган сари сийраклашаверди. Барибир, улар скифларни таъқиб қилишни давом эттирдилар, аммо натижа чикмади. Доронинг сабр-тоқати тугаб, скифлар шохи Иданфрисга мактуб йўллади. Мактубда бундай дейилган эди: «Тентак, икки йўлдан бириний танла, имконинг бор. Аммо сен қочиб юрибсан. Агар менга қарши туришга кучинг етса, дайдиб юришдан тўхта, мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб овора бўлма, ер-сувингни ўз султонингга сийлов қилиб бергин-да, келишув битими тузгин».

Иданфрис ҳам жавобни кечиктирмади: «Менинг аҳ-Волим бундай, шох! Мен авваллари ҳам бирор кимсдан қўрқиб қочмаганман. Ҳозир ҳам сендан қўрққаннм учун қочаётганим йўқ. Тинчлик вақтида қандай йўл тутган бўлсам, ҳозир ҳам шундай йўл тутяпман. Сен билан дарҳол жанг қилмаганимнинг боиси бундай: Шаҳарларимиз ёки экин экадиган ерларимиз бўлсаки, уларнинг талон-тарож қилиниши ва яқсон бўлишидан қўрқсак. Шулар сабаб сизлар билан дарҳол жанг бошламадик. Агар жанг қилишни жуда истасангиз, оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни оёқ-ос-ТИ қилишга уриниб кўринглар, жанг қиламизми, йўқми, ксйин биласизлар. Бу жанг ҳақида айтганим. Мен ўз султоним, ҳукмдорим деб Завс билан Гестияни, скифлар маликасини ҳисоблайман. Сенга эса сийлов қилиб, вр-сув ўрнига бошқа нарсаларни юбораман. Узингни менга султон, ҳоким деб ҳисоблаганинг учун ҳали ада-бипгни ейсан!»

Иданфрис мағрурона жавоб берган, айтганлари қуруқ гап эмас эди. Доро скиф даштларининг ичкарасиг. мушқул аҳволга тушиб қолган кунлари скиф шохи пстилочиларга ғалати совға-қуш, сичқон, бақа ва бешта ўткир ўк юборди. Эронийлар совғанинг маъноси чопардан ҳар қанча сўраб-суриштирмасин, бир

хилдаги жавобни эшитишди: унга «совға»ни топшириш? буюрилган, холос.

Эронийлар сўвғанинг сирли маъносини ечишга қўи уриндилар. Доро муғомбирлик қилдими ё ҳақиқатаи ҳам шундай тушундими, совғанинг маъносини ўз фойдасига ҳал қилди. Сичқон ер юзида кун кўради ва инсонлардай ерда битадиган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади. Бақа сувда яшайди, бинобарин, саклар> ўзларини ер-суви билан Эрон шохи ихтиёрига топширмоқчилар. Уқлар эса скифларнинг эронликлар оёғи остига қуролларини ташлаб, таслим бўлганини билдиради.

Скифлар совғасини бундай шархлашга ;баъзилар ишонишмади. Фақат Доронинг маслаҳатчиси. ГобрИЙ! жуда тўғри шархлади: Совға скифларнинг шарти бўлмб чикди: «Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб-бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ,\олда ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз»<sup>1</sup>.

ГобрИЙ ҳақ бўлиб чикди. Эронийларнинг кучи борган сари камайди. Кўп ўтмай, Доро шармандаларча орқага чекинди. У шиддат билан хужум қилиб, яна аллақайқақадир бирпасда ғойиб бўлаётган скиф отликларини дўлдек ўк ёғдиришига бардош беролмади.

Кутилмаган воқеа юз берди: Доро подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учради. Скифлар ва уларнинг шохи Иданфрис оламшумул ғалаба қозонди.

Ҳикоядаги қуш, сичқон, бақа, ўк биз учун аҳамиятли. Улар ёзувнинг вазифасини бажарган, уни ҳозир «буюмли. ёзув» деб юритишади. Бу ёзув тури айни пайтда санъатнинг ноёб намунасидир. У ибтидоий санъат заминида юзага келди. Одамлар эрамыздан аввалги; 40—10 минг йиллар—• палеолит даврида чизилгаш расмларни топишди. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, суякка белгилар ўйган, ғор деворларига хайвонлар — бизон, мамонт, оху, каркидон, от, буғу ва одамларнинг тасвирини чизган, Хуллас, дунёни билганича тасвирлаган.

<sup>1</sup> В. Драчук. Дорогами тысячелетий. — М., 1976, 34-бет.

Урта Осиё тупроғида бундай хайкалчалар, қояларга ўйилган суратлар жуда кўп. Унда турли хайвонлар, одамлар сурати акс эттирилган. Масалан, Ўзбекистон билан Тожикистоннинг ҳозирги чегараси — Зарафшон тизмаларидаги қоя тошларга ўйилган худди шундай суратлар топилган. Қийиклар ва эркаклар тасвири туширилган бу сурат. оҳактошга ўйилган бўлиб, сатҳи 2,5x3,5 метр келади. Суратда қийиклар қатор бўл-иб турибди. Суратлар ўткир қуроллар билан текис ўйилган. Қийик шу ерда яшовчилар учун муқаддас ҳайвон (тотем) саналиб, улар қийикка сиғинганлар. Тасвир шунга ишора қилади. Марказий Осиёдан топилган қушлар, хайвонлар тасвири ҳам шундан далолат беради. Буларни инсоният бадиий тафаккурининг олий маҳсули, дейиш мумкин. Одамнинг нозик хислари, қалб кечинмалари ҳамда урф-одат, эътиқодлари ана шу -қадимги тасаввурларда ўз тажассумини топган. Бу ёзув тури кейинги даврларда ҳам учрайди. <

Давр ўтиши мобайнида воқеа-ҳодисаларни буюм орқали ифодалаш ёзувнинг бошқа тури билан алмашди. Буюмли ёзув ҳам, суратлар билан ҳикоя қилиш ҳам ўзининг асосий вазифасини бажариб бўлди, чунки бу «зув инсониятнинг тўплаган билимларини сақлаб қоладиган ўзига хос хотирага айлана олмади. Маълум шаклга кирган урф-одатлар, анъаналарни янги авлодга етказиш лозим эди. Меҳнат тақсмоти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қилар эди. Ана шу зарурият, эҳтиёж туфайли ривожланган ёзув юзага келди. Шу тариқа жамиятнинг тараққиёти учун хизмат қила бошлади. Дастлаб алоҳида табақалар—давлат амалдорлари, ёзув билан доимий шуғулланувчилар томонидан қўлланди.

Мисрликларнинг ўн иккинчи фиръавни ўғлига шундай хат ёзиб қолдирган экан: «Ўғлим, темирчиларни жўргин, кун бўйи оғир меҳнат остида эзилиб, ўзларига овқат топа олмайдилар. Этиқдўзларга қарагин, тун бўйи чироқ ёруғида этик тикиб, очликдан касал бўлиб, бевақт вафот этадилар. Тош йўнувчиларни кўр, улар қандай оғир, қанча кўп ишласалар ҳам, камбағалликдан бошлари чиқмайди. Шунинг учун сен хат ёзишни ўрган, саводли бўл, хат ёзишни билган одамлар бахтли

бўладилар»<sup>1</sup>. Подшоҳ ёзувни ва саводли бўлишни гурли касб-хунарлардан устун қўяётгани йўқ, балки билим одамни муҳтожлик ва азоб — уқбатдан қутқаради, демокчи.

Урта Осиё, умуман туркий халқлар тарихида ёзув узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган.

Қадимги халқлар ёзувни мўъжизавий санъат тури сифатида жуда қадрлаганлар, ёзувни ўзларининг қатм-қатм лудолари яратган деб ишонганлар. Ёзув саводсиз одамларга мўъжиза бўлиб туялган. Хат-саводли қипшлар-қохинлар, мирзалар, олимлар ва давлат арбоб-мрини имтиёзли тоифага мансуб, деб билганлар.

Ёзув ҳақида айрим афсоналар ҳам мавжуд. Жумладан, ёзувнинг дунёда пайдо бўлиши ҳақида Амрико \птъасида яшовчи хиндулар ўртасида шундай афсона юради: Эмишки, дунёдаги биринчи пайдо бўлган одамнинг икки ўғли бўлиб, биттаси оқ, биттаси қора экан. Бир куни худо шу икки болани ўз хузурига чақириб, улар олдига олтин ва бир китобни қўйибди-да: «Мана шу нккита буюмдан хоҳлаганингизни олинг, қайси бирини олиш сизларнинг ихтиёрингизда», дебди. Шунда қора бола олтинни, оқ бола китобни олиб кетибди. Бироқ қора бола олтинни сарф қилиб битириб, болаларига ҳеч нарса қолдирмабди. Шу сабабли унинг болалари бахтсиз бўлибдилар. Оқ бола китобни олиб, болаларига ўргатибди ва уларни илмли, хат-саводли қилибди. Болаларини, авлод-ажлодини бахтли қилибди.

Бу афсонада илмга бир оз сиёсат ҳам аралашган кўринади. Аммо яна бир ақида бор: Миср халқларининг фикрича, ёзувни худо ўзининг ердаги вакиллари-га (яъни руҳонийларга) совға қилиб юборган эмиш. Шу сабабли бу муқаддас ишга қора халқнинг қўл уришига ҳаққи йўқ эмиш. Ёзув битмақ фақат руҳонийларнинг иши эмиш.

Кўрпмизки, икки синф ўртасидаги ғоявий кураш ёзув баҳсида ҳам бўлган. Оддий халқнинг саводли, билимли бўлиб, қўзи очилиши, албатта, халқнинг фойдасига, аристократнинг эса зарарига юрган. Шунинг учун фуқаро ҳамма даврда ҳам тазйиқ остида бўлади.

<sup>1</sup> Иброҳим Тохирин. Ёзувлар тарихидан. Самарқанд — Тошкент, 1929, 3-бет.

Ёзувларнинг турли халқларда пайдо бўлиш тақдир турлича. Бугунги кунда дунёда ёзувнинг тўрт юзга яқин тури маълум. Лекин ҳамма ёзувнинг тараққиёти, келиб чиқиши аниқланган эмас. Ҳар бир ёзув тизимий жонли бўлиб, ўзгариб боради, ривожланади.

Ёзув тизимини ўрганиш соҳасида иш олиб борилаётганига икки юз йилдан ошди. Айрим ёзувларнинг сири тўла; очилди, бошқалари навбатини кутмоқда. Масалан, шумерларнинг энг қадимги—эрампиздан олдинги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йилликнинг бошида ёзилган ҳужжатлари ҳамон жумбоқлигича турибди. Шумерлар жамият тараққиётининг илк босқичидаёқ маънавий жиҳатдан юксак халқ бўлган. Улар ёзувнинг дастлабки ижодкорларидан эдилар. Афсуски, шумерларнинг анча кейинроқ ёзилган хатларигина ўқилган, холос.

### ЎҚОЛГАН ДУНЁ ТАҚДИРИ

Бундан тахминан юз йиллар илгари туркий халқларнинг ёзуви тақдир шумер миҳхатлари тақдирига ўхшарди. Бир неча минг йиллар давомида шаклланган туркий ёзувлар узоқ вақт жамоатчилликка маълум бўлмади келди.

XVIII асрда туркий халқлар ёзувлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Лекин ёзувлар қайси халққа мансуб эканлиги муаммолигича қолаверди. Чунки бу ёзувларни ҳеч ким ўқий олмади. Фақат тахминлар, мулоҳазалар билан иш кўрилди.

"1691 йилда Москвадаги Голландия элчихонаси аъзоси Николай Видзен Верхотурдан унча узоқ бўлмаган жойда номаълум алифбода ёзилган битигтошларни топди. Н. Видзен ўз даврининг йирик олими эди. Н. Видзеннинг қадимшунослик, умуман Сибириё маданиятига қизиқишига Сибириё вилояти бошлиғи Ф. А. Головин сабаб бўлган эди. У Сибириё бўйлаб сафар қилиб юрганда, Об дарёсининг ўпирилган жойидан одам суяклари сақланган ёғоч қути, кумуш балдоқ, идишлар топиб олди. Бу топилдикларни Н. Видзenga эсдалик учун берди. Уз навбатида у Сибириёдаги дўстлари билан мунтазам хат ёзишиб, янги топилмалар ҳақида хабар беришини сўради.

Шу тариқа кўплаб топилмаларни қўлга киритди. Аммо Н. Видзен топган битиглар қайси халққа мансублиги ва қачон ёзилганлиги номаълум эди. Орадан \*беш йил ўтгач, 1696 йилда тоболик бояр ўғли Семён Ремезов ҳам Сибириё ерларининг харитасини чизаётғиб, бир пунктига Урхун тош деб белги қўйди. Номаълум ёзув битилган бу тош харитада чегара вазифасини бажара бошлади. Бундай ёзувлар ҳақида 1730 йилда асирликка тушган швед офицери Филипп Иоганн Страленберг бирмунча тўлиқроқ маълумот берди. У қўлга тушгач, Сибирга сургун қилинди ва у ерда ўн уч йил яшади, номаълум ёзувларнинг жадвалини ҳам чизиб олди. Асирликдан бўшаб, Швецияга қайтгандан кейин ўша номаълум битигларнинг жадвалини нашр қилди. Бу ёзувлар рун ёзувлари деб атала бошланди. Унинг рун деб аталишига сабаб гот (қадимги олмрн) ёзувигаташки жиҳатдан ўхшашлигидир. **Рун**—сир маъносини билдиради. Қадимги олмонларнинг бу ёзуви Рейн ва „Дунай дарёлари бўйларида кўп тарқалган эди. Мутахасснсларнинг таъкидлашича, эрампизнинг II—III асрида олмон рун ёзуви келиб чиққан. Қадимги туркий ёзувнинг келиб чиқиши ва тараққиёти эса олис даврларга бориб тақалади. Туркий халқлар ёзуви Ғарбадаги рун ёзувлари пайдо бўлгунга қадар мавжуд эди.

Кейинроқ рун ёзувлари ҳақида Д. Е. Мессершмидт ҳам ўз кундаликларида айтиб ўтади. У Петр I нинг маҳсус буйруғига кўра, Сибириё илмий сафарига бошлиқ этиб жўнатилган эди. Сал илгари Мессершмидт Парижга борганида Фарангистон академияси Осиёнинг Амрико билан бирлашиши ҳақидаги масалани ҳал қилиш мақсадида Шимолий-шарқий Сибириёга экспедиция жўнатишни мўлжаллаётганини Петр I га билдирган эди. Бу экспедицияга бошлиқ бўлишга розилик беришини Фарангистон академияси Мессершмидтдан сўрайдилар. Бундан ташқари, Петр I нинг ўзи ҳам Сибириё маданиятига кўпдан қизиқиб келар эди. 1716 йилда Петр I Данцигда профессор Брейннинг табиёт-тарих музейини бориб кўрди. Шундан сўнг олимдан бу соҳада иқтидорли киши беришни илтимос қилди, Брейн дўсти, тиббиёт фанлари доктори Даниил Готлиб Мессершмидтни тавсия қилади. У тарих, жуғрофия, ботаника, соҳасида ҳам билимдон эди. Орадан кўп ўтмай, Д. Г. Мессершмидт

Петербургда чакирилди. Унга Сибириёнинг физик тас-  
вири яратиш топширилди. Мессершмидт етти йил  
тинимсиз ишлади. Топилган ёзувлар у қилган ишларнинг  
дебочаси, холос.

Қадимги туркий ёдномаларнинг илк тўпловчиси ва  
тадқиқотчиси бўлган Ф. И. Страленбергнинг фаолияти  
ҳам Д. Г. Мессершмидт билан боғлиқ. Икки олим 1720  
йилда Тобольск шаҳрида танишди. Мессершмидт ҳуку-  
матдан Страленбергни ўз экспедициясига киритишни ил-  
тимос қилди. Улар икки йил экспедицияда бирга ишла-  
дилар. 1730 йилда Любенда «Оврупо ва Осиёнинг шар-  
қий ва шимолий қисмининг тарихий ҳамда жуғрофий  
тасвири» китобини нашр қилдилар. Бу китоб Стрален-  
берг ва Мессершмидтнинг кундаликларидан иборат бў-  
либ, унда дунё аҳамиятига молик фикрлар баён қилин-  
ганди. Шундан кейин энасой ёзувлари ҳақида илк бор  
мунозара бошланди. Бу ёзувларни шаклига қараб гоҳ  
славянларга, гоҳ келът ва грекларга нисбат бердилар.  
Айниқса, славян назарияси ҳукмрон бўлиб қолди. Бу  
назария тарафдорларининг фикрича, туркийлар Сибириё-  
нинг турғун аҳолиси эмас, шунинг учун ёзувларнинг  
туркий халқларга тегишли эканлиги ҳақида гап ҳам  
бўлиши мумкин эмас.

XIX асрнинг иккинчи ярмида «славян назарияси» уну-  
тила бошланди. Энди янги—Оврупо рун назарияси пайдо  
бўлди. Бу даврга келиб Сибириё ҳудудини ҳар томон-  
лама ўрганиш анча олдинга силжиди, археологик топ-  
пилмалар тўпланди, ўлкашунослик материаллари нашр  
қилинди. Бу йилларда қадимшунослар Энасой, Абакан  
дареси қирғоқларидан, Олтинқўл яқинидан, Бўлуқ дарё-  
си бўйларидан кўплаб тошга битилган ёзувларни топ-  
дилар. Лекин бу ёзувларнинг тақдири ҳам аввалги ёзув-  
ларнинг тақдирига ўхшаб номаълумлигича қолаверди.  
Ёзувларнинг туркий халқларга тегишли эканлигини би-  
ринчи бўлиб Н. Ядринцев исботлаб берди. У топилган  
ёзувларнинг тахминан 2000 йиллар илгари яратилгани-  
ни, туркий халқларнинг скиф ва готларга қўшни бўл-  
ганлигини, бу ёзувлар туркий халқларга тааллуқли  
еканлигини аниқлади. Лекин бу битигтошларда нималар  
ифодалангани номаълумлигича қолаверди.

Н. М. Ядринцев бошлиқ экспедициянинг Урхун ва  
Тўла дарёларига қилган сафари рун битигларини бутун

дунёга маълум ва машҳур қилди. У топган «тангача»ли  
битигтошлар кўпчилик тарихчиларнинг диққатини ўзи-  
га тортди.

Қул тигин битигида хитойча ёзув матнлари ҳам бор  
эди. Бу матнлардан маълум бўлишича, битигтошлар-  
нинг бири турк ҳокони Билга ҳокон ва бири унинг ука-  
си, турк ҳоконлиги лашкарбошиси Қул тигин шарафига  
битилган экан. Аввалги Энасой дарёси қирғоқларидан  
топилган Энасой ёзувлари Н. Ядринцев топилмасидан  
сўнг Урхун-энасой ёзувлари деб номланди. Бу ёзувлар-  
нинг Оврупо рун ёзувларига ўхшашлигини назарда ту-  
тиб, олимлар уни туркий-рун ёзувлари деб атайверди-  
лар.

Орадан кўп ўтмай, бу битигларнинг финларга ман-  
суб эканлигини исботлаш мақсадида Хейкел бошлиқ  
илмий сафар Мўғулистонга жўнади. Улар ҳам илмий  
сафар материалларини бир неча тўпламда нашр қилди-  
лар. 1891 йилда В. В., Радлов бошлиқ илмий сафар аъзо-  
лари Россия Фанлар академиясининг кўрсатмасига  
биноан, битигтошлар топилган жойга — Шимолий Мўғу-  
листонга келиб қадимшунослик тадқиқотлари олиб бор-  
дилар.

1891 йили Н. М. Ядринцев Унгин дарёси бўйидан  
яна бир битигтош топди. У фанда Унгин битигтоши деб  
юритилади. Орадан сал вақт ўтгач, Еттисувдан ҳам  
битигтошлар топилди. Улар шакл жиҳатидан Урхун  
ёзувларидан озгина фарқ қилади.

Ёзувларни ўқиш даниялик олим Вильгельм Томсон  
ча россиялик олим В. В. Радловлар зиммасига тушди.  
Нихоят, 1893 йилнинг охирида В. Томсон Урхун дарёси  
қирғоқларидан топилган ёзувларни ўқиганлиги ҳақида  
Дания қироллиги Фанлар академияси йиғилишида ах-  
борот берди. Томсон номаълум ёзувларни ўқиш бўйича  
йирпк мутахассис, этнограф, тенги йўқ тарихчи олим  
эди. Унинг бошқа халқлар ёзувини дешифровка қилиш-  
ўқишда қўллаган тажрибаси урхун ёзувларининг кали-  
тйни очишда ҳам қўл келди. У ёзувлардаги турли бел-  
гиларнинг қандай товуш ифодалашини билиб олгач,  
унга таянган ҳолда Урхун ёзувларидаги бутун алифбони  
аниқлади ва биринчи марта «тангри», «турк» сўзларини  
ўқиди. Битигтошларнинг туркий халқларга мансуб экан-  
лиги аниқ исботини топди.

Томсондан кейин В. В. Радлов ҳам 1894 йил 19 январь куни Россия Фанлар академияси йиғилишида Култигинга бағишланган битигтошни ўқиганлиги ҳақида маълумот берди. Ёзувларни В. Томсон ўқигунга қадар В. В. Радлов 1893 йил кузигача бу битигтошлардаги ўн беш ҳарфни аниқлаб бўлган эди. Шундай қилиб, бу битигларнинг рун, яъни сир эмаслиги далилланди. Ўчманчи қабилалар ҳақидаги тарихий маълумотлар аввал<sup>1</sup> Хитой йилномаларидан аниқланган бўлса, энди тарих учун янги манбалар пайдо бўлди.

## ИСТАМИ ХОҚОННИНГ БУЙРУҒИ

Битигтошларнинг туркий ёзувда битилганлиги исботлангандан кейин яна бир муаммо туғилди: урхун-энасой ёзувлари қайси халқнинг ёзуви асосида келиб чиққан? Дарҳақиқат, унинг келиб чиқишини аниқлаш маданият тарихи, ҳам халқ тарихи учун жуда муҳимдир. Халқнинг қадимийлигини фақат уларнинг илк ёзувлари тарихи исботлайди. Ҳозирги пайтгача бу хусусда олимлар аниқ бир хулосага келганлари йўқ. В. Томсон урхун-энасой ёзувидаги айрим ҳарфларнинг семит-пахлавий алифбосидаги ҳарфларга ўхшашлигини топди. Кейинроқ урхун-энасой ёзувидаги 38 белгидан 23 таси оромий алифбосига ўхшашлигини аниқлади. У туркий тилнинг товуш қурилишига мос ҳолда қайта ишланган ва оромий алифбосидаги бир неча белгилар билан тўлдирилган, деган хулосага келди. )

Оромий ёзуви эрамиздан олдинги I минг йилликларнинг бошида юзага келди. Оромийларнинг дастлабки ватани Сурия ва Месопотамиянинг жанубида жойлашган қароқ араб чўллари эди. Бу чўлларда маданий жиҳатдан ўсиб бораётган аҳолининг маънавий-моддий эҳтиёжлари ўзгаришсиз қолаверди. Кўчманчи оромий қабилалари эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда блд ва Кичик Осиё мамлакатлари (Сурия, Фаластин, Месопотамия, Финикия ва б.) да ўрнашдилар. Бу жойлар серсув, яйлов бўлиб, ўтроклашиш ва янада маънавий юксалиш мумкин эди. Улар Финикияда финикий ёзуви билан танишгач, бу ёзувни оромий тилига мослаштирдилар. Дастлабки оромий ёзуви финикий ёзувдан деярли фарқ қилмаган. Кейинчалик эрамиздан олдинги

биринчи миғ йилликларнинг ўрталарида Оромийлар • (финикий ёзувга айрим ўзгартишлар киритганлар. Ҳарфлар сонини қискартириб, шаклини ҳам соддалақтирганлар. 1). Бундай ўзгартиришга оромий ёзувининг савдо-сотик • 8 маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланиши ва тез (Миш зарурияти сабаб бўлган.

Оромий ёзувида сўзлар ажратиб ёзилади, сўзларни вжратиш учун бир вертикал чизик ёки нуқтадан фойдаланилган. Кейинроқ сўзлар ўртасида бўш жой қолдириш расм бўлганди.

Оромийлар Олд ва Кичик Осиёнинг ижтимоий-сиёсий [..] хўжалик ҳаётида етакчи мавқега тутишган. Эрамиздан олдинги VIII асрдан бошлаб эса оромий тили ва ёзуви бу мамлакатларда халқаро даражага кўтарилган. Кейин яҳудийлар, вавилонликлар, оссурияликлар, форслар, араблар оромий ёзувини ўз тилларига мослаштириб олдилар.

Эрамизнинг IV асарларига келиб оромийлар араблар билан қоришиб кетди. Араб ёзуви кенг қўлланиши натижасида оромийларнинг ёзуви ҳам йўқолди. Оромий ёзувида битилган энг қадимги матнлар эрамиздан олдинги IX—VIII асрларга мансуб.

1906 йилда инглиз олими Арнольд Стейн Буюк Хитой деворининг ғарб томонидан жуда кўп ҳужжатлар топди. Бу ҳужжатларнинг етти юзга яқини Хитой ёзувида, қолганлари номаълум ёзувда битилган эди. Номаълум ёзувдаги ҳужжатларни 1911 йилда Р. Готье ва А. Коули ўрганиб, улар II асрга мансуб, оромий алифбосидан келиб чиққан сўғд ёзувида бўлиб, қадимги туркий рун ёзувлари модели учун асос бўлган, дейишди. Бу олимлар сўғд ёзувидаги айрим ҳарфларнинг урхун ҳарфлари билан шакл томондан ўхшашлигини назарда тутганлар. Масалан, м, к, б, д ҳарфлари ҳар икки ёзувда биригага ўхшайди.

Қозғистонлик олим А. С. Омонжоловнинг туркий ёзувлар келиб чиқишига бағишланган тадқиқоти диққатга сазовор. Унинг кўрсатишича, туркий алифбо эрамизнинг II асрида эмас, балки эрамизгача бўлган I минг йилликда шаклланиб бўлган эди. Бир томондан, қадимги грек алифбоси, иккинчи томондан, шимолий семит, финикия ва жанубий семит алифбоси таъсирида шаклланиган, дейди олим.



Туркий ёзув эрамиздан олдинги I минг йилликда яратилган, деган фикрларда жон бор. Якин вақтларгача Урта ва Марказий Осиёдан топилган қадимги туркий ёзма' ёдгорликлар Иккинчи турк хоконлиги (VIII асрнинг 20—30-йилларига) ёки уйғур хоконлиги даврига (VIII асрнинг II ярмига) мансуб деб қараларди. Бундан биринчи турк хоконлиги даврида (551—630 йиллар) ёзув ҳам, тарихий анъана ҳам бўлмаган, деган хулоса келиб чиқади. Соддароқ қилиб айтганда, ёзув Иккинчи турк хоконлиги даврининг иккинчи ўн йиллигида яратилган бўлиб чиқади. Вахоланки, баъзи Ғарбий Оврупо олимлари шундай фикрда эдилар. Аммо 1970 йилда Олмаотадан тасодифан топилган<sup>5</sup> бир қўрғондаги ашёвий далиллар бу фикрни рад этди. Шу йили Олмаота яқинидаги Иссиқ кўрғонидан тўрт мингга яқин буюм топилди. Булар ичида ўн саккиз ёшли йигитчанинг жасади, бош томони учли темир қалпоқ, чолвор, чакмон, этик каби кийимлар алоҳида диққатга сазовор. Кийимлар олтин лавҳа билан безатилган бўлиб, йўлбарс, от<sup>6</sup> тоғ эчкиси тасвири туширилган эди. Бу тасвирлар скиф<sup>7</sup> хайвонот услубида бажарилган, дафн этилган одамнинг қиличи эса бронзадан, сопи олтиндан эди.

Қабрнинг ичида ўттизга яқин идиш, ёғоч товоқ, чўмйч, юпка лой идишлар, нақшли қумуш пиёла, қумуш қбшиқ (қошиқнинг банди қушнинг боши шаклида, тумшўғи узун) ҳам бор эди.

•" Айниқса, четларига туркий руний ёзувларга ўхшаш белгилар битилган қумуш косача ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Қазилма раҳбари К. А. Акишевнинг кўрсатишича, бу қабр ҳамма белгиларига кўра, эрамиздан олдинги V—IV асрларга мансуб. Ёзувни қозғистовлйк тўркий рун ёзувлари билан шуғулланган олимлар, шў-Нйнгдек, таниқли шоир Улжас Сулаймонов ўқишга ҳаракат қилдилар.

'-Кумуш косачадаги ёзув бир томондан, туркий рун ёзувларига ўхшаса, иккинчи томондан, Урта ер денгизи бўйяридаги илк ёзув белгиларини эслатарди. Ёзувни ўқиган олимлар ичида О. С. Омонжоловники ҳақиқатга б»р оз яқинроқ. Аммо унинг талқини хатолардан хбли дёб' бўлмайди. Чунки айрим харфларнинг шакли бир о'з' ўйлантириб' кўяди.. А. Омонжолйвнинг ўқиш йўли шундай: «Оға, сенга бу ўчок! Эй бегона, тиз чўк, халқ

ичра озик бўлади». «Матндан шу нарса маълум бўлади<sup>11</sup>, — дейди олим, — мазкур ёзув эрамизгача бўлган (шрмпчи минг йиллик ўрталарида Урта ер денгизи бўй-•аридаги ёзув алифбоси билан зич боғланган туркий ёзувларнинг илк кўринишидир. Шуниси муҳимки, ёзув Қйдимги туркий тилда битилган, Еттисувнинг илк кўч-м.шчилари ҳам қадимги туркий тилда гапирганлар. Мазкур далил ўша даврларда бу ҳудуддаги аҳоли эроний тплларда гапирган, деган фикрларга ўзгартишлар кирптади. Шу билан бирга, қумуш косача ҳозиргача анъана бўлиб қолган Осиёнинг илк кўчманчиларида ёзув йўқ >ди деган фикрларга ўзгартишлар киритади».

60-йилларда Туркстон шахрига яқин жойда лойга бнр-икки миллиметр чуқурликда богириб ёзилган битиг топилди. Урта белгини ҳисобга олмаганда, битиг урхун I'зувига мансуб. Уни ўқиш натижасида қуйидаги хуло-Вйга келиш мумкин: Бу лой муҳр «афсунгар» ёзувнинг ўзига хос тури—тумор бўлган. Ёзувдаги Ас (Бургут) сўзи илк туркийлар сажда қилган Осмон илоҳасига ишора қилади. V—VIII асрдаги туркий ёзувни эса такомиллашган, қадимги туркий тилнинг товуш таркибини тўлиқ пфодалашга мослашган ёзув эди, деб қараш керак. Бу алифбога ким тузатишлар киритиб, уни такомиллаштирган, деган ҳақли савол туғилади. Туркийлар ғарбу шарқда, жануб тарафда тараққий этган мамлакатлар билан алоқада эдилар. Хитойлар билан яхши кўшничилик муносабатлари бор эди. Аммо мураккаб хитой ёзувидан ақлли турк хоконлари фойдаланмасликлари турган гап. Улар VI асрдан илгарироқ Тибет билан яхши муносабатда эдилар. Аммо Тибет алифбоси VII асрнинг биринчи ярмида ҳали унчалик ривожланмаган эди. Илк тибет алифбоси 632 йилда Тибет ҳукмдорининг буйруғи билан Тхонми Самхотп томонидан яратилди. Унга хинд алифбоси асос қилиб олинди. Туркийлар тибет алифбосига қадар ўз ёзувини мукаммаллаштирган эдилар. Руний ёзувнинг такомиллаштирилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган кўринади.

Бўмин вафотидан кейин турк хоконлиги 552 йилда ўғли Мухон (Шарқий турк хоконлиги) ва укаси Истами хокон (Ғарбий турк хоконлиги) томонидан бошқариладиган бўлди (Византиялик тарихчи Феофилакт Симокатта уни Стамби хокон деб атайди). Кўп ўтмай, у Шар-

кий турк хоқонлигидан ажралиб, мустақилликка зришгач, халқаро доирадаги хоқон бўлиб қолди. Улар сосонийлар ҳукмдори Хусрав Ануширвон билан дипломатик муносабатлар ўрнатишди. Бунинг устига, Истами Ануширвонга ўз қизларидан бирини берган эди. Икки ҳукмдор ўзаро келишиб, Урта Осиё, Афғонистоннинг бир қисмида, Эроннинг шимоли-шарқида ҳукмрон бўлган эфталитларни тор-мор қилдилар ва уларга қарам жойларни бўлишиб олдилар.

Истами узокни кўра биладиган ҳукмдор эди. У Византия билан ҳам алоқасини мустаҳкамлади. Ипак жўиатиб туриш мақсадида Маниах деган сўғдени Волга ва Қоғқоз орқали Византияга жўнатиб, император Юстин II билан алоқа ўрнатди. Келаси йили Маниах ўзи билан бирга Византия элчиси Земархосни олиб қайтди. Бирок Истами дипломатик муносабатларни ёзувсиз ўрнатиши мумкин эмас эди. Элчи Маниах Юстинга, албатта, хат олиб борган ва руний алифбо худди шу йўсинда халқаро алоқалар учун хизмат қила бошлаган. Бу ҳақда яна шундай тарихий далил бор. Истами хоқон Юстин II га мактуб жўнатганлиги ҳақида тарихчи Менандр хабар беради. Аммо бу мактуб қайси ёзув—сўғд ёзуви ёки туркий ёзув билан битилганми, деган савол очик қоларди. Кўриниб турибдики, Истами хоқон даврида туркий ёзув асосий алоқа воситаси бўлган.

Истами котибига шундай буйруқ берди: хоқоннинг топшириқ, буйруқларини жорий қилиш ва ҳаммага етказиш учун беклар, амалдорлар бу ёзувни ўргансинлар. Истами-нинг ушбу буйруғи 650 йилдан кейин—Мўғул империяси даврида бот такрорланди. Чингизхон ёзувнинг давлат бошқарувида жуда муҳимлигини тушуниб, уйғур Найман хоннинг уйғур алифбоси билан мўғулча ёза оладиган котибини тутиб келишга буйруқ берди. Қотибга Чингизхон девонхона жорий қилиш, ҳамма амалдорлар ўқиш ва ёзиш санъатини эгаллашлари ҳақид буйруқ бердики, токи давлат ёзишмалари ишончли қўлларда бўлсин. Чингизхон ёзма иш юритишнинг жуда муҳимлигини ҳисобга олиб, бу мактабга ўз ўғилларини жўнатди.

Руний алифбони Истамининг буйруғига кўра, ким такомиллаштирган бўлса ҳам, юксак малакали, туркий

фонетиканинг чуқур билимдони, умуман, тилшунослик илмидан яхши хабардор эди.

Инглиз олими Жерард Клосон туркий ёзув — урхун-энасой ёзувининг келиб чиқишини VI аср, яъни Истами хоқон давридан бошлайди. Биз юқорида айтиб ўтган Иссиқ ва Туркистон шаҳарлари яқинида топилган ёзувлар бу фикрларни рад этди. Яна Клосон мазкур ёзувларни яратган одамнинг туркий қабилалардан бўлганлигига шубҳа билан қарайди. Бу ёзувни Маниах ёки туркийлардан устун халқнинг вакили яратган, дейди у. Клосон туркийлар тарихини яхши билмагани учун шундай хулосага келган, чоғи. Турк хоқонлиги даврида Ҳиндистон, Хитой, Византия, Эрон мамлакатлари хоқонлари турк хоқонлари билан ҳисоблашишга мажбур эди. Турк хоқонлиги ҳам иктисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан бақувват эди. Қолаверса, туркий тилининг товуш қонуниятларини яхши биладиган фақат шу халқнинг вакилидир. Бошқа халқ вакили ўзга халқнинг сўз ва грамматикасини яхши билса ҳам, товуш қурилишини, товушнинг ўзига хос хусусиятларини ҳис қила олмайди. Туркий алифбода баъзи ундошлар қаттиқ ва юмшоқ кўринишга эга. Ёзувда ҳам бу товушларнинг махсус белгиси бор. Мазкур хусусиятни фақат туркий қабила вакили яхши англаб олиши мумкин.

Клосон туркий-рун алифбосининг келиб чиқишини эрон алифбоси билан боғлаб, фикрини далиллашга ҳаракат қилди. Гўёки эрон ёзуви ҳам, туркий рун ёзуви ҳам оромий ёзувдан келиб чиққан, туркий ва эроний ёзув консонант (ундош товушли) ёзув ҳисобланади, улар ўртасида кескин фарқ йўқ. Унлилар системасида кескин фарқ бўлган, Эрон алифбосида унлилар кам, туркий алифбода қаттиқ ва юмшоқ унлилар бор. Қаттиқ ўзакли сўзларда қаттиқ унли, юмшоқ ўзакли сўзларда юмшоқ унли қўлланади. Масалан, **қаған** (хоқон) қаттиқ ўзакли сўз бўлиб, қаттиқ **а** унлиси, **қалти** (келди) юмшоқ ўзакли сўзида юмшоқ **а** талаффуз этилади. ЁКИ туркий тилда чўзик ва қиска унлилар маъно фарқлайди: ат (от, ҳайвон), ат (исм).

Туркий алифбо ижодкори эрон алифбесидан кўр-кўрона фойдаланиб, туркий тилда эрон алифбосида ёзганда, муваффақиятсизликка учраши табиий эди. Шу боис у тўрқий тилнинг қонуниятлари, айниқса, товуш система-

сини ҳисобга олган ҳолда, грек алифбосидан ҳам баъзи элементларни кўшди. Туркий тамғалар ҳам туркий алифбонинг шаклланишига хизмат қилди.

Туркий алифбонинг таракқиёти ҳақида Клосон келтирган схема анча аниқ. У ҳар бир ҳарфлар VII—VIII асрдаги ҳолатга етиб келгунга қадар қандай йўлни босиб ўтганлигини, гарчи тахминан бўлса ҳам тиклашга ҳаракат қилади.

1929 йилда Е. Д. Поливанов бир неча туркий руний белгиларнинг келиб чиқиши ҳақида қисқа бир мақола чоп этди. Унинг қарашича, туркий алифбо туркийлар муҳитида пайдо бўлган, шунинг учун ҳам туркий тил грамматик қурилишини ва сингармонизм қонуниятини ўзида тўлиқ ифодалайди. Шунингдек, оромий, сўд ва пахлавий ёзувларининг ҳам маълум даражада таъсири бор.

Инсониятнинг ҳарfli-товушли ёзувни ишлатаётганига ҳам икки минг йилдан ошиб кетди. Мана шу даврда шарқда оромий ва финикия ёзувларидан келиб чиққан бир қатор ёзувлар турли халқларнинг маънавий ҳаётида катта из қолдирди. Бу ёзувларнинг баъзилари унутилиб кетди, баъзилари ҳозир ҳам қўлланмоқда.

Ёзув — халқнинг маънавий мулки. Утмиш факат ёзув орқали муҳрланиб қолади. Аждодларимиз хотиралари билан ошно қилади. Замонлар ва авлодлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланади. Қадимги туркий ёзувлар ҳам шулардан мустасно эмас. Қадимги туркийлар ҳам битигтошларни яратиш билан ўзларига абадий ҳайкал ўрнатиб кетдилар.

#### **ТАРИХДАН АВВАЛ ТУҒИЛГАНЛАР**

Ҳар бир халқнинг тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Аммо тарихчиларда ўша халқнинг санасини маълум бир тарихий воқеадан бошлаш одати бор. Масалан, римликлар тарихи Римга асос солинган давр, араблар тарихи эса Мухаммаднинг Маккадан Мадинага кўчиши санаси билан белгиланади. Туркийлар ўзларининг «пайдо бўлиш» даврини 545 йил билан белгилайдилар. Кул тигин ёдномасида \*бу давр қуйидагича ёзилган: «Юқорида кўк осмон, остда қора ер қилинганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бўмин ҳокон ва Ис-

тами ҳокон ўрнашганлар. Урнашиб, турк халқининг давлатини, қонун-қоидаларини бошқарганлар». (Кту<sup>1</sup>). Бу афсонанинг маълум тарихий асослари бор бўлиб, эра-миздан аввалги ва эра-миз бошларидаги туркийлар, хитойлар ва жужанлар (манқуртлар) нинг ўзаро муносабатига бориб тақалади.

Қадимги туркий битиглар, умуман қадимги туркий маданиятнинг юзага келиши ўз-ўзидан бўлмади. Бу маданиятни яратувчи халқ бошидан бир умр машаққат зулм аримади. Жужанлар туркийларга кўп азоб бериб келдилар, ҳатто бир неча йиллар мобайнида жужанларга муте бўлиб яшадилар. Агар тарихга қисқа саёҳат қилсак, бунга амйн бўлаемиз. Зеро, туркийлар тарихи жужанлар тарихидан ажралмаган. Жужанлар тарихидан айрим саҳифаларни сизларнинг ҳукмингизга ҳавола қилишдан мақсад тарихимизнинг варақланмаган саҳифалари билан таништиришдир.

#### **ЖУЖАНЛАР (МАНҚУРТЛАР) О^**

Жужанлар—келиб чиқиши номаълум бир гуруҳ. Уларнинг ташкил топиши бирмунча ўзига хос, ғайри табиий кечди. IV асрнинг ўрталарида қувғин қилинган одамлар кўп эди. Дейлик, Тўба<sup>2</sup> ҳокони қароргоҳида ёки хун давлати пойтахтида қолишни истамаган ё шафқатсиз зулмдан азоб чекканлар — асирлар, армия қочоклари, кашшоқ дехқонлар чўлга қочиб борардилар. Уларнинг келиб чиқиши ҳам, тили ҳам, мазҳаби ҳам номаълум бўлиб, пешонасига гадойсифатлик битилган эди.

IV аср ўрталарида Сяньбий (мўғул) отлик кўшинидаги илгари келиб чикйши қул бўлган аллақандай Югулай деган киши жинояти туфайли ўлимга маҳкум этилди. Аммо у қочиб кетди ва чўлга бориб, ўз атрофига қочокларни тўплади.

Югулайнинг вориси Гулюхай тўба хонлари билан яқинлашди. Тўбалар илк феодал давлатини 420 йилда қурган эди. Бу давлат бутун шимолий Хитойни эгаллаб

<sup>1</sup> Кту — Кул тигин улуг битигтоши, 1 рақами эса битигтошдаги шу парчанинг қайси мисра эканлигини англатади. Кейинги саҳифаларда шу қисқартма қўлланади (Мух.)

<sup>2</sup> Юқорида Табғач турклари деб кўрсатдик. Аслида ҳар икки атама ҳам бир-бирининг ўрнида қўлланаверади.

олган, кабилалар эса Хитой маданияти таъсирида эди. Тўба империясининг хитойча номи — Вэй, Тўба хони хитой халқи билан яхши, уларга катта имкониятлар берган, қолаверса, сажда қилар эди. Шунинг учун тўбалар хитойлар билан аралашиб кетдилар. Бундай аралашиш шунга олиб келдики, тўбаларнинг авлодлари сочлари-ей қирқдилар, ўз анъаналарини йўқотдилар. Ҳатто ўз тилларини унутиб, фақат хитойча гапирадиган бўлдилар.

Жужанлар Тўба хоконига от, қимматбаҳо буюмлар, моллар тўлаб турар эдилар. Югулайнинг қароргоҳи Жужан деб аталарди. Жужанлар бутун Халха ва Хинган даштларида кўчиб юрар эдилар. Хоннинг қароргоҳи Хангайда эди. Жужанларнинг турмуши ва давлат қурилиши жуда ибтидоий эди. Мингта одам битта полк бўлиб, полк хон томонидан тайинланган оқсоқолга бўйсунарди. Полкдаги ҳар юзта одамнинг ўз байроғи бўлиб, бир полкда ўнта байроқ бор эди. Ҳар бир байроқнинг ўз бошлиғи бўлган.

Жужанларда ёзув умуман бўлмаган, шунинг учун ҳисоб-китобда қўй кумалокларидан ёки кертик чўплардан фойдаланишган. Қонун ҳам уруш эҳтиёжлари ва босқинчиликка қаратилган: жасур, босқинчиликдан қайтмайдиганларга ўлжасининг кўпроқ қисми берилган. Кўр-қоқ, андишалилар эса аёвсиз калтакланган. Жужанлар ҳокимияти 200 йил яшади, аммо шу вақт мобайнида ҳеч қандай олдинга силжиш бўлмади. Улар бутун қуч-қувватини қўшни кабилаларни талаш, босиб олиш, хонавайрон қилишга сарф этдилар.

Жужанлар сяньбийча, яъни мўғул тилининг бирор лаҳжасида гапирган бўлса керак, деб тахмин қилинади. Чунки турли кабилалар йиғиндисидан иборат бўлгани учун бирор тил ўзаро алоқа қилиш учун хизмат қилган.

Жужанлар ўзларини тўба кабиласи билан келиб чиқишимиз бир дейишган. Сабаби улар гаплашадиган лаҳжа тўба кабиласининг тилига яқин эди (Олтой бобо тили мўғул ва туркий кабилалар учун умумийдир). Аслида уларнинг тўба кабиласига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

У асрнинг бошларида Хингандан Олтойгача бўлган жойда жужанлар хони Шелун ҳукмронлик қилди. Шу пайтда у Или дарёси бўйида жойлашган Урта Осиё хун-

лари билан тўқнашди. Олтой жамоаси ичидан туркий халқ сифатида ажралиб чиққанларнинг биринчиси хунлардир. Хунларнинг бошлиғи Жибачи деган одам эди. У Шелунга зарба берди, аммо бутунлай тор-мор қилишга қудрати етмади. 410 йилда Шелун вафот этди. Унинг укаси Хулуй жужанлар хони бўлди. Хулуй энасоё қирғизларини бўйсундирди. Кўриниб турибдики, жужанлардан бирорта туркий қабила қочиб қутула олмаган.

У асрнинг 20-йиллари жужанлар ҳокимиятининг энг гуллаган даври эди. Улар ғарб ва шимолдаги қўшни кабилаларни тор-мор қилиб, ҳукмрон бўлиб олдилар. Аммо жужанларнинг энг дахшатли душмани, Тўба-Вэй империяси эди. Хулудан кейинги хон Датань иложи борича Вэй империясининг қучайишига ҳалакит берди.

Жужанлар бутун қўшни кабилалар, ҳатто давлатларга дахшат солди. Улар табиатан қонхўр эдилар. Мана бир тарихий воқеа: 485—492 йилларда Доулун деган хон тахтга ўтириш маросимини ўз саройидаги бир амалдорнинг бутун оила аъзоларини, қариндош-уруғларини қириб ташлаш билан нишонлади. Унинг бу қонхўрлиги бутун мамлакатда катта норозиликка сабаб бўлди.

Жужанлар томонидан телеутларнинг (ёқут, уйғурларнинг аجدодлари) улоқтирилиши ва уларнинг давлатини тўнтариши (492 йилда) жужанлар тарихида бурилиш даври бўлди. Улар Марказий Осиёда ҳукмронликни йўқотдилар. Энди улар ҳокимият учун эмас, яшаш учун қурашни ғанимат билдилар. Лекин жужанларнинг ҳам бир-бирига зимдан адовати қучли эди. Тайинланган хон бир-икки йилдан ортиқ умр кўрмасди. 518 йилда Чеуну отли хон Жужан хонлигини сақлаб қолишга жонжаҳди билан ҳаракат қилди.

Жужанлар телеутларни тор-мор қилгандан кейин, эфталитлар билан иттифок туздилар. Иттифок жужанлар маликаси ва эфталит амалдорининг турмуш қуриши билан янади мустаҳкамланди.

Жужанларни турфонликлар нон ва кийим-бош, туркийлар эса металл ва металл қуроллар билан таъминлардилар.

Дин одамда эътиқодни мустаҳкамлайди. Жужанларда муқим бир дин амалда бўлмагани уларнинг емирилишига маълум даражада таъсир қилди. Жужаклар бошда эътиқодли кабилаларга тақлид этиб, буддизмни

кабул килдилар. Буддизмга мансуб миссионерлар биринчи бўлиб хонни будда динига киритишга кўндирдилар. Шундан кейин жужан қароргоҳида будда руҳонийлари ва кохинлари пайдо бўлди. Будда руҳонийлари «шамин», монахлар эса «ни» дейилган. Аммо буддизм бундай янги шароитда бир оз ғайри табиий равишда амал қиларди. Масалан, одатга хилоф равишда монах аёлларнинг қонуний эри бўлган. Бу динга ҳамма ҳам хайрихоҳ бўлавермаган. Буддизм туфайли хон оиласида ҳам, қўшин орасида ҳам қарама-қаршилик келиб чиқди. Умуман, жужанлар орасида бирор дин қатъий амал қила олмаган.

Буддизм билан бир вақтда шаманлик ҳам аста-секин катта мавкега эга бўла борди. Маълумки, туркийларнинг ҳамма қабилалари қадимдан шаман динини қабул қилган эдилар. 513 йилда Хитойдаги жужан элчихонасида шаман Хунсуан бошчилик қиларди.

Шаманлик жужан хонлигида бирмунча катта мавкега эга бўлиб бораётган эди. Аммо бир воқеа сабабли бу дин ҳам жужанлар турмушидан жой ола билмади.

Жужанлар қароргоҳида бир шаман аёл яшаган. Унинг оти Дэу-девона эди (девона-форсча мубтало демакдир). У одамларни даволар ва афсун ўқир эди. Жужан хони Чеуну ҳам унга ишонар, яхши кўрар эди. Хон шаман аёлнинг гапига кириб, давлатни боши берк.кўчага олиб кириб қўйди. Натижада Чеунунинг севики хотини билан шаман аёл ўртасида рақобат келиб чиқди. 520 йилда Чеуну юришда бўлган чоғда хон онасининг бўйруғига кўра, девона шаман аёл осиб ўлдирилди. Чеуну жангдан қайтгандан сўнг амалдорлар билан онаси фитна уюштириб уни ўлдирдилар ва тахтга бошқа ўғли Анауханни ўтказди.

Орадан ўн кун ўтгач, Чеуну учун қасос олинди. Чеунунинг Шифа деган қариндоши қароргоҳга хужум қилиб, тор-мор этди. Анаухан Хитойга қочиб кетишга улгурди. Унинг онаси ва ака-укалари ҳам ўлдирилди. Анаухан Хитойда гадойсифат бўлиб юрган пайтда амакиси. Полломин ўз тарафдорларини тўплаб Шифани тор-мор қилди. Шифа Манчжурияга қочиб қолди ва у ерда ўлдирилди. Полломин хон унвонини олди. 521 йилда эса кўзғолон кўтарган телеутлар томонидан у тор-мор қилинди. Полломин қолган-қутган содиқ одамлари билан Хитойда

санғиб юрди. Шу тариқа жужанларнинг давлати яна хавф остида қолди.

Манкурт одамлар табиатан маккор, ўз манфаати учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, «ишбилармон» бўладилар. Жужанларнинг ҳалокати яқинлашиб, хитойлар асоратига тушиб қолган эдилар. Маккорлик қилиб, улар асоратдан қутулиб қолдилар. Анаухан Хитой турмасида ётиб барча азоб-уқубатларга чидади. У ердан озод бўлиб чиққандан кейин, ўз режасини амалга оширишга киришди. Экиш учун хитойлардан ўн минг қоп уруғлик сўради. Аммо уруғликни жужанлар еб қўйдилар. Келгуси йилда ҳосилнинг катта қисми, шартномага биноан, Хитой императорига ҳам тегиши керак эди. Қиш келиб, очарчилик бошланди. Бу ишни тафтиш қилиш учун келган Хитой амалдорини Анаухан ушлаб қамаб қўйди. Жужанларга барибир, умрида дехқончилик қилмаган, фақат қорнини тўйғазиши керак эди, холос. Хитой аҳолисини Анауханнинг одамлари талон-ғарож қила бошладилар. Ҳатто Марказий Осиёда қудратли давлат бўлган Вэй империяси иккига бўлиниб кетгандан кейин Анауханга хушомадгўйлик қила бошладилар.<sup>1</sup>

Худди шу пайтда «бўри авлодлари» — туркийларнинг Ашин уруғи тарих саҳнасида чиқди. Улар бу даврга келиб. Марказий Осиё қабилалари орасида катта мавке эгаллаган, айни пайтда бошқа қабилалар ҳаёти, турмуш тарзидан ажралмаган эди.

Ашин уруғи III—IV асрларда ҳам жанговарлиги билан шуҳрат қозонган, лекин бир томондан, жужанлар, иккинчи томондан, хитойлар уларга тинчлик бермас эди.

Ҳар бир қабила, каттами, кичикми, келиб чиқишини бирор нарсага (буюмга), ўсимликка, дарахтга, ёки хайвонга боғлайди. Бу ўша қабиланинг жўн фикрлашини англатмайди, балки улар ўз ўтмишини билишга интиланлар.

Урта ва Марказий Осиё қабилаларининг кўпчилигига хос хусусият шуки, улар ўзларини у ёки бу хайвондан келиб чиққанмиз, дейдилар. Масалан, тибетлар, отабоболаримиз эркак маймундан ва аёл ўрмон рухидан, мўғуллар кулранг бўри ва буғудан, тулислар бўри ва хун

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М. — Л., 1950, т. II, 204-бет.

амалдорининг кизидан, туркийлар эса хун шахзодаси ва урғочи бўридан келиб чикқанмиз, деб тан олишади. Туркийларнинг бўридан келиб чикқанлиги ҳақида икки-та асотир сақланиб қолган.

## ТУРКИЙЛАР ҲАҚИДАГИ АФСОНАЛАР

Ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боболари қўшни қабилалар томонидан кириб ташланди. Фақат ўн ёшли бола яшириниб тирик қолди. Уша ерда яшайдиган урғочи бўри унга хотин бўлди. Очликдан қутқариш, душманлардан яшириниш учун бўри ўша болани олиб Турфон тоғларига қочиб кетди. Тоғда бир ғор бор эди. У ерда урғочи бўри ўнта бола туғди. Болаларнинг отаси ўша қутқарилган турк эди. Бўри болалари Турфондаги аёлларга уйланди. Ҳар бир боладан бир уруғ келиб чикди. Уғилларидан бирининг исми Ашин эди. Унинг номи ҳамма қабилла номини англатадиган бўлди. Ашин бошқа ака-укаларига карагаида қобилятлироқ, ҳам ақллироқ эди. Шу сабабли Ашин янги қабиланинг дохийси бўлиб қолди. Уруғ сони аста-секин бир неча юз кишига етди. Ашиннинг меросхўрларидан бири, қабилла дохийси Асян шад бўри авлодларини Турфондан Олтой ерларига олиб келди. Бўри авлодлари бу ерда жужанларнинг фукаросига айланиб, уларга темир қазиб берар эдилар. Олтойда улар турк номини олдилар. Афсонага кўра, «турк» сўзи Олтой тоғининг энг қадимги номидан келиб чикқан.

Иккинчи афсонанинг мазмуни шундай: Турк қабиласининг ота-боболари Со салтанатига бориб тақалади. Бу салтанат Олтойнинг шимолида жойлашган эди. Қабилла бошлиғи Абанбунинг ўн еттита укаси бор бўлиб, шулардан бири Ичасин Ишид «Бўри ўғли» деб ном олган эди. Со салтанати душманлар томонидан кунпаякун қилинди. Омон қолганлари тарқалиб кетдилар. Бўри ўғли жуда тадбиркор эди. Шу сабабли имконият топиб, уруғини кийин аҳволдан олиб чикди. Унинг ўғилларидан бири Оккуш бўлиб, Абакан дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Иккинчи ўғли эса Цигу салтанатига асос солди. Бу салтанат Кама дарёси бўйларида эди. Учинчи ўғли эса Чжучже дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Катта ўғли Нудулу шад Ғарбий Саянга ўрнашди.

Иудулу шаднинг ўнта хотини бўлган. Унинг ўғиллари онасининг қабиласи номини олдилар. Энг кичик хотинининг ўғли Ашин эди. Нудулу шад вафотидан кейин тахтга биронтаси ўтириши керак эди. Шунда ака-укалар, кимки кучли ва эпчил бўлса, ўша уруғ йўлбошчиси бўлади, деб қарор қилдилар. Мусобақада Ашин ғалаба қилди. У Асян шад номини олиб, уруғ боши бўлди. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Туу тахтга ўтирди. Туунинг ўғли Тумин (Бўмин) турк хоқонлигига асос солди.

Тўба қабиласи Шимолий Хитойни босиб олди, у ердаги қабилалар орасида Ашиннинг беш юз оиласи бор эди. Шу пайтда Ашин уруғи хун хоқими Муғанга қарам эди (Хунлар-туркийларнинг аждоди, бу давлатда бир қанча қабилла-уруғлар бор эди). 439 йилда тўбалар хунлар устидан ғалаба қозонди. Шундан кейин хунларга тобе бўлган Ашиннинг беш юз қабиласи жужанлар хузурига қочиб борди. Олтой тоғларининг жанубида ўрнашиб, жужанларга темир қазиб бера бошладилар.

Ашин уруғи қаерда, кимнинг ҳукмронлиги остида бўлмасин, ўзларининг тилини сақлади. Тўбалар сингари тилини йўқотмадилар. Ҳатто шу кичкина уруғнинг урфодати бошқа қабилаларга таъсир қилди.

## ТУРКИЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИЛИ

Хитойлар ўзларига тобе бўлган Ашин қабиласини Ту-кю деб атаганлар. Хитойча Ашина ҳам дейилади. П. Пельо бу сўзни «турк-ют» (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. **Турк** атамаси кучли, мустаҳкам демакдир. **Ашина** эса бўри дегани. Туркийча бўри мўғулча шоно, чино дейилади, а қўшимчаси хитойча ҳурмат маъносини билдиради. Бундан хулоса чиқадики, Ашина-химматли, мард бўри деган маънодадир.

Қадимги Хитой муаллифлари туркий хони ва бўри сўзини маънодош деб қараганлар. Шунинг учун бири ўрнида иккинчисини қўллайверганлар. Уларнинг Марказий Осиёдаги мавқеи баланд эди. Ҳатто сяньбий маликаси ўз эри Шаболио хонни бекорга «Бўри феъл-атворига эга бўлган хон», деб айтмаган эди.

Бўри ҳақидаги тасаввур Ашин уруғининг ҳамма томонига кириб борган. Ашин қабиласи байроғида бўри

калласининг олтин тасвири туширилган. Байроқдабўри калласининг тасвири турк-мўғул халқларининг ҳаммасига кўчган. Ашин қабиласи бирор жойга келиб ўрнашгандан кейин, ўз худудини чегаралаб олган ва дарвоза ўрнатган. Дарвозанинг кираверишига бўри калласи тасвири туширилган байроқни илиб қўйганлар.. Бу билан бўри авлодлари эканлигини эслатиб турганлар.

Бу асотир туркийлардан мўғул халқига ҳам кириб борган. Мўғул афсоналарига кўра, Чингизхон кул ранг бўридан келиб чиққан.

Ҳар иккала халқда фақат асотир эмас, урф-одат, тил ҳам умумий эди. Улар энг қадимги даврларда . Олтойлар деб юритилган. Тиллари бир оилага мансуб бўлиб<sup>^</sup> Олтой-бобо тили деб номланади. Манчжур тили ҳам шу оилага тегишли. Улар товуш таркиби, грамматик қурилиши, сўз бойлиги жиҳатидан бир-бирига жуда яқин.эди. Келиб чиқиши жиҳатидан бир бўлган халқларнинг тили ягонадир. Бу тилларда феъл, айникса от туркумидаги сўзлар, умумий. Қариндошлик аънаналари узоқ давом этган. Кейинчалик улар мустақил қабилаларга ажралган. Тиллари ҳам ўзича ривожланган. **Турк** сўзи бирминг беш юз йил давомида ўз маъносини ўзгартирган. V асрда Ашин атрофига тўпланган ўрда аҳолиси турк деб юритилган. Ҳаммаси туркий тилда гаплашганлар. Ана шу тилда гаплашган бошқа қўшни қабилаларга турк номи қўлланмаган. Фақат худудий бирлик номга асос бўлган. Уша даврларда Урта ва Марказий Осиёга саёҳат қилган араб тарихчилари асарларида шундай фарқлаш бор. Улар турк номи остида қайси тилда гапиришидан қатъи назар, Урта ва Марказий Осиёда яшовчи ҳамма қабилаларни назарда тутганлар. Рашидиддин турк ва мўғулларни тилига қараб фарқлаган. Чунки XIII асрда мўғул тили алоҳида тил сифатида ажралиб чиқиб, туркий ёзув асосида ўз ёзувини шакллантирган эди.

Туркийлар билан мўғул халқларининг муносабати, тили масаласида баъзи ноаниқ фикрлар мавжуд. Жумладан, туркийлар тарихининг йирик билимдони ва тадқиқотчиси Л. Н. Гумилев шундай дейди: «Ашин номи остида бирлашган «беш юз-оила»нинг келиб чиқиши қай тарзда бўлмасин, улар ўзара мўғулча гаплашганлар. Ўлар катта ҳарбий қудратга эришиб, Хитойдан

Олтойга кўчиб ўтганга қадар бу тил давом этган. Бирок улар юз йил давомида туркий муҳитга келганларидан кейин оғзаки нутқнинг тез алмашувига имкон бўлиши керак эди. Қолаверса, мўғулларнинг «беш юз оиласи» туркийлар орасида денгиздан томчи эди. Шундай таҳмин қилиш мумкинки, VI асрнинг ўрталарида Ашина уруғи аъзолари ва уларнинг атрофидагилар бутунлай туркийлаштирилган. Мўғул тилининг излари фақат ўзлари билан олиб келган унвонларда сақланган»<sup>1</sup>, деб изохлаяпти, Кўриниб турибдики, Ашиннинг «беш юз оиласи» туркий эмас, деб талқин қилинмоқда. Тўғри, унвонларнинг қўпчилиги мўғулча ёки хитойча эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо қадимги туркий тилдаги унвонлар фақат мўғулча гаплашганлар деб хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Зотан, ҳозирги ўзбек тилида рус-интернационал атамалар, хусусан, унвонлар, «ки араб-форс сўзлари қўп бўлгани учун, биз славян халқларимиз ва биз шу халққа мансубмиз деб айта олмаймиз-ку! «Беш юз оила»ни мўғуллар деб қараш асоссиз. Бу ҳақда ҳеч қандай далилу исбот йўқ. Олтой ёбо тили туркий-мўғул ва тунгус-манчл<ур тилларга бўлингандан кейин, мўғул қабилалари узоқ вақт туркий тилда алоқа қилганлар. Шунинг учун туркийлар мўғулча гаплашганлар дегандан кўра, олтой-бобо тилида гаплашганлар, деб айтиш мақсадга мувофиқдир ва ҳақиқатга яқин бўлур эди. Юқорида айтганимиздек, туркий, тунгус-манчжур ва мўғул тилларида қўп яқинлик ва умумийликлар бор. Бу тилларни қиёсий-тарихий ўргаяиш натижасида уларнинг энг қадимги тараккиёт даври аниқланган. Улар қуйидаги босқичларни босиб ўтган: Олтой даври (бу даврда туркий, мўғул, тунгус-манчжур тиллари бор эди). Хун даври (бу давр эраминзгача V — эрамининг IV асри охириларигача бўлган даврни қамраб олади, шунда туркий-мўғул, тунгус-манчжур тиллари ажралиб чиқаётган эди). Туркий тиллар хун даврида икки қисмга ажралган: Шарқий хун ва Ғарбий хун. Ғарбий хун тилларига булғор, авар, хазар, чуваш, бажнок, гагауз, Болқон ярим оролидаги аксарият тиллар, кумик, қараим, ўзбек, туркман, озарбайжон ва йошқа бир қатор тиллар кирган. Шарқий хун тиллари-

<sup>1</sup> Л. Н. Гумилев. Древние тюрки. — М., 1967, 37 — бет.

га қадимги уйғур, қирғиз, тува, хакас, шор, ёкут, чулим татар, олтой ва Шарқдаги кўпгина тиллар мансуб. Бу тиллар эрамининг V асрларигача — қадимги турк давлати ташкил топиб, ёзув такомиллашгунга қадар бўлган, ан туркийларнинг ота-боболари тилидир.

### ЖУЖАНЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ. ТАХТ УЧУН КУРАШ

Туркийларнинг «беш юз оиласи» жужанларга қарам бўлиб юрар эканлар, уларга Вэй ғарбий империясидан элчи келди. Бу империя ҳам жужанларга солиқ тўлар эди. Туркийлар элчининг келганини эшитиб, бизга қудратли мамлакатдан элчи келди, энди биз ҳам юксалиб кетамиз, деб хурсанд бўлдилар. Вэй Ғарбий империяси ҳукмдори Вэй Шарқий империя ҳукмдорига қарши курашиш учун туркийлар билан шартнома тузишни таклиф қилган эди. Бу туркийлар учун айна муддао эди. Шу бахонада жужанларга қарамликдан халос бўламиз, деб ўйладилар.

Туркийлар Вэй Ғарбий империяси билан иттифоқдош бўлиб, жужанлар билан алоқасини уздилар. Бунинг учун бирор бахона керак эди. Бўмин Анауханнинг қизига совчи жўнатди. Бу таклиф, албатта, Анауханга маъқул келмади. Бўмин гўё ўзини Анауханга тенглаштираётган, бу билан уни ҳақоратлаётгандай эди. Анаухан ғазабланиб, Бўминга шундай жавоб жўнатди: «Эй менинг темир эритувчим, сен менга бундай таклиф киритишга қандай журъат этдинг?» Бўмин ўз мақсадига эришди, жулданлар билан алоқасини узди. Жужанлар элчисини қатл қилди. Вэй империясининг ҳукмдори Вэнди билан шартномани янгиллади. Хитой маликасига уйланиб, кўчманчилар орасида ўз мавқеини яна мустаҳкамлаб олди. 552 йилда Бўмин жужанларга қарши уруш эшон қилди. Жанг Бўминнинг ғалабаси билан тугади.

Бу даврдаги воқеалар асосан Кул тигий ёдномасида баён қилиб берилган. Лекин бу ёномада ҳам Бўмин ва Истамининг фаолиятига кенг ўрин берилмаган. Мазкур ёнома икки юз йилга яқин воқеаларни ўз ичига олса ҳам, қўроқ ўз даври қаҳрамонлари — Билга хон, Кул тигин, қисман унинг оталари Элтариш хокон хақида ҳикоя қилади. Қолаверса, Бўмин ва Истамининг тарихи ёзиб қолдирилган ёдномалар йўқ, VIII асрдаги

туркийларга уларнинг фақат номларигина етиб келган, холос.

552 йилнинг охирида Бўмин вафот этди. Тахтга унинг ўғли Қора Иссиқ хон ўтирди. Бўминнинг вафотидан фойдаланиб, жужанлар яна бош кўтариб қолдилар. Ўзларига қарам бўлган туркийлардан энгиланидан жужанлар жуда ғазабнок эдилар. Жужанлар халок бўлган хоннинг амакиси Диншуцизинни ўзларига йўлбошчи қилиб сайладилар. Аммо Қора Иссиқ хон ҳам отасидай дадил ҳаракат қилиб, жужанларни тор-мор қилди. Орадан кўп ўтмай, Қора Иссиқ хон ҳам вафот этди. Тахтга Кушу унвони билан унинг укаси Муған хон ўтирди. У каттиққўл, жасур, ақлли бўлиб, жангдан бошқа ҳеч нарсага қизиқмас эди. 553 йилнинг кузида у жужанларга яна зарба берди. У жужанларнинг Марказий Осиёдаги ҳукмронлигига бутунлай барҳам берди. Муған хон йигирма йил (553—572) тахтда ўтирди. Турк хоконлигини ҳарбий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлади. Бутун Марказий ва Урта Осиёда сиёсий ҳукмронликни ўрнатди. Бошқа мамлакатлар билан ҳар жиҳатдан улоқа қилиш, улар ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун йўл очилди. Акс ҳолда турк хоконлигининг қўлдан кетиши ҳеч гап эмас эди.

571 йилда турк қўшинлари Эронга юриш қилди. Хоконлиқнинг Ғарбий қисмини яна ҳам кенгайтирди. Муган хонгача ҳам амакиси Истами (Бўминнинг укаси) хоконлиқнинг ғарбий қисмини бошқарар эди. Истами акаси вафотидан кейинок (555 йилда) Тошкент ва унинг ирофларини, Қозғистон, Етгисув ва Хоразмни бўйсунди. Бу жойлар туркийларнинг азалдан қонуний жойлари эди. Энди турк хоконлигининг чегараси Лмударёгача етиб борди.

VI асрнинг 70-йилларидан бошлаб Турк хоконлиги икки йирик давлатлар — Византия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий муносабатлар ўрнатди. Хоконликда асрлар бўйи етилиб келган илк феодал муносабатлар шакллана бошлади.

572 йилда Муған хон вафот этди. Қонунга биноан, I I га унинг укаси Арслон Тўба хон ўтирди. У будда юига берилган бўлса ҳам, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Ди салтанати билан шартнома тузди. Чжоу империяси эса Муған хон даврида турк хоконлигига



100 минг бўлак ипак матодан солиқ тўлар эди. Арслоа Тўба хон даврида ҳам бу давом этаётган эди. Бирок Чжоу империяси энди бу солиқларни тўламай қўйди. Арслон Тўба қўшинларини бир мартагина жўнатган эди, яна ҳаммаси изига тушиб кетди. Ци империяси ҳам Чжоудан намуна олиб солиқ тўлашдан бош тортмоқчи бўлаётган эди. Аммо Арслон Тўба Чжоунинг эсини киритиб қўйгандан кейин. Ци фикридан қайтди. Тўба хон «жанубдаги иккала бола (Чжоу ва Ци) бизга бўйсуниб турар экан, камбағалликдан кўркмасак ҳам бўлади»<sup>1</sup>, — деб айтар эди.

Арслон Тўба хон будда акидалари туркийлар сиёсатига бегона эканлигини билар эди. Ота-боболари асос солган мамлакатни мустаҳкамлаш ва қўлдан бермаслик унинг асосий бурчи эди, буни ўзи тушуниб етди.

Хингандан Кубангача бўлган жойдаги саккизта вилоят Арслоннинг ихтиёрида эди. Вилоят ҳокимлари ўз қабилаларини қаттиқ ушлаб турар, аммо бир-бири билан ҳеч келиша олмас эдилар. Уларнинг ҳоконликдаги аҳволи ҳам қийин эди: ҳар бир ҳоким қўл остидаги беклари билан ҳисоблашишга, уларнинг айтганини қилишга мажбур эди. Чунки вилоятларнинг тақдирини ва ҳокимнинг ҳаётини шулар ҳал қилар эди. Ҳоким ҳатто ҳар бир жангчи билан ҳам ҳисоблашар эди. Ҳокимлар, мамлакатнинг тақдири ўша биргина одамга ҳам боғлиқ, деб билардилар.

Мамлакатда жиддий вазият юзага келди. Хон ва шад<sup>2</sup> ларнинг ўзига хос феъл-атвори, лаёқати мамлакатдаги вазиятни ўнглашда катта аҳамиятга эга эди. Яна улар шу феъл-атвори билан мамлакатни кутқариб қола оладими ёки йўқми, деган хавф ҳам бор эди. Вилоят ҳокимларининг ҳаммаси Тўба хонга қарашли эди: бири жияни, бири ўғли. Аммо ҳаммаси ҳам вилоятни бошқаришга лаёқатли эмас эди. Масалан, Тўба хоннинг ўғли Амрақ жуда осойишта, аристократ оиладан келиб чиққан бўлса ҳам ўрдада раҳбарлик қилиш лаёқати етишмасди. Муған хоннинг ўғли Тўраман эса ҳокимият тепасида ўтиришни хуш кўрадиган, аммо қатъиятсиз, жангда моҳиру сиёсатда нўнок, узокни кўролмайдиган одам эди. Характери ҳам заиф, кучлиларга ён берадиган\*

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Уша асар, 1-ж., 233-бет.

<sup>2</sup> Шад — вазирга тенг келади.

кучсизларга шафқатсиз эди. Ана шу феъл-атвори туфайли ҳам Тўраман Хитей айғоқчилари кўлида ўйинчок бўлиб қолди.

Ҳокимдарнинг ичида энг зўри, қобилиятлиси Истами ҳоконнинг ўғли Қора чурин эди. Истами ҳокон вафотидан кейин (576 йил) Қора чурин Ғарбий турк ҳоконлигини бошқарар эди. У отаси олиб борган сиёсатни давом эттирди, Ғарбий турк ҳоконлигига Қора чурин сингариф тадбиркор одам бўлмаса, ҳокимиятни боши берк кўчага олиб киритиб қўйиши мумкин эди. Чунки Эрондай қудратли мамлакат ёнгинасида жойлашган ва Истами бошиб олган жойларни Эрон ҳукмдорлари қайтариб олиш фикридан воз кечмаган эдилар.

Энди хон сайлаш маросимида тўхталик-да, кейин бу хусусдаги гапларимизни давом эттирсак. Шунда ким қонуний ҳокон бўлиши керак эди-ю, ким тахтга ўтирди — ҳаммаси аён бўлади.

Хитой манбаларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказганлар: амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтказиб, қуёш юриши бўйлаб Тўққиз марта айлантирганлар, иштирокчилар уни қутлаб турганлар. Кейин хонни отга ўтказиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар. Сўнгра сўраганлар: «Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз?»<sup>1</sup> У неча йил хон бўлишини айтган<sup>^</sup> шу муддат тугагандан кейин тахтдан кетган.

Давлат бошида биринчи шахс хон, ундан кейин ябғу турган (яъни вице-ҳокон), бу лавозимга асосан хон уруғларидан сайланган. Масалан, Бўмин даврида унинг укаси Истами ябғу эди. Аммо ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Тахт меросхўри тегин (шахзода) деб юритилган. Эгаллаб турган вазифасидан қатъи назар, тегин тахтга даъвогарлик қилган. Шад унзони қондош ва бирор беклик ёки вилоятга ҳокимлик қилган шахзодаларга берилган. Агар-шахзодалар билан қондош бўлмаса, ундай одамга шад унвони берилмаган. Масалан, Симо деган одам вақти келиб, хон бўлган, аммо шад бўла олмаган. Чунки у ноқонуний туғилган деган шубҳа бор эди.

Қуйроқ амаллар Ашин уруғига мансуб бўлмаган одамларга ҳам берилмаган.

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Уша асар, 1-жилд, 260-бет.

Ҳамма лавозимлар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган.

Туркийларнинг асосий машғулоти чорвачилик эди. Ҳунарлари ҳам шунга мослашган. Улар ёввойи ва уй хайвонлари терисидан кийим, чодир тикканлар. Бундан ташқари, улар кигиз ва жундан мато тўқишга жуда уста бўлганлар. Ҳозиргача топилаётган турли ашёлар ҳали сифатини йўқотмаган. Қимиз уларда вино ўрнини босган. Ҳамма оиланинг ёзги ва қишки манзили бор эди.

Аёлларга нисбатан ҳурмат жуда баланд эди. Уғил уйга кирганда, аввал онасига, кейин отасига таъзим қилган. Табарийнинг ёзишича, аёлларнинг макеи шунчалик бўлганки, туркийлар ҳамма нарсага хотини орқали эришган. Узини она уруғидан ҳисоблаганлар катта ҳурматга сазовор эди. Қонун аёлларни каттиқ ҳимоя қилган. Агар бирор эркак аёлнинг номусига тегса, эркак ўлимга маҳкум этилган. Ёки ўша эркак номуси поймол қилинган қизга уйланиши шарт эди.

Бу турк ҳоконлиги давридаги қонун-қоидалар. Ҳоконлик ташкил бўлгунга қадар манзара бошқача эди. Жангда ғолиб чиққан томон, айниқса, аёлларни кўпроқ қул қилиб олиб кетар ва бу одат кеиғ тарқалган эди. Гарчи қул бўлса ҳам, аёллардан оғир ишларда фойдаланиш қатъиян ман этилган. Аёлларга мос бичиш-тиқиш, тўқиш ишларида фойдаланилган. Қул, у эркакми, аёлми —барибир, агар у майиб-мажруҳ бўлмаса ва имкониятини қилса, қочиб кетаверган. Қочганда ҳам айнан хўжайинининг отида қочиб кетган. Қочиб кетган қул таъқиб қилинмаган. Қул учун ҳам, от учун ҳам ҳеч ким тоvon тўламаган. Қул сотиш умуман йўқ эди. Қул тушунчаси ўрта асрлардагидан бошқачарок, яъни том маънодаги қул эмас. Шундай бир воқеа бор: 486 йилда Суй сулоласидан Шаболио хон ҳузурига элчи келади. Элчи «Суй сулоласининг ҳукмдори сизни ўзининг вассали деб фармон берди. Бундан сўнг сиз унга солиқ тўлаб туришингизга тўғри келади» деди. Шаболио хон хайрон бўлиб: «Вассал нима дегани?» деб сўради. Унга «Вассал дегани биздаги қул деганидир» деб амалдорлари тушунтирдилар. Шаболио хон «Осмон ўғлига қул бўлганимдан бахтлиман» деб хурсанд бўлганидан элчига кўп инъомлар

бериб жўнатиб юборди.<sup>1</sup> Демак, қадимги даврдаги қул деган тушунча ўрта асрлардагидан бутунлай фарқ қилган. Унинг кучидан текин фойдаланилмаган.

Туркийларда тахтни эгаллашда шундай қонуният бўлган, бу зинапоя усули деб аталади. Унвонлар ҳам шунга мўлжаллаб берилган. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ота вафот этгандан кейин ўғил тахтга ворислик қила олмайди, балки вафот этган ҳоконнинг акаси ёки укасининг ўғли тахтга ўтириши керак. Ҳоконнинг ака-укаси бўлмаган тақдирда ўғли даъвогар бўлиши мумкин. Муған хондан сўнг тахтга ўтирган Арслон Тўба хон вафотидан кейин тахтга Амрақ эмас, акасининг ўғли Тўраман ўтириши керак эди. Ота ва бола муносабати жуда яқин, лекин қонун қонун-да, тахт энди Т5фаманники. Арслон Тўба хоннинг кичик ўғли Ишбара ҳам тахтдан умидвор эди. Энди унга йўл беркилди. Аммо у ўз ниятини амалга ошириш учун каттиқ курашди.

Турк зодагонлари орасида Тўраманнинг обрўйи унчалик баланд эмасди, чунки унинг онаси «паст табақа»дан эди. Ана шундан фойдаланган Ишбара Амрақнинг фойдасига ҳаракат қила бошлади. Хон тайинлаш маросимида у шундай қасамёд қилди: агар марҳум хоннинг васияти амалга ошадиган бўлса, мен ҳам ўз вилоятимга кетиб, чегарани қилич ва найза билан ҳимоя қиламан, фуқаролар уруши бошлайман деб таҳдид қилиб ҳамма-ни кўрқитди, Ишбарага ҳеч ким қарши бора олмади. У ўз нсмига муносиб каттиққўл, айтганини қиладиган одам эди. Натижада Тўраман эмас, Амрақ хон бўлиб қолди.

Саройда Тўраманнинг тарафдорлари Амрақни масҳара қилар, унга қун бермас эдилар. У тахтдан воз кечиб, укаси Ишбарага берди. Тўраман барибир тахтни ололмади. Ишбара Тўраманни мамлакатнинг шимолидаги чекка бир вилоятга Або хон (оқсоқол хон) унвони билан ҳоким қилиб жўнатиб юборди.

Ишбаранинг қароргоҳи Утуқанда, Утуқан эса ҳоконликнинг марказида жойлашган эди. У бош ҳокон ҳисобланар эди. Иккинчи хон эса Қора чурич бўлиб, у Оқтоғ этакларини эгаллаган (Оқтоғ шимолий Тянь-Шанда),

<sup>1</sup> Н. Я. Бичурин. Уша асар. 1-жилд, 287—288-бетлар.

учинчи хон эса Амрак эди. Унинг қароргоҳи Тўла дарғ-  
ей буиларида эди.

Тўртала катта хонлар — Ишбара, Тўраман, Қора чурин ва Амрақдан ташқари, яна тўртта кичик хонликлар ҳам бор эди. Тўраманнинг фақат хон номи бор эди, холос. У Ишбаранинг қўли остида, ҳуқуқсиз эди. Илк даврдаги хонликнинг аҳволи шундай бўлди. Аммо вазият мураккаб, улар ўртасида баъзан зимдан, баъзан очикдан-очик адоват ҳукм сурарди.

584 йилда Тўраман йўқлигидан фойдаланиб, Ишбара унинг қароргоҳига ҳужум қилди. Тўраманнинг онасини ўлдирди, хотини ва болаларини асир қилиб олди. Аммо Ишбаранинг қароргоҳи ҳам, умуман мамлакат нотинч эди. Тўсатдан унинг қароргоҳи ёниб кетди, ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Муттасил ўзаро урушлар, Эронга қарши юришлар, Ёир томондан, турк ҳоконлигининг тажрибасини орттирди, иккинчи томондан, моддий ва маънавий инқирозга сабаб бўлди. Тахтга гоҳ униси, гоҳ буниси чикди Қора чурин ҳам тахминан 600-йилларда, қариб қолган пайтда ўзини ўзи хон деб эълон қилди. Аммо унеча ҳам турк ҳоконлигиинг обрўйи ва қудрати баланд эди.

Қора чурин Бўгу ҳокон (қахрамон ҳокон) деган ном олди. Хитой императорлиги ҳоконликдаги мураккаб вазиятдан фойдаланмоқчи бўлдилар. Ҳоконлик ичидан «ритначилар» ёлладилар. Фитначилар Қора чуринга суиқасд уюштирдилар. Фитнанинг асосий ижрочиси ва бошлиғи Жангар деган одам бўлиб, у ўз манфаати учун халқни хитойларга сотди. Қора чуриннинг ҳалокатига ҳам Жангар сабабчи бўлди. Ана шу сотқинлиги учун Қора чурин Жангарнинг ака-укалари, болалари, қариндош-уруғларини ўлдирди. Узини эса тутолмади.

Турк ҳоконлиги этник жиҳатдан турли гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг бошини қовуштиришга Жангардай калтабин одамнинг ақли етмас эди. Шунинг, учун бошқа қўшни қабилаларга қараганда, имконият кўп бўлса ҳам, Жангар ҳеч нарсанинг улдасидан чиқа олмас, унинг инон-ихтиёри ўзида эмас эди.

Ғарбий турк ҳоконлигида манзара бутунлай бошқача эди. Бу ҳоконлик тасарруфидаги Еттисув, Чу водийси, Волга ва Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш ва Ишим дарёсининг юқори қисми аҳолиси Ашин сулоласининг

52

тутган йўлини тўғри деб баҳолади. Сулоланинг қонунқоидага риоя қилаётганини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Турк ҳоконлиги ўз мустақиллигини, аввалги мавқеини сақлаб қола олмади. Қабилалар ўртасидаги муттасил кураш турк ҳоконлигини қолдан тойдирди. Бичуриннинг ёзишича, иқтисодий таназзулга юз тута бошлаган мамлакатда одамлар нон ўрнига суяқни қириб истеъмол қила бошладилар.<sup>1</sup>

Бошбошдоқлик авж олди. Туркий зодагонлар вакиллари ўз вилоятларини мустақил бошқаришга ҳаракаат қилдилар. Бойлик бир ховуч кишилар қўлида тўпланди. Хуллас, илгариги бирлик, иттифоқ йўқолди. Ҳар доимгидек, урушларнинг бутун оғирлиги оддий халқ елкасига тушди. Хитой эса Суй династиясига бирлашиб, ҳарбий-иқтисодий жиҳатдан қаддан ташқари ўсиб кетди. Туркийлар эса аксинча, 582—603 йилларда Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб, ўзаро урушлар авж олди. Хитой империяси тубан ниятини амалга оширди. Энди Шарқий турк ҳоконлиги Суй сулоласига қарам бўлиб қолди. Шаболио хон даврида бошланган шунчаки бўйсунмиш росмана қулликка айланди.

Манкурт Жангарнинг бемақсад фаолияти халқ учун жуда қимматга тушди. Халқ ўзлигини унутиш даражасига етди. Шарқий турк ҳоконлиги худди манкуртлар давридаги ҳаётни эслатар эди.

## АСОРАТ ОСТИДА

Шарқий турк ҳоконлиги Суй сулоласи ўрнига келган Тан империясига қарши уруш олиб борди. Халқнинг энди кўзи очилди, алданганини сездди. Аммо бу урушлардан ҳеч қандай натижа чикмади. Парокандалик, вилоят ҳокимларининг манфаатпарастлиги, ҳоконликнинг парчаланиши халқнинг орзуларини амалга оширишга имкон бермас эди. 630 йилдан 682 йилгача Шарқий турк ҳоконлиги Тан империясига қарам бўлиб яшади. Бу фожиа тарихий воқеаларни Қул тигин ёдномасида ўқиймиз: «Беклари, халқи инсофсиз бўлгани учун, табғач халқи хийлакор бўлгани учун, тоймас бўлгани учун, фирибгари бор учун, оға ва инини бир-бирига қайрагани

Н. Я. Бичурин. Уша асар.Т-жилд, 103-бет.

учуп, бски, халкини бир-бирига чаккани учун турк халки ушлаб турган давлатини кўлдан чиқариб юборган, хоқонлик қилиб турган хоқонини йўқотиб юборган. Табғач халкига бек бўладиган ўғил боласи билан кул бўлди, сулув киз боласи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлаб, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонига қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини берди» (Кту, 6—8). Бир-икки бек ва амалдорларнинг йўл қўйган хатоси халқ олдида жиноятга айланди. Улар халқни қулликка маҳкум қилди.

Хитойларга қарам бўлганларида ҳам туркийларда уруғ-қабилачилик ва давлатнинг маъмурий қурилиши ўзгармади. Бунини ўзгартиришдан на турк хоқонлиги, на Хитой империяси манфаатдор бўлган. Турк зодагонларидан бир қанчаси Хитой империясига ҳарбий бошлиқлар (улар **сангун** деб юритилган), кичик офицер лавозимига жалб қилиндилар. Буниси муҳим эди, чунки турк жангчиларининг ҳарбий маҳорат сирлари империяга керак эди. Ёдномада таънаомуз айтилаётган гаплар шунга ишора.

Ашин уруғи қабила бошида турса ҳам, доимо Хитой империяси ҳарбийлари назорат қилиб турганлар. Эркинлик норозиликни келтириб чиқарди, кўзғолонга олиб келди. 650 йилда «Кичик хон» деб ном олган Чуби бошчилигидаги мустақиллик учун кўтарилган кўзғолон ҳарбийларни хушёр тортириб қўйди. Шундан сўнг назорат яна ҳам кучайтирилди. Бундай таъқибдан тоқати тоқ бўлган, муте, эзилган халқ шундай шиор кўтарди: «Турк фуқароси, барча халқ шундай дебди: давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Кимга давлатни эгаллаб берапман?—дер экан. Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман? — дер экан». Шундай дебди-ю, барибир, «табғач хоқонига қарам бўлибди. Қарши бўлиб, ўзини эплаб ва тиклаб ололмай, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини сарф қилганини андиша қилмай, табғач хоқонитурк халқини ўлдирайин, уруғини қолдирмайин дер экан ва уни йўқотиб бораётган экан» (Кту, 9—10).

Турк кўшинлари ҳам ана шу эллик йил давомида Хитой императорининг манфаати йўлида хизмат қилдилар. Хитой томонида туриб бир қанча урушларда қатнашдилар: «Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилиб-

ди, шарққа-кунчиқарга Бўкли ( Шимолий Курия П. Г.) хоқонига лашқар тортиб борибди, ғарбга Темур дарвозага лашқар тортиб борибди. Табғач хоқонга уларининг давлатини, ҳукуматини олиб берибди» (Кту, 8). Бундан ҳам даҳшатлироқ воқеалар кечди. Туркийлар ноқобил хоқонларни ўзлари тахтга ўтказдилар, лаёқатлиларни орадан қўтариб ташладилар, кўргулиги учун ўзлари айбдор бўлиб қолдилар: «Эй турк халқи, турк ўғуз беклари, эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукуматингни ким бузди? Уқун кўргулигинг учун, тарбият қилган доно хоқонингга, емирилган, қўлдан кетган эзгу давлатингга. Узинг адашдинг, орага ёмонни киргиздинг. Қуролли қайдан келиб тарқатиб юборди, найзали қайдан келиб суриб кетди. Муқаддас Утуқан йишга бординг, ғарбга боролгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлса керак: қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўғил боланг кул бўлди, сулув киз боланг чўри бўлди» (Кту, 22—24). Бу тарихий воқеа, ҳақиқат. Ёвуз қисмат уларни шундай изтиробга солди.

Тахминан ўттиз йиллар чамаси туркийлар кўзғолон қилмай, сукут сақладилар. Аммо сукунат қаъридан бир-кун портлаш садолари эшитиладиган кунлар яқинлашмоқда эди. 697 йилда Ашин уруғи бошчилигида яна кўзғолон бошланди. Бу кўзғолон аввалгисига ўхшамас, анча жиддий эди. Чунки кўзғолон стихияли тарзда эмас, балки уюшган тарзда бошланди. Шиор • — ё ҳаёт, ё ўлим эди. Кўзғолон бостирилди, халқ чекинди, аммо бу вақтинчалик сукунат эди.

Кўзғолон раҳбарларидан бири Қутлуғ Чиғай ўрмонига ўн етти жангчиси билан қочиб кетди. Қутлуғда ватанпарварлик туйғуси юксак, ўз халқига меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз эди. Унинг атрофига кўп одам йиғилди. Унинг мохир саркардалигини кўпчилик билар, шунинг учун халқ ҳеч иккиланмай унинг орқасидан эргашди. «Турк халқи йўқ бўлмасин деб, халқ бўлсин деб отам Элтариш хоқонни, онам Элбилга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб юқори кўтарган экан. Хоқон отам ўн етти эр билан четга чиқиб кетган». Тўн-юқуқнинг маслаҳати билан Қутлуғ Элтариш номини олди. Тўн-юқуқ Қутлуғнинг маслаҳатчиси бўлди. Тўн-ю-

кук Хитой зиндонларида ётган, кейин афв этилиб, император саройида хизмат қилган. Қутлуғга шундай одам керак эди. У Хитой армиясининг заиф томонларини билар ва маслаҳатлари асқотиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Қутлуғнинг навкарлари тезлик билан кўпая борди. Уларнинг «икки қисми отлик, бир қисми яёв эди. Етти юз кишини уюштирадиган улуғи шад эди» (Тўн., 4—5). Элтариш етти юз жангчини бирлаштириб, шад унвонини ҳам, қўмондонликни ҳам ўз қўлига олди. Отнинг ҳам йўлини топди. Тўққиз ўғуз (уйғур)лар Тан сулоласига мадад бериб турар эдилар. Элтариш улардан яхши отларни тортиб олди. Бора-бора Элтаришнинг навқари ўсиб етти юзтадан бутун бошли армияга — ўн икки минг кишига етди.

Қутлуғ таваккал қилди. Унга ёрдам берадиган, у билан иттифок тузадиган ҳеч ким йўқ эди. Тўрт тарафдагиларнинг ҳаммаси душман эди. 680 йилда Элтаришнинг армиясига қарши Тан сулоласи қўшинлари жангга отланди. Хитой қўшини Элтаришникидан уч баравар кўп эди. Элтариш Хитой қўшинининг орқа томонига ўтиб, озик — овқат қарвонини яқсон қилиб ташлади. Хитой аскарлари оч қолиб, парокандалик бошланди.

Хитой қўмондони ҳам анойи эмасди. Элтариш қўшинига қопқон қўйди. Қарвонни бир сафар турк армияси томонга қўйиб юборди. Элтариш қўшини қарвонни талон-тарож қила бошладилар. Аммо сал орқада сараланган Хитой навкарлари айна шуни кутиб турган эдилар. Тўсатдан қилинган ҳужум Элтаришни шошириб қўйди. Қўшин катта талофот кўрди.

687 йилгача гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғолиб келди. Нихоят, шу йили Тан империяси қўмондони Гоби саҳрасида турк қўшинларининг катта қаршилигига учради, фақат қўмондон ўз жонини сақлаб қолди. Қўшиндан тирик жон қолмади. Тан империяси емирилиб, Иккинчи турк хоқонлигининг тикланишига имконият туғилди.

Қутлуғ вафотидан кейин (692 йил) уқаси Қапаған хоқон бўлди. Қапағаннинг обрўйи хоқонликдан ташқарида ҳам юксала борди. Қапаған қонуний равишда тахтга ўтирди. Одатга кўра шундай бўлиши керак эди. Аммо Қапаған ўзидан кейин қонуннинг бузилишига йўл очиб берди. У ҳаётлиги даврида ўғли Буқуни «қичик хон» деб эълон қилди ва «Мендан кейин тахтга Буку ўтиради»

деб васият қилди. Буқуни хоқонликнинг Ғарбий қисмига тайинлади. Аслида Қапағандан сўнг Элтаришнинг ўғиллари Мўғулиён (Билга хоқон) ёки Қул тигин хоқон бўлиши керак эди. Қапаған хоқонлиги даврида Мўғулиён шад унвонига сазовор бўлган, уқаси Қул тигин билан давлат ишларида фаол иштирок этар, садокат билан хизмат қилар эди: «Амаким хоқон бўлиб турганда, ўзим тардуш халқи устидан шад эдим. Амаким хоқон билан Шарққа Яшил ўғуз (Хуанхэ дарёси), Шантунг текислигигача лашқар тортдик» (Кту, 17).

715—716 йиллар эди. Қапаған қўшинга бир ўзи бошчилик қилиб жангга кетди. Буку вақтинча отаси ўрнида хоқон бўлиб, саройни бошқарди. Аммо у ҳам тахтнинг қонуний вориси отаси Қапағандан сўнг Билга ёки Қул тигин эканлигини биларди. Шунинг учун хавфсираб, уларни бутунлай давлат ишларидан четлатди.

Бахтга қарши Қапаған жангда ҳалок бўлди. Буку эса ўзини «буюк хоқон» деб эълон қилди. Агар хоқонлик унинг ихтиёрида қолса, яна ҳалокатга юз тутиши муқаррар эди.

Қул тигин бир томондан, турк хоқонлигини сақлаб қолиш, иккинчи томондан, тахтнинг қонуний ҳукмдори бўлиш учун кўзғолон кўтарди. Унда ватанпарварлик туйғуси бағоят кучли эди. Қул тигин кўп жангларда қаҳрамонлик кўрсатган, шунинг учун қўшин орасида обрўйи баланд эди. Қўшин унинг орқасидан бемалол эргашди. Мўғулиён ҳам кўзғолоннинг ташаббускорларидан бири бўлди. Улар иккаласи биргаликда ҳаракат қилдилар ва қароргоҳдаги Қапаған хоқоннинг барча авлодларини, маслаҳатчиларини, яқинларини ўлдирдилар. Тахт Қул тигин ва Мўғулиённинг қўлига ўтди. Қул тигин ақаси Мўғулиённи «буюк хоқон» деб эълон қилди ва тахтга ўтказди. Халқ уни Билга хоқон деб атай бошлади. Бу доно хоқон дегани. Қапаған давридаги сарой аёнларидан фақат Тўнюкүк қолди. Чунки Тўнюкүк кизини Билга хоқонга берган эди. Қолаверса, Тўнюкүк Билга хоқоннинг отаси Элтариш хоқон даврида ҳам хоқоннинг маслаҳатчиси бўлган, ўзи тажрибали лашқарбоши ва доно одам эди.

Билга хоқон тахтга ўтиргач, биринчи навбатда мамлакатни иқтисодий жихатдан мустаҳкамлашга киришди. Қул тигинни лашқарбоши қилиб тайинлади. Хоқонлик-

даги ахвол бу пайтга келиб жуда ачинарли эди. «Турк халқининг номи, донғи йўқолмасин деб отам хоконни, онам хотунни юкори кўтарган, ҳам давлат берадиган тангри турк халқининг номи, донғи йўқ бўлмасин деб, мени хокон қилиб ўрнатди шекилли. Мол-йилқилик халққа хокон бўлиб ўрнашмадим. Ичи ошсиз, таши кийимсиз, оч-яланғоч, ёвуз, ёмон халқ узра ўрнашдим. Иним Кул тигин билан маслаҳатлашдик: отамиз, амаки-миз қозонган халқнинг оти, донғи йўқ бўлмасин деб тунлари ухламадим, кундуз ўтирмадим. Иним Кул тигин, ики шад билан ўла-йита муваффақият қозондим. Шу хилда қозониб бирлашган халқни ўт-сув қилмадим». (Кту, 25—27). Билга хокон ўзига душман бўлган ўғузлар, ўттиз татарлар устидан **ғалаба қозонди, хоконлиқни** ташқи душманлардан халос қилди. Хитой империяси билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатди. Бу муносабатлар турк хоконлиги фойдасига ҳал бўлди: Хитой императори Билга хоконга қўплаб ипак, олтин, қумуш жўнатиб турди. Турк хоконлиги шу тарика яна ўз мавқеини қисқа вақтда тиклади. Бу даврда яратилган битигтошлар воқеаларни идрок қилишда энг ишончли гувоҳлардир.

## МАНГУ ОБИДАЛАР

Туркийлар қанчалик катта ҳудудни эгаллаган бўлсалар, улар яратган ёдномалар шунчалик катта ҳудудга ёйилган. Бу ёдномалар Урхун дарёси бўйларида Дунай-гача, Ёкутистондан Гобигача, ҳатто Шарқий Оврупога ҳам тарқалган.

Ёдномалар қадимги туркий қабилалар бирлашмасининг маданий-сиёсий марказларига ва иқлим белгиларига қараб гуруҳланади.

Улар қуйидагича:

**1. Шимолий Мўғулистон ёдномалари.** Бу гуруҳга йирик ёдномалар—Билга хокон, Кул тигин, Тўноқук, Унгин, Кули чур, Селенга, Қорабалсағун, Сужи ёдномалари, шунингдек, Хайто Тамирдан топилган ўнта ёднома, Ихасхетедан топилган иккита ёднома, Хангай ва Гобидан топилган майда ёдномалар қиради. Туркшуносликда **бу гуруҳ Урхун** ёдномалари деб юритилади.

**2. Энасой ёдномалари.** Бунга тошга, қояга, олтин ва

қумуш идишларга, тангаларга ёзилган етмишдан ортиқ ёдномалар қиради.

**3. Лена — Байкалбўйи ёдномаларига** қирққа яқин, ўқилиши қийин бўлган қисқа матнлар қиради.

**4. Олтой ёдномалари** унчалик кўп эмас, битта қояга ёзилган ёднома ва қабрдан топилган бир неча қумуш идишлардаги ёзувлар, холос.

**5. Шарқий Туркистон ёдномалари** Турфондан топилган ва тошга битилган, Дунхуан ва Мирандан топилган чуғоздаги ёзувлардир.

**6. Урта Осиё гуруҳи ёдномалари** — Еттисув ва Фарғона гуруҳларидан ташкил топган. Еттисув гуруҳига Таласдан топилган ёдномалар (тангалар, уй рўзгор буюмлари, ёғочларга битилган ёзувлар), Фарғона гуруҳига керамика ва металлга битилган ёзувлар мансуб.

**7. Шарқий Оврупо ёдномалари** — Донецк ва Дунай гуруҳларига бўлинади. Биринчи гуруҳга Новочеркасскдан топилган иккита, Маяц шахридан ва Сарикўлдан топилган битта ғиштдаги ёзув мансуб. Иккинчи гуруҳга Над-Сен-Миклошдан топилган қумуш идишдаги ёзув ва металлга битилган ёдгорликлар қиради.

Юкорида тилга олинган ёдномалар турли жойларга тасодифан келиб қолган эмас, балки қадимги **турк** хоконлиги даврида шу жойларда туркий қабилалар яшаган — уларнинг ватани бўлган.

Битигтошлар аввало туркийлар тарихи учун асосий манба, ҳам ёзма адабиётнинг илк намунасидир. Шу билан бирга, у этнографияга оид қизиқ маълумотлар беради. Топилган ашёлар қадимги туркийларнинг урф-одатлари турмуш тарзига оид далилларни бирмунча тўлдирди. Биз улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Туркийлар қабр тошлари, яъни битигтошлар ёнига одамларнинг тош ҳайкалчаларини қўйишган. Улар балбаллар дейилади. Балбаллар маълум ҳисоб-китоб билан ўрнатилган. Хокон, лашкарбоши ёки амалдор жанг пайтида қанча душман ўлдирса, ёхуд нечта ёш бола касал бўлиб ўлса, тош ҳайкалчалар ҳам шунча ўрнатилган. Масалан, Билга хокон ўзиининг шарафига битилган ёдномада айтишича, амакисининг вафотига атаб қирғиз хоконининг балбалини тиккан. Яна мазкур ёдномада тўнғич боласи касал бўлиб нобуд бўлишига атаб Қуғ сангунни балбал қилиб тикиб қўйганини хикоя қилади.

Балбал тикйш одати маълум ншонч-эътиқодлар на-тижасидир. Туркийлар рух кўчишига ишонганлар. Балбаллар, эҳтимол, ўлган одамнинг руҳига бағишланган қурбонликдир. Ҳар қалай, улар мақсадсиз ўрнатилмаган кўринади. Шомонлик одатлари сабабли балбалларнинг боши кесиб ташланган. Уша даврда шомон дини туркийларда асосий дин бўлиб, руҳга тошшишни англа-тади.

Хейкель бошлиқ экспедиция аъзолари Кул тигин битигтошини ўрганаётганда, ундан қирк метр узокликда катта тўртбурчакли қабртош топдилар. Қабртош билан битигтош ўртасида узунлиги йигирма беш метрли чуқур ғов бор эди. Чуқурликнинг остида ҳам қандайдир иншоот борлигини билиб қолдилар. Иншоот Хитой ғиштидан қурилган. У ердан мрамардан қилинган еттита ҳайкал топилди. Ҳайкалларнинг боши йўқ эди. Битигтош атрофидан иккита пачоқланган ҳайвон ҳайкалини топдилар. Уларнинг бошлари қайрилган ҳолатда бир-бирига қара-тиб қўйилган. Иншоотга шу ердан қирилган. Балбаллар жуда кўп, тўрт километрга чўзилган эди. Ҳар бир балбалнинг оралиғи ўн-ўн икки метрдан бўлиб, гавданинг олди шарққа қаратиб қўйилган. Боши кесилмаган балбаллар ҳам бор эди. Бу турдаги балбаллар умри тугаб вафот этган қабиладошларга ўрнатилган. Боши кесилганлари эса ўлдирилган душманларга аталган.

Ғавданинг олд томони шарққа қаратилгани сабаби бор. Шарқ кун чиқишни билдиради. Туркийлар куёшга ҳам сажда қилганлар. Вафот этган марҳумлар ҳам худди тириклардай куёшга сажда қиладилар, деб тасаввур қилганлар.

Қабр иншоотига кириш жойидаги боши пачоқланган ҳайвонларнинг нималиги номаълум. У бўри бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Юқорида айтганимиздек, бўри калласи тасвири туркийларнинг сиёсий ҳаётида ҳам, кундалиқ турмушида ҳам муҳим роль ўйнаган. Улар қаерга келиб ўрнашсалар, дарвозага бўрининг калласи тасви-рини осиб қўйганлар, ўзларининг бўридан келиб чиққан-лигини доимо эслатиб турганлар. Бу анъана узок муддаг давом этган.

Одам вафот этганда (асосан, амалдор ёки лашкарбо-ши), жасад чайлада сақланган. Марҳумнинг қариндош-уруғлари от ва қўйни роса югуртириб, сўнг чодир олдига

олиб келиб марҳумга атаб қурбонлик қилганлар. Бу ма-росимда аёллар ҳам, эркаклар ҳам иштирок этаверадил-лар. Қурбонлик келтирилгач, чайланинг атрофини зот-дор отларда етти марта айланадилар. Маросим бир неча кун давом этади. Марҳумни дафн қилиш учун бирор кун белгиланган. Уша кунни улар марҳум билан хайрлашиш учун чайлага қирадилар. Киришдан олдин юзларини ўт-кир нарса билан тилиб йиғлайдилар. Сўнгра марҳумни ва унинг миниб юрган отини бирга ёқадилар. Марҳум тириклигида ишлатган буюмлар, озик-овқатлар ва идиш-товоқларни жасад кулига қўшиб дафн қиладилар. Улар шундай ўйлаганлар: от у дунёда ҳам эгасига хизмат қи-лади, марҳум у дунёда ҳам ноз-неъматлардан баҳраманд бўлади ва буюмларни ишлатади.

Улар руҳга ишонганлар, руҳни худди тирик одамдай тасаввур қилганлар. Ҳайвонларни эса, хусусан отларни худди одам сингари мавжудот деб билганлар.

Ҳайвонлар тасвири туширилган тош, ёғоч, бошқа бу-юмлар Мўғулистон худудида ханузгача сақланиб туриб-ди. Буларнинг ҳаммаси қадимги турк даврига оиддир. Мазкур тасвирий санъат асарлари безак учун қилинма-ган, балки қадимги туркий халқларнинг ижтимоий-сиё-«ий, маданий ҳаётининг айрим қирраларини ёритишга мўлжалланган. Жумладан, Кул тигин битигтошида қўй •сурати бор. Бу тасвир орқали туркийлар ўзларининг моддий жиҳатдан фаровон яшаганлигини билдирганлар. Туркийларда қўй-муқаддас ҳайвон эканлигига ишора ҳам бор. Муқаддас саналган ҳайвонлар, кўпчилик халқ-лардан фарқли равишда, истеъмол қилинган. Шер тасви-ри туркийларда куч-қудрат, жасурлик рамзини ифодала-ган. Шер мрамар ёки ёғочдан ясалиб, сарой ёки мақба-ранинг қираверишига қўйилган. Бу тасвир туркийлар мамлақати хамиша мудофаада эканлигини англа-тиб турган.

Тасвирий санъат асарлари қадимги туркийларнинг миллий одатлари ҳақида ҳам маълумот беради. Шундай •бир асар бор: бир одам тик турибди. Ёнига ханжар ос-ган. Баъзи бирлари курсида ўтирибди, қулоғида сирға, қўлида пиёла. Ҳайкалчалар таниқли арбоб ёки харбий бошлиқларга атаб ўрнатилган. Тасвир қандай мазмун англа-тади, нима учун қўлида пиёла ушлаб турибди — хозирча бир нарса дейиш қийин. Бирор маросим билан

боғлиқми, ёки бирор тантанага аталганми, буниси ҳам номаълум. Ханжар ва сирға маълум: ханжар ўша одамнинг мансабдор ёки харбий бошлиқ эканлигини билдиришади, сирға туркийларнинг ҳаммасига — эркакларга ҳам, аёлларга ҳам тегишли. Айниқса, эркакларда сирға осиб юриш кенг расм бўлган. Миллий одатлардан сирға яхши хабар беради. Тасвирнинг санаси ҳали аниқланмаган. Хар холда, VI асрдан илгари яратилган.

Бундай тасвирлар Марказий Осиёдан, хусусан, Мўғулистондан кўплаб топилган. Аммо аксариятининг санаси аниқланмаган, ёки умуман ўрганилмаган. Санъатшунослар, тарихчи, элшунос олимлар зиммасида ҳали қатор ишлар турибди. Улар бирор муносабат, урф-одат ё маросимларни тасвирлаш мақсадида яратилган. Битигтошлар яратиш юқори санъат даражасига кўтарилган. Ёзув ижроси, мрамор тошни тарошлаш, тошга ўрнатилган таглик, ўйилган лавҳалар, ҳайвонлар ва одамларнинг суратлари дид билан бажарилган.

Сўнгги йилларда қадимшунослар Мўғулистон, Жанубий Сибириёда қазув ишлари олиб бордилар ва кўпгина обидаларни қўлга киритдилар. 1956 йилда мўғул археологи Ц. Доржсуран Орхонгай аймоғидан қадимги турк даврига оид бир қатор қабрларни топди. Қабрдан балбаллар, ёзув битилган тош чиқди. Битигтош мрамордан ясалган тошбақа суратидаги тагликка ўрнатилган. 1969—70 ва 1975 йилларда битигтош совет қадимшунослари С. Г. Кляшторний ва В. А. Лившиц томонидан ўша жойнинг ўзида ўрганилди. Битигтош Бугут ёдномаси деб номланди. Бугут—битигтош ўрнатилган жойга яқин аҳоли пунктининг номи. Битигтош сўғд ва брахми ёзувида, санскрит тилидаги матнлардан иборат, йигирма тўққиз қатор. Матнни В. Лившиц кириллица алифбосига ағдарди. Бугут ёзуви VI асрнинг 80-йилларига — биринчи турк ҳоконлиги даврига тааллуқли экан. Биринчи турк ҳоконлиги давридан сақланиб қолган битигтош ҳозирча шу. Мазкур битигтош туркийлар тарихига бирмунча янги маълумотлар қўшади. Туркшунос олимлар қўлида ҳозиргача Биринчи турк ҳоконлиги даврига оид ёзма манбалар йўқ эди. Аммо биринчи турк ҳоконлиги даврида фақат сўғд ёки брахми ёзувидан фойдаланилган экан, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳозирча топилгани шу. Урта Осиёдан, хусусан, Сирдарё бўйидан ёки Қозоғис-

тоннинг Исик қўрғонидан топилган ёзувлар туркий ёзув узок анъанага эга эканлигини кўрсатади. Сирдарё бўйидан топилгани эрамиздан аввалги III—II асрларга, Исикдан топилгани эрамиздан олдинги IV асрга мансуб.

Марказий Осиёда Биринчи турк ҳоконлигида кўплаб ёдномалар урхун-энасой алифбосида битилгани ҳақида ишончли манбалар бор. Моюн-Шине Усудан топилган, 759—760 йилларда уйғур ҳокони Элетмиш билгага ўрнатилган ёднома шулардан биридир (Бу ёдномани 1909 йилда фин олими Г. Рамстедт топган). Битигтошнинг катта қисми бузилиб кетган. Унда қайд этилишича, Элетмиш билга ҳоконнинг буйруғига биноан, унинг ёзги ва кишки саройида ёзув битилган кўплаб тошлар ўрнатилган. Шунингдек, битигтошда туркий ёзувнинг VI—VII асрдан ҳам илгарироқ мавжуд бўлганини тасдиқловчи мисралар бор: «Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, белгимни бу ерда ёзиб тошга ўйдирдим, қалин тошга ёздирдим» (Элетмиш, 9).

Туркий битигтошлар Урта Осиёда кўп топилмаган. Асосан, Таласдан топилган, холос. Талас битигтошларидаги алифбо келиб чиқишига кўра, энасой алифбосига бориб тақалади. Улар ҳам V—VIII асрларга мансуб. Семён Ремезов хабар берган биринчи «Урхун тош» Талас дарёси бўйларидан топилган эди.

Талас битигтошларини топиш ва жамоатчиликка маълум қилишда М. Е. Массон, С. Е. Маловнинг хизматлари катта. М. Е. Массон 1930 йилда Терексойда ўтказган археологик қазишмалари натижасида урхун-энасой ҳарфи шаклидаги икки қатор ёзув битилган тош топди. Яна Таласдан 1933 йилда еттита катта-кичик ҳажмдаги битигтош қўлга киритилди. 60-йилларда ҳам Уш вилоятининг Беткен тумани ҳудудида қабр тошига битилган ва қадимги турк даврига оид битигтош маълум қилинган.

Ёдномаларнинг тарқалиш кенглиги ҳам анча муаммо бўлиб турибди. Юқорида биз келтирган иклимий жиҳатдан гуруҳлаш ҳам нисбийдир. Ҳозирда бошқа жойларда ҳам бу каби битигтошлар топилиб турибди. Ёзувлар хат-тотлик маҳорати жиҳатидан турли-туман, чунки ёзув кенг халқ оммаси ўртасида қўлланган. Ёзувни яхши эгаллаган одамларнинг катта бир гуруҳи орасида у кенг-роқ қўлланган. Масалан, йирик урхун ёдномалари хусниҳат билан ёзилган, унинг ижодкорлари ёзув маҳорати-



ни эгаллаган, мактабларда махсус ўқитилган. Майда тошлардаги ёзувни битишда касб маҳорати етишмаслиги сезилиб туради. Улар хунук хат билан ёзилган. Бу каби битигтошлар халқ оммаси томонидан яратилган.

Туркийлар битигтошларда йил ҳисобини аниқлик билан юритганлар. Бугут ёдномасида туркийлар ўн икки циклли таквимни қўллаганлар. Таквим ҳисоби Биринчи турк хоқонлигида мустаҳкам ўрнашди ва Иккинчи турк хоқонлигида давом этди. Бугут ёдномасидаги Қуён йили 571 йилга тўғри келади. Ҳа йил ёдномалардаги биринчи сана ҳисобланади.

Ёдномаларнинг хуснихат жиҳатидан анъанавий қоидалардан ўзгачалиги баъзан тадқиқотчиларни адаштиради. Натижада бошқа халққа нисбат беришади ва бутунлай бошқа мазмун келиб чиқади.

1957 йилда П. Доржсурэн Тарят-Сомон деган жойдан (Терхин дарёси бўйидан) номаълум ёзув битилган тош топди. 1969 йилда Совет — Мўғул тарихий экспедицияси аъзолари ёдноманинг туб қисмини охиригача кавлашганда, тошбақа суратидаги тош чиқди. Тошбақа суратидаги таглик илгари ҳам топилган эди.

Орадан бир йил ўтгач, Н. Сэр-Оджав ва В. В. Волковлар номаълум ёзувда битилган яна иккита парча топдилар. Бу ёдномаларни ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ёдномаларнинг ҳар иккиси Элетмиш билга хоқонга атаб ўрнатилган ва қадимги туркий тилда экан. Аммо ёзувни М. Шинеху биринчи марта нашр қилётганда, таржима учун мўғул тили грамматикасини асос қилиб олди. Шу боис кўп ўринларда ноаниқликка йўл қўйилди, битигтошнинг санаси яхши аниқланмади. Бир ўринда VI асрнинг биринчи ярмига, бошқа жойда IX асрга тааллуқли, деб кўрсатди. С. Г. Кляшторний эса бу ёдномани таржима қилишда қадимги туркий тил грамматикаси ва лексикасини асос қилиб олди ва таржима муваффақиятли чиқди. Тарихий ҳақиқат ўз ўрнини топди!

Терхин ёдномаси мазмун жиҳатдан Моюн-Шине Усу ёдномасига яқин туради. У уйғур хоқонлигининг пайдо бўлиши, кўк турклар билан ўзаро уруш, туркийларнинг тор-мор қилиниши ва турк хоқонлигининг тугатилишига бағишланган.

Туркий ёзувнинг ташқи белгилари сал ўзгарса, мураккабликларни келтириб чиқаради. Агар қадимги туркий ёзув мутахассиси ўша даврдаги бошқа ёзувлардан ва тилдан яхши хабардор бўлмаса, кўпчиликни чалғитиши турган гап. Айниқса, бир тошда барабар қўлланган икки ёки уч ёзув бундан ҳам мураккаб.

Ёзувларнинг барабар қўлланишидан маълум мақсад кўзланган. Бу усул, бир томондан, қадимий халқларнинг маданий-сиёсий жиҳатдан тенглиги, иккинчи томондан, улар ўртасидаги азалий муносабатларни билдиради. Тарихий алоқаларни тиклашда ҳам бу ишончли манбадир. Бундан бўлак асосий мақсад — маълум бир ғояни, диний оқимни туркий қабилаларга сингдиришдир (Бу ҳақда «Чингизхон ва туркий ёзувлар тақдири» мавзuida сўз юритамиз).

Сўғд ёзуви Биринчи турк хоқонлиги даврида бошланиб, Иккинчи турк хоқонлиги даврида давом этди. Уйғур хоқонлиги даврида эса сўғд ёзуви эски уйғур ёзуви билан деярли барабар мавқе эгаллади.

1968 йилда академик Б. Ринчен бир неча белгиларнинг суратини нашр эттирди. У Сэврей ёдномаси деб номланди. Орадан бир неча йил ўтгач, С. Г. Кляшторний ёдномани ўша жойнинг ўзида ўрганди. Битигтош битта, ёзув иккита эди. Ёзувларнинг ҳар бири етти қатордан бўлиб, бир томони сўғд ёзувида, иккинчи томони туркий-рун ёзувида эди. Аммо ёдноманда ҳеч қандай сана кўрсатилмаган. С. Г. Кляшторний ва В. А. Лившиц сўғд ёзувининг хуснихат белгиларига қараб, VIII—IX аср охириларига тааллуқли бўлса керак, деб таҳмип қилдилар. Уларнинг фикрида асос бор. Турк ва уйғур хоқонлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида суғдларнинг роли сезиларли эканлиги тарихдан маълум. VII асрнинг II ярмида ва VIII асрнинг бошларида Ғарбий турк хоқонлиги сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан анча қолдан тойган эди. Еттисувда бой ва ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлган суғдлар хоқонликка ёрдам қўлини чўзди. Хоқонлик ҳудудида суғд турар жойлари барпо бўлди. VIII асрнинг биринчи ярмида Еттисувда суғдларнинг ҳудудий уюшмаси вужудга келди. Улар сиёсий жиҳатдан мустақил эдилар. Шу сабабли ҳам суғд ёзувининг туркий-рун ёзуви билан барабар қўлланиши қонунийдир..

Турк хоқонлиги билан қайси давлат маданий-сиёсий

муносабат ўрнатган бўлса, ҳаммаси ўз ёзувини қол-Дйрди.

Қорабалсағун ёдномаси туркий-рун, суғд, хитой тили ва ёзувида битилган. Хитой империясининг турк ҳоконлиги билан муносабатлари бизга яхши маълум. Айниқса, VIII асрнинг иккинчи ярмида туркийларнинг энг яқин дўсти хитойлар эди. Қадимий ўзаро муносабатлар Қорабалсағун ёдномасида ўз муҳрини қолдирди.

Шундай қилиб, илк битигларнинг ўқилиш принциплари аниқланди, бошқаларини кидириб топиш ва ўқиш ишлари бирмунча жонланди. Тошларга битилган ёзувларнинг тил, жуғрофий хусусиятлари ҳисобга олиниб, улар уч гуруҳга ажратилди: энасой битиглари, талас битиглари, урхун битиглари.

Энасой битиглари ҳозирги Тува ва Хакасия вилоятлари худудида кўпроқ учрайди. Бу ердан топилган битиглар юмалок, тўғри тўртбурчакли тошларга, айримлари эса қояларга, тангаларга, металлларга, олтин ва қумуш идишларга ёзилган. Энасой битиглари унчалик катта эмас. Тошнинг ҳажмига қараб қисқа-қисқа бир неча мисра битилган. Чамаси, булар дастлаб катта ҳажмда битилгану табиий офатлар, урушлар оқибатида ёмирилган. Кўпчилик ёдномаларнинг боши ёки охири йўқлиги шундан далолат беради. Эҳтимол дostonларнинг парчалари бўлиши мумкин. Лекин кичик ҳажмда сақланиб қолган бўлса ҳам, мазмуни кенг қамровли, бадиияти юксак. Энасой битиглари орасида энг каттаси Уйбат битиги бўлиб, тўрт юз белгидан иборат. Ҳозирги пайтда кўпроқ Энасой битиглари қўлга киритилмоқда. Балки бундан кейинги изланишлар энасой битигларининг илк хрлати қандай бўлганлигига аниқлик киритар.

1969 йилда совет қадимшунослари Энасой дарёсининг бошида, Минусинск яқинида ола-була расмлар чизилган еттита ёғоч тахтача топдилар. Тахтачалар қилич шаклида эди. Илмий сафар раҳбари, тарих фанлари доктори М. Грязнов расмларнинг жойлашишига қараб, уларни пиктографик (расмли) ёзув намуналари деб хулоса чиқарди. Қадимги энасойликлардан асрлар оша бйзга етиб келган бу мактубнинг мазмуни, топилган ёғоч «откретка»ларда нималар ифодалангани ҳозирча маъ-яум эмас.

Энасой битигтошлари 1877 йилда бери Минусинск музейида сақланиб келади. Кўпчилиги эса Қизил, Абакан ва Красноярск музейларида, Москвадаги Тарих музейида, Хельсинкидаги Миллий музейда. Бир қисми Хельсинкидан Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажига ҳамда Антропология ва этнография музейига келтирилган. Кейинги йиллардаги маълумотларга қараганда, жами 300дан ортиқ битигтошлар топилган.

Энасойдан топилган битигтошлар чиклар (туваларнинг ота-боболари), кирғизлар, хакас ва шорларнинг авлодларига мансуб бўлиб, Лена, Энасой дарёлари бўйларидан, Мўғулистондан топилган. Битиг матнлари насрий йўл билан ёзилган, аксарияти марсия (йиғи) жанрига мансуб. Битигларнинг бошланишида марҳумнинг исми, ҳаёти, у қатнашган урушлар, сўнгра яқинлари ва қариндош-уруғларининг қайғу-аламлари ифодаланади.

Урхун битиглари ҳажмининг катталиги, воқеаларни аниқ, тўлақонли акс эттириши жиҳатидан Талас ва энасой битигларидан ажралиб туради.

Урхун-энасой ёзувлари ҳақидаги маълумот фақат Оврупода эмас, балки Шарқда ҳам бор. Битиглар Оврупода туркий-рун ёзувлари номи билан юритилса, Шарқда дулбаржин деб аталган. Бу ҳақда машҳур филолог олим ибн Арабшоҳ (1389—1450) ўзининг «Ажойибулмақдур фи навойиби Таймур» (Темур фалокатларида; қисматнинг қизиқликлари) асарида шундай маълумот беради: «Хитойда уларнинг (яъни туркларнинг) дулбаржини номли ёзуви бор. Кўрдим, ҳарфи қирқ битта. Кўплигининг сабаби шундаки, улар товушларнинг қалин ва ингичкаларини, шунингдек, айиргичларни ҳарф ҳисоблайдилар, натижада қўшимча ҳарфлар пайдо бўлади». Аммо бу ёзувларнинг алифбосини ибн Арабшоҳ китобида келтирмаган.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликлар урхун алифбосидан ташқари, уйғур, қисман, монавий, брахмон, суғд ва сурёний ёзувларида ҳам битилгаи. Ёзма ёдгорликлар туркий халқларнинг маданий ҳаётида шубҳасиз катта роль ўйнаган. :

## УРХУН БИТИГТОШЛАРИ

Қадимги туркий битигтошларнинг урхун ёзувида битилган йирик намуналари қуйидагилар: Кул тигин **битиг-**

тоши, Билга хокон битигтоши, Тўнюқук битигтоши, Кули чур битигтоши, Моюн чур битигтоши.

Урхун дарёси бўйидан 1909 йилда яна бир йирик битигтош топилган. У Унгин битигтоши деб аталади. Битигтошнинг ўн икки сатри яхши сақланган, етти сатрида ўчиб кетган жойлари бор. Битигтошни биринчи марта В. В. Радлов немис тилига таржима қилган. Унинг Срикрича, битигтош Иккинчи турк хоконлигининг асосчи-  
<и Кутлуғ хокон ва унинг хотини Элбилга хотунга бағ-  
«шлаб ўрнатилган. Кутлуғ хокон 691 йилда вафот этган. Битигтошда туркий кўшинларининг Қапаған хокон, Билга ва Кул тигин бошчилигидаги курашлари ҳикоя қилинади.

Барча урхун битигтошларида бир умумий хусусият бор. Бўмин хокон битигтошларнинг бошланишидаёқ эсланади., Унинг турк давлатини барпо қилишдаги хизматлари алоҳида таъкидланади. Бу ота-боболар руҳини ёдга олиш, уларга ҳурмат бажо келтиришнинг бир намунасидир: «Ота-бобомиз Бўмин хокон тўрт тарафдаги халкни ушлаб турган, бирлаштирган, тебратиб, тинчитиб турган. У хон йўқ бўлгандан кейин давлат йўқолган, қўлдан чиққан, таркаб кетган» /УнгинД/.

Битигтош Қапаған хокон томонидан ўрнатилган. Энди йирик битигтошлар хақида алоҳида ҳикоя қиламиз.

### КУЛ ТИГИН БИТИГТОШИ

Кул тигин битигтоши Билга хокон битигтоши билан бир вақтда топилган, Билга хокон битигтошидан бир километр шимоли-шарқда. Унга шикаст етмаган, шунинг учун кўп тадқиқотчилар ўқиган ва кўплаб тилларга таржима қилган. В. Томсон урхун алифбосини Кул тигин битигтошига асосланиб аниқлаган. В. В. Радлов уни немис тилига таржима қилди. Сўнгра бу битигтошни турли тилларга таржима қилиш, нашр этиш ишлари билан П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, И. В. Стеблева шуғулландилар. Узбек олимларидан Абдурауф Фитрат, О. Шарафуддинов, А. Қаюмов, Т. Салимов, Ғ. Абдурахмонов, А. Рустамов кабиларнинг хизматлари катта.

Турк олимларининг бу соҳадаги ишлари ҳам диққатга сазовордир. Улар туркий халқлар орасида битигтош-

:ш | \ гт \$тш

тшшш >ш

дарни энг кўп ўрганганлар, яқин етмиш йилдан беш бу сбахда катта мактаб яратдилар. 1924 йилдан бери Нажиб Осим, Хусайн Уркун каби мархум олимлар, бугунги кунда Талъат Текин, Усмон Сартқоя, Мухаррам Эркинлар фаол меҳнат қилдилар.

Кул тигин битигтоши мармарга ўйилган, калинлиги Қйрқ бир сантиметр, баландлиги уч метр ўн беш сантиметр, туб қисмининг; калинлиги бир метр, йигирма тўрт сантиметр. У пастандан юқорига торайиб борган. Мармар тош ўртасида беш бурчакли қалқон шакли бор. Унга баландлиги олтмиш тўрт сантиметр, кенлиги қирқ сантиметр бўлган лавҳа ўйилган. Лавҳада архар сурати Ш-акшдеаиган. У ҳоконлик тамғасини билдиради. Орқа томонига битигтошнинг ўрнатилиш тарихи хитой ёзувида битилган. Унинг олд томонига қирқ сатр, ўнг ва чап томонига ўн уч сатрдан ёзув битилган. Қирраларининг биттасидаги ёзув бутунлай ўчиб кетган. Битигнинг бошқа жойларида ҳам ўчиб кетган жойлари бор.

В. В. Радлов дастлабки қирқ сатрни ва унинг давоми бўлган ўн тўрт сатрни «Улуғ битиг», чап ёнидаги ўн уч сатрни эса кичик битиг деб белгиллаган. Мазмунан бундай ажратиш мос келади. Кичик битиг деб белгиланган матн муқаддимани эслатади.

1958 йилда чех қадимшуноси П. Игесл раҳбарлигидагимўғул-чех экспедицияси археологик қазишмалар пайтида икки хайкалча топдилар. Булар Кул тигин ва унинг хотини тасвири эди. Кул тигин хайкалчасининг бош қисмида чўл бургутини эслатувчи тасвир бор. Бургут қадимги туркийларда ҳоконлик рамзидир. Рамзий тасвир фақат лашқарбоши ва ҳоконларга ўрнатилган ёдгорликларда учрайди. Кул тигин битигида асосий воқеалар ва шахслар тарихий. Битигтошни Кул тигинининг жияни Йўллиғ тигин ёзган. У ўз даврининг талантили ижодкори эди.

Мармар тошга ёзишнинг ўзи ҳам алоҳида санъатдир. Учи ўткир асбоб ёзув қуроли вазифасини бажарган. Йўллиғ тигин бу соҳада ҳам етук мутахассис эканлигини кўрсатди. Битигтошни тарошлаш, лавҳа ўрнатиш ишларини Хитой усталари бажарган, ўйиб ёзиш ишларини эса йўллиғ тигин ижро этган.

Битигтрш Кул тигиннинг акаси Билга ҳоконнинг кўр-йатмаси билан ёзилган. Кичик битиг Билга ҳоконнинг

ока-иниларига, қариндош-уруғларига, халққа, юксак мйртабали беклар ва вазирларга қилган мурожаати, тахтга ўтиришини хикоя қилиш билан бошланади. Турк ҳоконлигида яшаган халқлар аҳволи, иктисодий турмуши, давлат бошлиқлари маънавий олами Йўллиғ тигиннинг'диккат марказида бўлади. У Билга ҳоконнинг тўрт тарафдаги халқни бирлаштириб, қудратли давлат барпо қилганлигига. ростмана баҳо беради.

Билга ҳокон бутун турк халқига мурожаат этар экан, халқниНг тадбиркор йўлбошчиси, доимо халқ ғам-ташвишида яшайдиган давлат бошлиғи сифатида намоён бўлади. Унинг энг олий мақсади турк халқини пароканда бўлишдан сақлаб қолиш, қабилалар ўртасидаги ёвузликка барҳам беришдир. Билга ҳоконнинг тадбиркорлиги, саъй-ҳаракатлари туфайли илгари бир-бирига ёвуз бўлган халқлар дўстлашди.

Унинг яна бир орзуси мамлакатни ягона қўл остига бирлаштириш, Жангар сингари ҳоконлар пароканда қилган қабилаларнинг бошини қовуштириш, қудратли хоқошқ барпо қилиш эди. Орзуси амалга ошди: «Фалакдаё худодан бўлган турк доно ҳокони бу дунёга келдим. Сўзимни тугал эшитгин, кейинимдаги ини, жияним, ўғилларим, иттифок уруғим, халқим, ўнгдаги шадипит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диккат қилиб тингла! Олдинга — кунчиқарга, ўнгга — жанубга, орқага — кунботарга, чапга — шимолгача бўлган ер ичидаги халқ менга қарайди. Шунча халқни мамнун қилдим. У энди ёвуз эмас» (Ктк, 1—3).<sup>1</sup>

Халқни бирлаштириш учун ҳамма даврда ҳам доно, тадбиркор раҳбар муқаррар. Бу ғоя кичик ёдномада батафсил ўз ифодасини топган.

Турк халқи пароканда бўлмаслиги учун Утукан ерига ўрнашиши керак. Утукан — бу туркийлар давлатининг маркази. Халқ ана шу марказга бирлашувлари, бошбошдоклик, парокандаликка чек қўймоқлари лозим. Шунда элнинг ҳеч қандай ташвиши бўлмайди, деб ўқтирилади ёдномада.

<sup>1</sup> Ктк — Кул тигин кичик битигтоши» Бу» ёдномадан олинган парчадан сўнг Ктк, сўнгра мисранинг тартиб"раками келтирилади (Мух.)

Утукан нафақат давлат маркази, балки ернинг маркази ҳамдир. Оламнинг бир учи худди шу Утукандан бошланган. Туркийларнинг тасавури шундай. Ана/шу ернинг маркази мустаҳкам бўлса, туркийлар ватани/ҳам абадий. Мамлакатни абадий сақлаб қолиш учун/ эса «Утукан ерига карвон юбориб туриш керак. Кейин/элда ҳеч қандай ташвиш бўлмайди. Утукан йишни манзил қилсанг, эй турк халқи, мангу давлатни сақлаб туражаксан» (Ктк, 8), деб уқтиради Билга хокон ўз халқига. Карвон қабилаларнинг бир-бири билан алоқа қилишини англатади.

Ватар туйғуси Билга хоконда жуда юксак. У турк халқининг ватани абадий бўлиши учун курашади. Ватанни сақлаб қолиш фақат хоконнинг ўзига эмас, халққа ҳам боғлиқ. Аждодларнинг ютуқларию хатоси буни тасдиқлайди. Халқ ўз хоконининг йўл-йўриқларини амалга ошириши лозим, акс ҳолда унинг бошига кўп кулфатлар келади. Ута ишонувчан бўлмаслик, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилгандан кейин иш юритиш керак. Самимийлик билан ёлғонни фарқлай билиш керак. Самимийликнинг остида кўпинча ёлғон бўлади. Қаттиқ гапирган, қаттиққўл хокон; ўз халқига ёмонликни раво кўрмайди. Одамни ажрата билмай, тўқис ишонувчан бўлса, фожиага йўл очилади, дарбадарлик шундан бошланади: «Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан, самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танитайсан. Ушандайлигинг учун тарбият қилган хоконингнинг сўзини олмайин, ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлаёй ғойиб бўлдинг, номнишонсиз кетдинг. Уша ерда қолганинг ҳар жойда зўрға ўлиб-тирилиб юрган эдинг» (Ктк, 8—9).

Истеъдодли Билга хокон дарбадар халқни бир ерга тўплади. У, хокон бўлиб ўтиргач, «Иўк, қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғазди. Қашшоқ халқни бой қилди, оз халқни кўпайтирди» (Ктк, 10).

Халқ, давлат манфаати учун Билга хокон табғачлар<sup>1</sup> билан мурасага келди. Илгари бошқа хоконлар пайти-

да мурасага «рози» бўлган табғачларнинг хийласини Билга хокон эсдан чиқармаган эди.

Ёвуз одамлар табиатан уддабуронларга, ўхшаб кетадилар. Табғачлар ҳам шундай эди. Улар уддабуронликлари туфайли ҳар хил йўллар билан турк халқини алдадилар. Узоқ вақт туркийларни асоратда ушлаб турдилар. Билга хокон ёвузлик билан яхшиликнинг фарқига бормоқлик лозимлигини уқтиради. Утмишни халққа эслатиб қўяди. Ёвузлик билан яхшиликнинг фарқига -бормаган турк халқи яна кафангадо бўлди, табғачларнинг ширин сўзи уларга жуда қимматга тушди: «Олтин, қумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган табғач халқининг сўзи ширин, ипаги нафис экан. Ширин сўзи, ипаги билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яқин қўшни бўлгандан кейин ёвуз илми у ерда ўрганар экан. Яхши ва доно, баҳодир кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруғи, халқи, ёпинчиғига қўймас экан. Ширин сўзига, нафис ипагига, алданиб, эй турк халқи, ўлдинг. Эй турк халқи, айриминг жанубга Чуғай йишга, Тўг, Элтан чўлига манзил қилай десанг, турк халқининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиқлар экан: йироқ бўлса ёмон ипак беради, яқин одам бўлса, яхши ипак беради.. Эй илм •билмас киши, у сўзга ишониб, яқин^бориб, кўпинг ўлдинг» (Ктк, 5—7).

Яхши ипакка эга бўлиш умидида табғачларга яқинлашдилдр. (Хитой ипаги ўша пайтда олтин ўрнида юрган — Н. Р.). Халқ феъл-атвори сабабли турли томонга тарқаб кетишга мажбур бўлди. Билга хокон тахтга ўтиргандан сўнггина турк халқи «оёққа турди».

Билга мамлакатнинг мустаҳкам, осойишта бўлиши — халқнинг моддий фаровонлигига боғлиқ, халқнинг фаровонлигини таъминлаш эса, давлат бошлиғининг бурчи, деб билади. Айниқса, у бойликка ҳирс қўйишни қаттиқ қоралайди. Бойликка ҳирс қўйгани учун ҳам баъзи хоконлар, беклар халқни боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Жангар бунга яхши мисол. Шундай бекларга қарата «қўзига мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар», дейди.

Билга бек ва хоконларга рўйи-рост баҳо берди: «Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим.

<sup>1</sup> Биз аввал Табғач давлати туркларники эканлигини айтган эдик. VII—VIII асрларда ўша даврдаги Табғач давлати худуди Хитой империясига ўтиб кетди. Энди Табғач деганда туркийлар Хитойни тушунадиган бўлиб қолдилар. (Мух.).

Адашиб айрилганингизни ҳам бу ерда ёздим» (Ктк,12).

Кичик битиг охирида «мангу тош»нинг ўрнатилиш? сабаблари, унга Билга хоқон «кўнгилдаги сўз»ларинг битганини айтади, шу билан кичик битиг тамом бўлади. Кичик битигни Билга хоқоннинг турк халқига қарата айтган, чуқур лиризм билан суғорилган юрак сўзлар деб айтиш мумкин.

Битигтошда хикоячи Билга хоқоннинг ахвол-руҳияси, тарихий воқеаларга муносабатидан катта битигда қандай воқеалар ҳақида сўз кетишини тасаввур қиламиз.

Битигтош Кул тигин шарафига қўйилган бўлса-да, муаллиф фақат Кул тигиннинг ҳарбий жасоратини мадҳ қилишни, уни кўкларга кўтариб макташни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Турк хоқонлигидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, халқ билан давлат бошлиқлари ўртасидаги муносабат, давлатни бошқаришда хоқонларнинг лаёқати катта битигнинг асосий мавзудир. Халқ ва давлат тақдири хикоячининг диққат марказида туради.

Катта битиг биринчи турк хоқонлари Бумин ва Истамиларнинг тахтга ўтиришини хикоя қилиш билан\* бошланади. Ер юзида биринчи бўлиб иккала хоқон ва\* турк халқи пайдо бўлган, деган тасаввур бўртиб кўрилади. Туркийлар шундай деб ўйлаганлар. Йўллик тигин бу асотирни ёдномага олиб кирган. Мақсад эса туркийлар ўтмиши жуда узокда эди, демоқчи. Йўллик тигин шу даврдаги адабий жараёндан яхши хабардор бўлган, қўшни халқлар, хусусан, Хитой адабиёти, туркий: мифологияни яхши билган. Мана ўша парча: «Юқорида кўк осмон, пастда қора ер қилинганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яралган. Инсон болалари устидан ота-бобом Бўмин хоқон, Истами хоқонлар тахтга ўтирганлар. Улар тахтга ўтириб, турк халқининг давлатини, расм-русумини тутиб турганлар, риюя қилиб\* турганлар» (Кту, 1—2).

Йўллик тигин турк халқининг адолатли, тадбиркор хоқонлари Бўмин ва Истамини афсонавий-эпик руҳдас-вирлаб, идеал хоқон образини яратди. Бўмин ва Истами турк давлатининг асосчиларидир. Улар хоқон бўлиб тахтга ўтирганларидан кейин лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халқни бирлаштириб, қудратли давлат-барпо қилишга эришганлар. Муаллифнинг таърифича,,

Бўмин ва Истами ўз даврининг етук кишилари, вазирлари ҳам ажойиб фазилат эгалари: «Қадирқан ва Темир дарвозанинг орасида хўжайинсиз (яъни ҳеч кимга тобе бўлмай), танобсиз (чекланмаган) ерга эга бўлиб, асл турк шу тарзда яшар экан, хоқони баҳодир экан, вазирлари ҳам доно, ботир бўлган бўлиши керак. Беклари ҳам, халқи ҳам тўғри экан. Давлатни шу хилда тутгая», давлатни тутиб, расм-русумни ҳам адо этганлар, ўзлари ҳам қонун-қоидага амал қилганлар, кейин вафот этганлар» (Кту, 3—4).

Халқ билан хоқонларнинг ўзаро муносабати, хоқонларнинг халқ олдидagi хизмати ёдномага махсус айтилмасам ҳам, ўз даврида Бўмин ва Истами катта мавқега эга бўлганлар. Қонун — қоидага, аввало, ўзлари амал қилиб, халққа ўрнак бўлганлар.

Нафақат туркий халқлар орасида, балки қўшни мамлакатларда ҳам Бўмин ва Истамининг мавқеи баланд эди. Шунинг учун ҳам улар вафот этганда!, «азачи, йиғичилар шарқдан-қунчиқардан Бўкли чўлилик эл, Табғач, Тибет, Авар, Пурум, Қирғиз, Уч Қуриқан, Утз татар, Қитан, Татаби — шунча халқ келиб йиғлаган, аза тутган» (Ктк, 4).

Кейинги воқеалар Бўмин ва Истамидан сўнг тахтга ўтирган хоқонлар ҳақида. Муаллиф Йўллик тигин бу хоқонларга тўғри баҳо беради, улар Бўмин ва Истамининг бутунлай акси: Қўркоқ, журъатсиз, жоҳил хоқон ўрнашган мамлакатда инсоф, диёнат кўтарилади. Турк халқи хийлагар табғачларнинг ширин сўзларига алданиб, мамлакатни қўлдан берди. Бу фожиага ана шу жоҳил хоқонлар сабабчидир. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг яктанлиги хоқоннинг билим ва заковати-га боғлиқ. Жоҳиллик ва билимсизлик билан бошқарилган мамлакатнинг халқи охири бориб қул бўлади, ўз-лигини унутади. Турк халқи бошига тушган фожиани аввалига пайқамадилар. Кейин хоқонлар уларни қайси йўлга бошлаганини сезиб қолдилар, аммо гишт қолипдан кўчган эди: «Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув кизи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлаб, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонига қарам.бўлди» (Кту, 7). Тўба давлати хоқонлари биринчи\*бўлиб фожиага йўл очган эдилар. Кейинги баъзи бир

саждагуй хоконлар зидиятни яна хам чукурлаштирдилар.

Эллик йил табғачлар зулми остида яшаган, бутув куч-куватидан айрилган турк халки аста-секин уйғониб, ўзлигини англай бошлади. «Ширин сўзлар» уларга жуда қимматга тушганлигини фаҳмлаб қолдилар. Энг аввалги бой берилган мамлакатни тиклаш истаги пайдо бўлди. Исёнкор рух уларга тинчлик бермай қўйди. «Давлатли халқ эдим. Давлатим; энди қани? Кимга давлатни эгаллаб беряпман? Хоконли халқ эдим, хоконим қани? Қайси хоконга меҳнатимни, кучимни сарф қиляпман? — деб табғач хоконига қарши кўзгала бошлабди». Исёндан наф бўлмади. Бир томондан, хали вазият етилмаган, иккинчи томондан, аввал «ширинсухан» бўлган табғачлар очикчасига ваҳшийлашиб кетдилар. Уларнинг шафқатсизлигини яна шунда кўриш мумкинки, Йўллик тигиннинг ёзишича, «табғачлар турк халқини ўлдирайин, бирорга хам уруғини қолдирмайин деб уни йўқотиб бораётган экан.»

Турк халқига ер-сув мадад берди. «Турк халқни йўқ бўлмасин, халқ бўлсин» деб, Тангри Элтариш хоконни, Элбилга хотундек қахрамонларни юборди. Улар эзиллиб, йўқликка юз тутган турк халқига раҳнамолик қилдилар, халқни ўз орқасидан эргаширдилар.

Элтариш хокон-турк халқининг миллий қахрамони Зотан, халқпарвар йўлбошчиларнинг зодагонлардан эмас, айнан оддий халқ орасидан чиқиши айна ҳақиқат. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Элтариш Бўмин ва Истами сингари тадбиркор, айна пайтда жасур шахс. У ўзига душман бўлган Баз хоконлигини, тўққиз хокон вафот этганда, унинг қабрига биринчи бўлиб Баз қахрамон йўлбошчиларнинг ишини тутди. Элтариш ўғуз қабиласини бўйсундирди. Уларга фақат душманлик кўзи билан қарамай, балки ўзига эл қилди, хақикий; хоконининг балбали тикилди.

Йўллик тигин турк халқининг фожиаларига барҳам бериш, уларни озодликка олиб чиқишда Билга хоконнинг фаолиятига юксак баҳо берди. Билга хокон туркий қабилаларни фақат бирлаштирибгина қолмай, очьяланғоч халқни тўйдирди. Унинг замонида «кул қулга эга бўлган эди, чўри чўрига эга бўлган эди». Зотағк, куллик туркийларга қандай фожиалар келтирганинж

жўрдик. Энди қулнинг қулга эга бўлиши нимаси? Одамлар бойиди, ўзи қул, чўри бўлган одамлар хизматкор • сллаш даражасига етди.

Умум манфаати учун кураш, акаси Билга хокон каби, Кул тигиннинг хам эзгу нияти эди. У бу йўлда бутун кучини аямади. Илгари қўшинга Тўнюқуқ бошчилик қилар эди. У қариди. Кул тигин ва Билга хокон тахтни қўлга олган пайтда (716 йил), у етмиш ёшда эди. Хоконликни қутқариб қолиш Кул тигиннинг зиммасига тушди.

Ёдноманинг 30-мисрасидан бошлаб Кул тигин ҳақида сўз кетади. Йўллик тигин Кул тигинни фақат мадх қилибгина қолмай, унинг жасурлигини далиллар орқали кўрсатади.

Едномада айтилишича, Кул тигин—жасур лашкарбоши, халқ манфаати учун жонини хам аямайдиган қахрамон. Халқни ўз орқасидан эргашира олишдек қийин, шарафли ишни Кул тигин ўз зиммасига олди. Қабилалар ўртасидаги ўзаро урушларга барҳам берди.

Йўллик тигин Кул тигиннинг қахрамонлиги тафсилотиин жуда пухта ўрганган. Эҳтимол, ўзи хам шу жангларда иштирок этган бўлиши мумкин. Кул тигин неча ёшда қай пайтда қайси қабиллага хужум қилди, ёки қайси тоғдап ошиб ўтди — ҳаммаси ўз ифодасини топган. /Қапги кўзи билан кўрмаган одам бунчалик аниқлик билан ёза олмайди.

Билга хокон турк халқни чеккан барча азоб-уқубатларни эслатиб тураркан, бу фожиаларни бартараф қилиб турк халқини озодликка олиб чиқишда, мамлакатни бирлаштириб, қудратли давлат барпо этишда Кул тигин кўп иш қилганига алоҳида урғу беради. Айниқса, аз, қарлуқ, изгил халқларини бўйсундиришда Кул тигиннинг жасорати алоҳида ўлуғланади. Бир мисол: 715 йилда изгил, адиз, тўққиз ўғуз қабилалари хоконликни қўлга олиш учун курашаётган, уларнинг қўли анча баланд эди. Айниқса, тўққиз ўғуз халқи хоконлик учун жуда хавфли эди. Кул тигин бошчилик қилаётган навкар шундай жанг қилдики, ҳатто изгил халқидан номнишон қолмади. Аммо тўққиз ўғузларни енгиш қийин бўлди.

Кул тигиннинг муваффақиятидан хам хурсанд бўлган, хам унга ҳасад қилган Қапаған хокон қўшинта

бошчилик килиб, тўққиз ўғузларга қарши юриш бош-лади. Кул тигинга ўзини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Кул тигин эса қароргоҳни ва у ердаги болалар, аёлларни қўриқлаш учун қолди. Бундан хабар топган қарлуқлар, қароргоҳни эгаллаш пайти келди, деб ўйладилар. Қароргоҳга қарлуқларнинг бир қисм навқари хужум қилди. Кул тигин бу олишувда шуидай қахрамонлик кўрсатдики, ёдномада айтилишича, бир ҳамла билан тўққиз жангчига бирданига найза урди ва ўрдани саклаб қолди.

Кул тигин қайси отни миниб жангга кирди, қандай килиб уришди — муаллиф жуда аниқ баён қилади. Масалан, Тамғидук башда қарлуқлар билан бўлган жангни шундай тасвирлайди: «Кул тигин ўша жангда ўттиз-яшар эди. Алп Шалчининг оқ отини миниб отилди хужум қилди. Икки эрни бирин-кетин килиб санчди. Қарлуқни ўлдирдик, қўлга олдик. Аз халқи душман бўлди. Қора қўлда жанг қилдик. Кул тигин ўттиз бир яшар эди. Алп Шалчининг оқ отини миниб, отилиб хужум қилди. Аз Элтабарни қўлга туширди. Аз халқи ўшанда йўқ бўлди. Амаким хоконнинг дағолати заиф бўлганда, халқ ўлиб қасал бўлиб турганда, изгил халқи билан жанг қилдик. Кул тигин алп Шалчининг оқ отини миниб, отилиб хужум қилди» (Кту, 42—43).

731 йилда Кул тигин ҳалок бўлди. Кул тигиннинг ҳалокати бутун турк халқи учун қатта йўқотиш эди: «Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, ҳамма тиригингиз чўри бўлиб, ўлигингиз вайронада, ўзингиз чўлу биёбонда ётиб қолар эдингиз! Кул тигин бўлмаса, бутунлай ўлар эдиётиз. Иним Кул тигин вафот этди. Узим алам чекдим. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди. Дунёни тангри ясайди. Инсон боласи ҳаммаси ўладиган килиб яратилган. Шунчалик алам тортидими, кўзга ёш келганда, кўнгилдан йиғи келганда азоб торттиб, қайта қайғурдим. Икки шад, кейинги ини, жияним, болам, беқларимнинг, халқимнинг кўзи-қоши ёмон бўлади, деб ўйладим» (Кту; 49—51).

Кул тигиннинг дафн маросимида кўп қўшни мамлакатлардан одам келди. Бобоси Бўмин сингари унинг жасурлиги бутун оламга таралган эди. «Азачи, йиғичи, қитан, татаби халқини бошлаб Удар сангун келди.

"Габғач хокондан Исйи, Ликанг келди. Бир туман ипак, юлтин, кумушни ортиқча келтирди. Тубут (Тибет) хоконидан булунг (олий мартабали шахс) келди. Жанубдан кунботардаги Суғд мухожирлари, Буқарак (Бухоро) улусидан Нанг сангун, Уғул тархон келди. Турғаш хоконидан Мақарач тамғачи, Уғуз билга тамғачи келди. Қирғиз хоконидан тардуш Инанчу чур келди. Нақши битигтош ясовчи, бинокор уста Табғач хоконнинг сангтароши Чанг сангун келди» (Кту, 53). Кул тигиннинг вафоти санаси шундай: «Кул тигин қўй йилида ўн еттинчи кунда учди. Тўққизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини Маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттисида бутунлай тугатдик. Кул тигин қирк етти ёшида вафот этди» (Кту, 53). Бизнинг сана бўйича 731 йилнинг 27 феввали. Кул тигин вафотидан кейин 3 ой ўтгач, 731 йилнинг май ойида Билга хокон Хитой императори Ўюан Цзунга мурожаат этиб, Кул тигиннинг суратини, битигтош ясовчи усталар жўнатишни илтимос қилди. Унинг илтимоси қондирилиб, Чжон Цой ва Лю Сян битигтошдаги Исйи ва Ликанг) келиб 732 йилнинг августига битигтошни ўрнатиб бўлдилар.

## БИЛГА ХОҚОН БИТИГТОШИ

Билга хокон битигтошининг баландлиги уч метр қирк сантиметр, кенлиги бир метр етмиш тўрт сантиметр, қалинлиги етмиш икки сантиметр. Бу битигтош Мазмуни ва ифода услубига кўра Кул тигин битигтошига яқин туради.

Билга хокон битигтоши Кул тигин битигтошидан бир километр жануби-ғарбга ўрпатилган бўлиб, иккови бир йилда иплгап. Билга хокон битигининг наشري ва таржималари Кул тигинники билан бирга амалга оширилган. Битигтош саксон сатр. Қирк бир сатри тошнинг тарошланган икки қиррасига, етти сатри орқа томонига — хитойча ёзувли томонига битилган.

Билга хокон кичик битигининг биринчи-еттинчи сатрлари билан Кул тигин кичик битигининг биринчи-еттинчи сатрлари айнан ўхшаш. Билга хокон улуг Битигининг учинчи-йигирма учинчи сатрлари билан Кул



тигин улуғ битигининг биринчи-ўттинчи сатрлари ҳам айнан такрордир.

Бу битигтошни ҳам Йўллиғ тигин ёзган. Битигтош ағдарилиб уч бўлакка бўлинган ва анча зарар кўрган. Шунинг учун кўпгина мисраларнинг мазмуни унчалик тушунарли эмас.

Битигтош Билга хоқоннинг тахтга ўтиришини ҳикоя қилиш билан бошланади. У тахтга ўтиргач, Билга (Донно) хоқон номини олди. Унинг тахтга ўтиришидан халқ ҳам, турк беклари ҳам хурсанд бўлдилар. Билга хоқон ҳокимият бошига ўтиргач, **кичик давлатларни бирлаштириб** кенгайтди. Кейинги воқеаларда Билга хоқоннинг туркий қабилалар душманларига қарши олиб борган курашлари баён қилинади. Худди Кул тигин битигтошидаги каби, қай вақтда ва қай ҳолатда кимларга ҳужум қилганлиги аниқлик билан тасвирланади.

Билга хоқон саройда хизмат қилиб юрган пайтда, ўн етти ёшдалигида навқарларга бошчилик қилиб тангутларга лашкар тортди. Тангут қабиласини енгиб асир олди, мол-мулкни қўлга киритди. Ун саккиз ёшида Алти чуб (олти вилоят) суғд томонга қўшин тертиб, уларни ҳам тор-мор қилди. Табғачлар эса турк қўшинларига қарши беш туман (эллик минг) қўшин тортиб ҳужум қилиб келди. Идар бошда жанг қилиб, табғач қўшинини тор-мор қилди. Йигирма ёшлигида басмиллар идикут халқини айнитиб, турк хоқонига солиқ тўламанглар, деди. Билга хоқон уруш қилиб, уларни яна бўйсундирди. Йигирма икки ёшда экан, табғачлар яна қўзғалиб қолдилар. Уларга қарши лашкар тортди. Чача сангуннинг саккиз туманлик (саксон минг) лашкари билан уруш қилди, уларни яна тор-мор қилди. Энди чик ва қирғиз қабилалари ҳам турк халқига қарши қўзғалди. Билга хоқон йигирма олти еШЙдо к<.»<sub>и</sub> м<sub>ч</sub>г<sub>с</sub>~— кечиб ўтиб, қирғизларга лашкар тортди ва бир кечада тор-мор қилди. Шу йили тургаш қабиласини ҳам бўйсундириб олди.

Бошқа қабилалар — қарлуқлар, тўққиз ўғуз беклари турк хоқонига бўйсунмай, бегоналашиб кетди. Улар аввалги урушлардан сабоқ чиқармаган эдилар. Уғузларга қарши қўшин тортиб йўлга чиққанда, бир ҳодиса юз берди. Бу пайтда лашкарнинг ярми йўлга чнққан, ярми қароргоҳда эди. Аҳволдан хабардор бўлган ўғуз-

лар иккига бўлиниб, ярми йўлдаги қўшинга, ярми эсаз уйда қолган қўшинга ҳужум қилди. Лекин урушларда? тажриба орттирган Билга хоқон қўшини уларга зарба берди. Аммо бутунлай тор-мор қилолмади. «Тангри ёрлақгани учун, мен муваффақият қозонганим учун турк халқи ғалаба қилди, чоғи. Мен томондан-ку давлат бундай бошқарилмаса, турк халқи ўлажак эди, йўк бўлажак эди» (Бх, 33). Аммо ёдномада Билга хоқон хақида айтилганлар тарихий далилларга мос келади. Хақиқатан, ҳукумат бошлиғи давлатни адолатли бошқарса, халқ фаровон яшайди. Билга хоқон шундай йўл тутди, курашди.

Кейинги даврларда яратилган «Қутағу билиг» (XI аср) ва «Ҳибатул-хақойиқ» (XIII аср) асарларига назар ташласак, Билга хоқон сингари адолатпарвар шоҳлар ҳақида ўқиймиз. Қадимги туркий ёдномаларда акс этган тўғри йўл шарқ адабиётида тадрижий равишда ривожланиб борди. Подшоҳ адолатли бўлмайди, адолатли одам подшоҳ бўлмайди, деган ақидалар тарихдан қўз юмиб айтилганини энди тушуниб етдик. Чунки бундай хоқонларнинг хизматлари умуман тилга олинмас эди.

Битигтошнинг сўнгги мисраларида Билга хоқоннинг ўз халқига қилган насиҳатлари акс этган: халқ хоқонидан, ер-сувидан (яъни ватанидан) айрилмаса, эзгулик кўради, бахтли, беташвиш яшайди.

Билга хоқон битигтошини ҳам Хитой усталари ўрнатган. Битигтош охирида эса унинг муаллифи Йўллиғ тигиннинг исми келтирилган. Охириги тўрт мисрада ўчиб кетган жойлари бор, мазмуни ҳам тушунарсиз.

Билга хоқонни 734 йилда ўз яқинларидан бири захарлаб ўлдиради. Ундан кейин тахтга ўғиллари Ичан хоқон (734—739) ва Тангри хоқон (740—741) ўтирдилар. Улар ҳам отасининг йўлидан бордилар. Охириги хоқон Тангри ҳам ўз амакиси Қутлуғ ябғу томонидан захарлаб ўлдирилди, шундан кейин турк хоқонлиги таназзулга учрай бошлади. 745 йилга келиб «Кўк турклар» ҳокимияти тугаб, ўрнига уйғур хоқонлиги келиб юз йилга яқин (840 йилгача) ҳукм сурди.

Билга хоқоннинг вафоти санаси битигтошда қуйидагича кўрсатилган: «Отам хоқон ит йили ўнинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафн маросимини қилдирдим»

<Бх, 80). Ит йили 734 йилнинг ўнинчи оyi, йигирма олтиси ноябрнинг йигирма олтинчисига тўғри келади.

## ТҮНЮҚУҚ БИТИГТОШИ

Тўнюқуқ битигтоши Иккинчи турк хоқонлигига асос «солган Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тўнюқуққа бағишланиб, 712—716 йилларда ўйиб ёзилган. Тўнюқуқ бу битигни ўзи ҳаётлигида ёздирган. Бу шахс Хитой йилномаларида Юанчжен деган ном билан юритилган.

Битигтош Улан-Батордан олти километр жануби-шарқдаги Баин Цокто манзилидан топилган ва ҳозир ҳам ўша ерда сақланади. Олтимиш икки сатрли •биғ жануб ва шимол томонларига бир-бирига қаратиб қўйилган иккита тўрт қиррали тош устунга юқоридан пастга қаратиб ёзилган. Жанубдаги тош устуннинг •баландлиги бир юз етмиш сантиметр, шимолдагиси икки юз олтимиш сантиметр. Битигтошни Елизавета Клеменц 1897 йилда Шимолий Мўғулистон илмий сафарига борганда топган.

Тўнюқуқ битигтоши Кул тигин -ва Билга хоқон битигтошидан мазмун жиҳатдан фарқ қилади.

Битигтошда туркийларнинг душман қабилаларга қарши кураши, Тўнюқуқнинг халқ олдидаги хизматлари хикоя қилинади. Битигтош Тўнюқуқнинг табғач элида (Хитойда) тарбия топгани ва туркий қабилаларнинг табғачларга қарам бўлганини хикоя қилиш билан бошланади: «Билга Тўнюқуқ, мен ўзим Табғач давлатида тарбияландим, турк халқи Табғачга қарар эди».

Тўнюқуқнинг ушбу хабари остида қуйидагича тарихий воқеа ётади: Тўнюқуқ турк зодагонларининг табғач императори саройида гаров сифатида ушлаб турилган ўғилларидан бири эди. Бундай кишиларга улар хитрийча ном берар, хитойча ўқитар ва хитойпарастлик руҳида тарбия қилар эдилар. Тўнюқуқнинг хитойча номи Юанчжен ҳам хитойпарастлик сабабли қўйилган эди. Юанчжен Тўнюқуқ сўзининг хитойча айнан таржимаси бўлиб, «тўнғич жавҳар» деган маънодадир.

Тўнюқуқ нуфузи жиҳатидан Ашин уруғидан кейин иккинчи ўринда турадиган Ашида уруғидан эди (Кул тигин ва Билга хоқон эса Ашин уруғидан эди). У Хитой

ишдонларида ҳам ётди, лекин кейинчалик саройда ишонч қозониб, босиб олинган жойларга хизматга юборилди, сўнгра у Хитой империясига қарши бош кўтарган Қутлуғ томонга ўтиб, унинг маслаҳатчисига айланди..

Тўнюқуқ ёдномаси фақат Тўнюқуқнинг ўзи билан боғлиқ воқеаларни қайд қилиб қўя қолмайди. Битигтошда (>)алсафий рух ҳукмрон. Ватан тушунчаси, ватанпарварлик ва эрк ғоялари асосий ўрин тутади. Зота» эрн РОЯСй бутун турк халқининг энг муқаддас, ардоқли гуйруси эди. Тўнюқуқдек доно одамлар хоқонлар билан ёнма -II туриб, халқни эрк сари етакладилар. Ёдномалиш (>)алсафий руҳда яратилишига Тўнюқуқнинг ўзи сабабчи. Тўнюқуқ шахс сифатида ҳам, хизмат мавқеа жиҳатидан ҳам бошқа битиг қаҳрамонларидан фарқланади.

Ёдномлада Тўнюқуқнинг шахсияти ёрқин кўриниб гуради. У уч хоқоннинг— • Иккинчи турк хоқонлигининг асосчиси Элтариш, ундан кейин тахтга ўтирган Қапагап ва Билга хоқоннинг маслаҳатчиси, айни пайтда с:||жардалиқ лавозимини ҳам эгаллаган эди. Хизмат мавқеа Тўнюқуқдан юқсак тадбиркорликни талаб қилар^ айни пайтда чуқур эътиқодни шакллантирган эди. Унинг юяси — Ватанни химоя қилиш, халқнинг фаровон, эрқин яшаши учун курашдир. Ана шу ғоялар йўлида Тўнюқуқ тинмай курашди. Ёдноманинг дастлабки мисраларида нафақат Тўнюқуқнинг, балки эрк, **муस्ताқил**лик учун курашган бутун турк халқининг армону изтироблари баён қилинади. Эрксизлик халқни оғир фожиаларга, хатто бутунлай йўқликка юз тутишига олиб кел Шпини доно маслаҳатчи Тўнюқуқ ўша пайтдаёқ айтган экан: «Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Таслим бўлгани учун тангри «ўл!» деган шекилли, турк халқи улди, тугади, йўқ бўлди. Турк халқи ерида бирор уруғ қолмади. Чакалак орасида қолгани тўпланиб етти к>з нафар бўлди» (Тўн., 3—4). Уз хонини қўйиб табғач хоқонига сажда қилгани тангрига ҳам хуш келмади. Уларни хар томонга тарқатиб юборди.

Ёдномда Тўнюқуқнинг ўзи томонидан ёздирилгани учун, у ўзи кўрган, бевосита иштирок этган воқеалар ҳақида сўз юритади. Кул тигин, Билга хоқон ёдномалари сингари, Тўнюқуқ ёдномасида афсонавий-эпик рух йўқ. Шунинг учун бу ёдномани мемуар жанрининг илк

здамунаси деб эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. У мемуар жанри талабларига тўлиқ жавоб беради. Турк халқининг алам-изтиробларини, қайғу-шодликларини ўз кўзи билан кўрган, синчиклаб кузатган Тўнюқук гоҳ мохир лашкарбоши, гоҳ қобилятли қалам соҳиби бўлиб гавдаланади. Шунда ҳам шох, ҳам ижодкор Бобур ва унинг «Бобурнома»си кўз ўнгимизга келади.

Тўнюқук шундай мақсадни ўз олдига қўйган: эркиндик тилаган билан унинг ўзи келмайди. Эркинлик тангрининг марҳамати эмас. У халқнинг шундай фарзандидирки, кураш суронларида, ўлим машаққатларида туғилади, қон билан ювилади. У эркинликни ҳақиқат деб билади, шунинг учун аввалги — 630 йилдан илгариги ота-боболари асос солган турк хоқонлигини тиклаш билан эркинликка йўл очилишига ишонади. Ёдноманинг ҳар бир мисрасида ана шу хикматнинг инъикосини кўрамиз. Эрк улар учун қанчалик машаққатлар эвазига келганини, бунинг учун бутун турк халқи жон фидо қилишга тайёр бўлганига гувоҳ бўлаемиз. Қолаверса, жанговар туркийлар, Тўнюқукдек мохир лашкарбошилар хоқонликни ана шундай оғир вазиятдан олиб чиққан. Эркин яшамоқчи бўлган ҳар бир халқ ўзи ким эканлигини англаб олиши, ташқаридан бўладиган ҳужумларга доимо шай туриши керак, деб уқтиради Тўнюқук.

Душманлар Тўнюқукка фақат муҳолиф сифатида қарамайдилар. Унинг ғоялари ҳақ эди, шунинг учун унга тўғри баҳо берадилар: «Душманимиз атрофга қайиотини етказди (яъни жангчиларини юборди маъносидан). Биз шай эдик, шундай турар яшагучи эрк ахли. Уғуздан ўшанда бизнинг кузатувчи келди. Кузатувчининг гаплари шундай: тўққиз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халқи юрган эмиш, хоқони баходир экан, маслаҳатчиси аллома экан, ўша икки киши бор бўлса, сени, табғачни ўлдиражак дейман, шимолда Хитойни ўлдиражак дейман. Табғач, сен ўнгдан ҳужум қил, қитаний, сен олдидан ҳужум қил. Мен чапдан ҳужум қилай. Турк сир халқи ерида бошқа ҳўжайин юрмасин. Эпласак, ўша ҳўжайинни йўқ қилайлик, дейман. Уша гапни эшитиб, тун ухлагим келмас

эм кундуз ўтиргим келмас эди. Шундан сўнг хоқоним-П, Ўр I қилдим» (Тўн., 9—12).

Тўнюқукнинг савий-ҳаракатларини, юксак интизоми туфпили пкки минг турк жангчиси уч мингга тўққиз ўғуз мипшиш енгди. Қўшин хоқондан ҳам кўра, лашкарбол...13 мпслаҳатчи Тўнюқукнинг измига юрарди. Битигмш Ц эътироф этилишича, «Турк халқи ер юзига ўр-Ншгандан бери денгиз, дарёга етмаган эди». Тўнюқук |.пишга ўзи бош бўлиб, йигирма уч шаҳарни мағлубн;|п. |удратли бўлган қирғиз (хакас) хоқонлигини ҳам бўйсундирди. Тўнюқукнинг ҳарбий санъати ана шу I анларда намоён бўлди.

Тўшоқук ёдномасининг ҳар бир сатрида ватан вақ•атанпарвар шахс образи бор. Тўнюқукдаги юксак инсоний фазилатлар, такрорланмас инсонпарварлик ғоялари \ам унинг қадимги турк хоқонлиги ва қўшн№ алқлар орасидаги нуфузини янада оширди. У тардушлар билан бўлган жангда инсонпарварликнинг ажойибпамупасини кўрсатди: Тардушлардан асир олинган элшктача йигитни ўз юртига жўнатиб юборди. Бу хабарни эшитган бошқа душман қабилалар ҳам Тўнюқукка? бош эгиб келдилар. Ёвузлик, қон тўкиш билан душманни бўйсундиргандан кўра, эзгу тadbир кўпроқ наф бериш мумкин экан. Шу ўринда Тўнюқук адолатпарвар\*\қмдор сифатида намоён бўлади. У адолатсизлик қилиши ҳам мумкин эди. Мардлиги, довураклиги адолатсизлик қилишига йўл қўймади. Зотан, адолатсизлик: қилиш мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган одамгина адолатпарвардир. Тўнюқук юксак инсонпарварлик-|ш намоён қилганлиги учун қўшни қабилалар ораси-|.| ҳам қатта ҳурматга сазовор бўлди, у қабилаларни ўз халқидек қабул қилди. Оддий халқни ҳамиша қўллпб-қувватлади. Душман қабилаларнинг бошлиқлариппина жазолади, хоқонликдаги қонун-қоидаларни, ;шъанани эса қаттиқ туриб ҳимоя қилди. «... Улар Тай: билга тутуққа ябғу унвонини берганлар. Шундан кейин отам хоқон вафот этган. Қора халқ менинг ҳоқимиятимга ўтди. Аммо баъзилари Тай билга тутуқ томонида туриб, уни хоқон деб эълон қилдилар. Мен қўшинни-тўпладим ва уларга қарши жангга отландим. Уларустидан ғалаба қилдим, босиб олдим. Букауга етиб бориб, кечаси — қуёш ботганда жангга кирдим. Уша ер-

инг ўзида тор-мор қилдим. Ёруғ бўлганда қочадилар, "коронгу тушиши билан яна йиғладилар. Букагуда бирорта ҳам саккиз ўғуз, тўккиз татар қолмади. Иккиичи санада кун чикқанда жангга кирдим. Қулларим, чўриларим, халкимни осмон, ер қўллади, уларни ўша ерда санчдим. Айбдор, номдор йўлбошчиларини тангри менинг қўлимга берди. Қора оддий халкни йўқ қилмадим; уйини, биноларини, йилқисини тортиб олмадим. Номдор бошлиқларини жазоладим, илгаригидай яшай-версин, дедим. Сиз менинг халқимсиз, дедим. Менинг «оркамдан юринг, дедим. Уларни қўйиб ўзим кетдим, улар келмади. Мен уларни таъқиб қилдим. Бурғу деган жойда етиб олдим. Тўртинчи ойнанинг тўккизинчи кунда жанг қилдим, санчдим. йилқисини, молларини, қиз-хотинларини олиб келдим. Бешинчи ойда улар менинг юркамдан келди, саккиз ўғуз, тўккиз татар ҳам битта қолмай келди». (Тўн).

Тўнюкук ўз даврининг зукко, билимдон кишиси эди. У воқеа-ходисаларни, одамлардаги нуқсон ва фазилатларни зукколик билан илғаб олади. Ана шу фазилатлари у келтирган ҳикматларда намоён бўлади. Жумладан, агар халқ уюшган, яктан бўлса, уни ҳеч қандай куч йиқита олмайди, аксинча бўлса, улар пароканда бўлиши ҳеч гап эмас, деган ҳикматни Тўнюкук қуйидагича таърифлайди: «Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон эмиш. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баходир эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баходир эмиш» (Тўн, 13—14). Еки битигтошда «Ғам ўз уйингда» деган мақол бор. Тўнюкук бу мақолни қуйидагича воқеа сабаби билан келтирган: агар халқ душманга олдиндан, то босиб келгунга қадар кутиб ўтирмай, зарба берса, ташвиш камрок бўлади, акс холда уйи, яъни ватани ғаму қулфатдан чикмайди. Еки ватан мустақиллиги учун жон куйдириш ҳамманинг бурчи, бепарволик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, деган ўғитни «Аллақандай ердаги ҳоконлик халққа дон сўқ бўлса, нима ғами бўлар эди» (Тўн, 56—57) деган ҳикмат орқали ифодалаган.

Ёднома охирида Тўнюкук бу битигни ўзи ёзиб таллаганлигини айтади. Элтариш ҳокон ва ўзини турк халқининг халоскори дейди: «Турк билга ҳокон давлатида бу битигни битирдим, мен билга Тўнюкук. Элта-

«;

ВИШ ҚОқон муваффақият қозонмаса, у бўлмаса эди, мев V шм билга Тўнюкук муваффақият қозонмасам ва бўл-м.клм эди, Қапаған ҳоконнинг турк сир халқи ерида | \.ш, киши ҳам ерга эга бўлмас эди» (Тўн., 58—60).- Гўнюкуқнинг идеаллаштирилиши бу ёдномада табиий-шр 1)принчидан, у зодагон синф вакили, иккинчидан, I цнома Тўнюкук шарафига битилган. Аммо идеаллаш-Шр!1п \,ам тарихий далилларга таянади. Шунинг учув >™!11 • | бўлиб қолади.

## ҚАДИМГИ ТУРҚИЙЛАР ДИНИ

Биз юқорида айтиб ўтган Бугут ёдномаси Мўғулис-| <т \удудиди яшаган туркий қабилалар орасида буд-мнмпинг биринчи марта давлат дини сифатида пайдо манидан дарак беради. Таспар ҳоконнинг илтимоси-11 кўра, унинг қароргоҳида будда ҳайкалчаси ўрнатил-М1 Бу ҳайкалча ва бугут мартартошининг санскрит 1зуни битилган, бузилиб кетган томони Чинагуптага бвғишланган. У Ҳиндистондан келган, ҳокон қароргоҳи-м ўп йил яшаган буддистлар устози эди. Биринчи турк \оконлари ҳокимият барпо бўлгдндан бошлаб, каттэ империяни бошқариш ва ушлаб туриш учун буддизм-цудратли ғоявий омил бўлади, деб тушундилар. Чама-1 м, бу даврда шомон дини ҳам бўлгану лекин стихиял-Гврзда бўлиб мавқеини унчалик мустаҳкамлаб олмага» |ди. Биз юқорида Сирдарё бўйидан топилган ёднома \.п\нда хабар берган эдик. Бу ёдномадан англашилиши-ч,1, бургутга илк туркийлар сажда қилган. У осмон Клоҳасини жонлантирган ва сулоланинг номига ишора қилган. Бургутга сиғиниш шомонликдан далолат бе-ради.

Урга ва Марказий Осиёда шомонлик бора-бора умумий дин бўлиб қолди. Турган гапки, ҳаммабоп дин таркиби жихатидан турли ҳокимиятда умумий ғояни шакллантиришга хизмат қилди. Ҳар бир қабила ўз дини ва худосига эга бўлган пайтда умумий дин бир-ик, ҳамкорлик учун катта аҳамиятга эга эди.

581 йилда ижтимоий-сиёсий танглик буддизмнинг

мавқеига путур етказди. Иккинчи турк хоконлигида \*бу дин ўз ахамиятини йўқотди ва шомонлик мустаҳкам ўрнашди.

Қадимги туркийларнинг дини ҳақида энг қадимги «Вэй шу» ва «Суй шу» Хитой йилномаларида қайд этилган. «Вэй шу» йилномасида туркийлар динга боғлаб ўтказган одатлар ҳақида шундай маълумотлар бор: 1) хокон қароргоҳига Шарқ томондан киритилган, бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъноси ифодаланган, айни пайтда қуёшга сиғинишни ҳам билдиради; 2) ҳар йили хокон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирганлар; 3) ҳар бешинчи марта ой чиқишида ва ўша ойнинг ўртасида хокон яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган, осмон руҳи (тангри) га қурбонлик келтирганлар.<sup>1</sup>

Демак, хокон ва амалдорлар қуёш, осмон, ой руҳига сиғиниб, қурбонлик келтирганлар. Оддий халқ-чи? Оддий халқ осмон руҳига ҳам, ер-сув руҳига ҳам, қуёшга ҳам, хайвонларга ҳам топинаверган. Туркий қабилалар уюшмаси ва уюшма таркиби турлича бўлгани учун худо ҳақидаги тасаввурлар ҳам ҳар хил бўлган. Хоконликдаги қабилалар орасида туркий бўлмаганлари ҳам бор эди. Ҳар бир уруғ-қабиланинг ўз дини бўлган, хоконлик худудида ҳаммаси амал қилаверган.

Аммо тангри барча қабилалар учун ягона худо эди. Кул тигин ёдномасининг бошланишида тангри шундай мадҳ қилинади: «Юқорида қўк тангри (яъни осмон) паства қора ер қилинганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган». Бу ўринда тангри ҳозир биз кўриб турган моддий осмон эмас, балки осмон руҳидир.

Қайси қабиладан бўлишидан қатъи назар, амалдор ҳам, оддий халқ ҳам тангрига қурбонлик келтираверганлар. Ҳатто XIX асрнинг охирида қачинларда Тангрига қурбонлик келтириш (кўпроқ қўй) одати бўлган. Шунингдек, унга қимиз, сут, айрон ва қайнатилган гўшт атаганлар. Бу байрам қадимги туркий қабилалар учун хос бўлган маросимни эслатади.

Шимолда яшаган яна бир халқ бор. У халқнинг отинганасан. Улар аслида угор халқига мансуб бўлиб, қадимдаёқ туркийлашган. Тангрига сиғиниш ўша халқда " - , н . Я.Ричурин. Уша асар. 1-жилд, 230-231-бетлар.

пчнш сақланиб қолган. Улар шомонлик оқими таъсири-  
циб қолгаилар. Бир йилда икки марта қуёшга —  
^1> \ . кка қурбонлик келтирганлар. Қурбонлик келти-  
I . . . . НШН цақти бор эди. Биринчиси кузда — қутб кечаси  
..... шганда, иккинчиси январь ойида—қуёш нурлари  
«п ш қўрина бошланганда қилинган. Уларнинг тасав-  
)Ш қўра, коинотнинг асосчиси — осмон руҳи. Танг-  
|нпим мкзматқори эса қуёш, у олам устидан раҳбар-  
||ди. Қуёш нурлари — ип. Бу нур — иплар оркали  
р ШИ! ўсимликлар руҳи қуёш билан алоқа қилади.  
|1 ;гасанларда қуёш ва осмонга сиғиниш ҳақидаги бу  
|м :ур қадимги турк давридан қолган. Юқори таба-  
| т.ч-боболарга сиғиниш ҳам тарқалган.  
| ь :1-боболар сиғинишига амалдорлар ғорда қурбон-  
щ I .ггарганлар. Улар биринчи турк бола ва бўри эди.  
ғорда қурбонлик қилишларининг сабаби шуки,  
,|ц туркийларнинг илк аждодини ғорда сақлаган  
и|

Г' [е (уйғур, ёқутларнинг аждоди) қабиласида тур-  
ИЙларнинг Ашин уруғидаги сингари асотир бор. Шу-  
| учун уларнинг диний тасаввурлари Ашин уруғи-  
|ансуб туркийларникига ўхшайди. Биз асотир би-  
• |ц тинни тенглаштирмақчи эмасмиз. Асотир ҳеч қачон  
даврдан диний тасаввурлар қобиғида бўлмаган. . . .  
Гсмелардаги асотирга қўра, хун амалдорларидан  
|нрп кизини тангри — осмонга бағишлаган эди. У киз  
|ридан ўғил туғади. Уша ўғил теле қабиласининг аж-  
|| ш эди.

Аввал келтирилган Ашин уруғининг келиб чиқиши  
|даги асотир билан бу асотир бир манбага эга.  
\\1.||жазий Осиёда анимизм кўпчилик туркий қабилалар  
\\ч\п умумий дин бўлган.

Анимизмнинг моҳияти шундаки, ибтидоий даврда  
одамлар, ҳамма нарсанинг руҳи бор, деб ишонган-  
|.||). Шунга мувофиқ, табиат ҳодисалари, турли офат-  
|.1)ни жонли деб қараганлар. Эртақларда шамол ёки  
гог одамлардай ҳаракат қилади, одамзодга ёрдам бе-  
ради ёки унга қаршилик кўрсатади. Бу ҳодисалар ҳам  
анимизмнинг бир қўринишидир.

Туркий қabila, ва уруғлар ўзича бирор хайвонга  
гопинган, уни ўзининг худоси деб билган. Диннинг бу  
ИККИ тури турк-мўғул қабилаларининг ҳаммасига хос.

Масалан, бурятлар қадимги туркийлар каби кўп худода бўлган, чунки уларнинг келиб чиқиши бир. Қадимги туркий уруғлар кўп худолиликни бурятларга ҳам мерос қилиб қолдирдилар. Бурятлар 99 тангрига топинганлар ва бу тангрилар дунёни бошқаради деб тушунганлар. Ҳар бир қабиланинг ўз тангриси бўлган. Одамларни даволашда ва ёмғир чақиришда ҳам улар тангридан мадад сўраганлар. Хайвонларга топиниш даштда яшовчи халқлар маданиятига ҳам алоқадор.

Туркийлар, асосан оддий халқ, Х асрларгача ота-боболар культига топинганлар. Абу Дулоф деган араб тарихчисининг ёзишича, исломни қабул қилган қарлуқларда ибодатхона бор эди. Бу ибодатхонанинг деворларида илгариги давлат бошлиқларининг сурати сўлинган. Жасорат кўрсатган мархум оқсоқолларни ҳурматлаб, уларга сиғинганлар. Бошқа қабилаларда ҳам бу одат давом этди. Туркийларда ота-боболарга сиғиниш, рух ўлмайти, нариги дунёда ҳам яшайди, деган тасаввурлар натижасида пайдо бўлди. 576 йилда Истами хоконни дафн қилиш маросимида хунларнинг тўртта харбий асири қатл қилинган, токи улар мархум Истами хоконни охирагга қузатиб борсин ва нариги дунёда хизмат қилсин. Худди шу одат мўғулларга ҳам ўтди. Мункахон вафот этганда, унга охирагга хизмат қилиши учун йигирма минг одамнинг ўлдирилганини эслаш кифоя. Туркийлар у дунёдаги ҳаётни бу дунёдаги ҳаётнинг давоми деб тушунганлар. Бундай тасаввур жуда кенг тарқалган, аммо у диний тасаввурнинг илк босқичига хос эди. Анимизмдан фарқли равишда у, одамда танҳо рух бўлади, деб қарайди. Анимизм эсз кўпчиликнинг руҳи бўлади, деб ўргатади.

Демак, тангри — туркийларнинг бош худоси, ҳамма туркий қабилалар тангрига топинганлар. Ота-боболарга сиғиниш ҳам, худди тангри каби, ҳамма қабилаларга тегишли. Аммо тотемлар барча қабилалар учун турлича: бирисида бир хайвонга, бошқасида бошқа ҳайвонга топинганлар. Еруғ дунёдаги дин ҳақидаги тасаввурларшундай. Фақат яхши кунлар умидида худога сиғиндилар. Ёмон кунларда қиёматни қандай тасаввур қилганлар? Қиёматда нима бўлади? Қадимги туркийлар қиёматни «қолдирилган кун» дейдилар. Мана^ воқеалар қиёматда қандай кечади:

Замон ўтган сари одам боласи озаяди. Гуноҳ ишлар-  
I ПI I вйтмайди, ёвузлик имкони борича кўпаяди. Яхши-  
.... гипгриси Улген бундай гуноҳкор тўдадан узоклаша-  
Iм Коронғулик дунёсидаги ёвузлик тангриси Эрликер  
нI ПI I л^пплашади. Ёрдамчиларидан бири Қараш ундан  
ли;I I ер юзига чиқади. Одам болалари яхшилик танг-  
IИ. II Улгенни унутдилар. Ер юзида инсонларни тобе  
ц IИИ учун ёвузлик тангрилари билан яхшилик тангри-  
I)м жанг қиладилар. Коронғулик дунёни тангрилари  
•рлик, Қараш ва Керей инсонларни коронғулик дунё-  
ПI.I, яхшилик тангрилари Улген, Мангдашира, Май-  
Iура ёруғликка, яхшиликка тортадилар. Ҳар икки то-  
-пп.ш ҳам ўлганлар бўлади. Ниҳоят, ёлғиз Улген қо-  
I MI Улген «Марҳумлар, туринглар!» деб хайкиради.  
Iм гун ўликлар тирилади.

Кпёмат кунда осмон темир, ер сариқ мисга айлана-  
NI. \онла;р хонларга ҳужум қилади. Халқлар бир-бири-  
I ёвузлик қиладилар. Қаттиқ тошлар майдаланади.  
I стахкам дарахтлар синади. Одам боласи бир тирсак  
(тахминан ярим метр) кичиклашади. Бош бармоқдай  
фI ,k пайдо бўлади. Эркакларнинг жилови қиска бў-  
I ПI. кучлиларнинг қўлида ўйинчоқ бўлади. Ота бола-  
'ппп. бола отасини танимапти. Сахро ўсимлиги (пиёз)  
киммат бўлади. Отнинг қалласидай олтинга бир қоп  
цқат берилмас. Оёқ остида олтин бўлса ҳам, уни ола-  
I Шган кимса топилмас.

Қиёмат кун келганда, қора ер аланга билан қоп-  
цигани замон буюк хокон ота тангри Қайра хон қулоқ-  
I. ||шни беркитар. У пайтда дунё бузилар. Ер ва инсон  
иасл махв бўлар. Фитна ва фасод ёйган ғаддор шамол  
шсонларни кўзгатар. Қонун бузилар. Чўкқилар чайқа-  
I. |р. Темир узанги тагидан узилар. Жуволдизнинг теши-  
I п йиртилар. Халқ бузилар. Қора кўнғиз каби, инсон  
I. ИЮГ чиқарар. Кўзларига қон тўлар. Қора сув қон би-  
I MI коришиб оқадиган ер гулдура, Тоғлар тебранар.  
I; шдақлар бузилар. Осмон гулдирар. Четлари ёрилиб  
Iвтар. Денгиз чайқалар. Туби кўринар. Ернинг ости  
устита тушар. Иўсинлар майдаланиб, қул бўлар. Кўк  
гебраниб этаги очилар. Денгиз долғаланиб, туби кўринар.  
Iёнғиз тубидан тўққиз бўлак қора тош чиқар. Тўққизта  
гош тўққиз еридан ёрилар. Ҳар тошдан тўққиз халқали  
Iўққиз сандиқ чиқар. Ҳар сандиқдан темир отли тўққиз

киши чиқар. Бу кишилардан икки бошлик бўлар. Уларнинг минган отлари жанговар, қудратли сариқ от бўлар. Унг оёқларида қилич, қўруқларида қиличнинг дами бўлар. Дарахтга дуч келса, дарахтни кесар. Жонзотга урилса, жонзотни махв этар. Халққа тинчлик бўлмас. Ой ва қуёш нур сочмас, тафтсиз бўлар. Дарахтлар илдизидан кўпорилар. Ота, боласидан айрилар. Усимликлар қурир, насли битар. Оналар ёрларидан айрилар,, тул қолар. Ерда «кўнгил» деган бир захарли ўт битар. Илдизидан сариқ чигиртка чиқар. Ҳайвонларга урилса, Ҳайвонларнинг, инсонларга урилса, инсонларнинг қонларини тўқар. Шунда, тангри Шайма Ҳайқирар:

— Бу ёққа қара, Мангдашира, ёрдам бер. «Кўнгил» ўтини махв этолмадим. «Кўнгил» ўтининг илдизидан кўнғир илон бор.

Мангдаширадан садо чиқмас. Ундан ёрдам ололмагач, Шайма яна Ҳайқирар:

— Буюк ҳокон халқини тарк этди. Наслдор айғир» сурувини ташлади. Ер ағдарилиб кетди. Сувлар қуриди. Еқали кийимларнинг ёқаси парчаланди. Бошқарилган юрт бошқарувсиз қолди. Қушлар уяларини, кийиклар инларини, хотинлар болаларини тарк этди.

Мангдаширадан садо чиқмас.

Шундан сўнг Эрликка тобе бўлган қахрамонлардан Қараш ва Қерей ер юзига чиқадилар. Улар чиққунч Улгеннинг қахрамонлари Мангдашира ва Майтўра улар билан жанг қилиш учун осмондан ерга тушадилар. Майтўранинг қони аланга бўлиб, ер юзини қоплайди. Шундан кейин қиёмат бўлади.

Имондан кечган, диндан қайтган одамзоднинг қилмишлари шундай оқибатларга олиб келади.

## УЙҒУР ХОҚОНЛИГИ

«Минг йиллик, туман кунлик ёзувимни, биномни ўша ерда ясаб, тошга ўйиб ёздирдим».

Бу парча Моюн нур шарафига ўрнатилган битигтошдан олинди. Битигтош уйғур ҳоконига атаб ўрнатилган бўлса ҳам, урхун алифбосида битилган. Моюн чур уйғур ҳоконлигида ёркин из қолдирган, ҳоконликни оёққа турғизган.

Уйғур ҳоконлиги ҳақида гап кетганда, Иккинчи турк

.....Лиги умуман тилта олинмайди. Аслида уйғур **ХОҚОНЛИГИ** кўк турк ҳоконлигининг давомидир. Иккинчи Турк ҳоконлигига қарашли қабилалар уйғур ҳоконлигида яшайверди.

I > йилда Иккинчи турк ҳоконлиги тугади. 'Ҳокон-ИИКНИИг емирилишига амалдорлар ўртасидаги ўзаро ||п K1 адоватлар, тахт талашувлар сабаб бўлди. Фарбий рурк (Урта Осиё) ҳоконлиги бошида турган Ашин уру- I п тахтдан кетди. Ашин уруғидан охириги ҳукмдор Хон дстан одам эди. У ҳам 740 йилда ўлдирилди.

Беш йил давомида ҳоконликка гоҳ униса, гоҳ бунисп келиб кетаверди. Лекин бирортаси тахтни узоқ бошқара олмади. Фарбий туркларнинг қолган-қутгани тур-Гашларга кўшилиб кетди. Уйғур ҳоконлиги учун катта Кавф солиб турганлардан бири Фарбий турк ҳоконлиги >дн. Уйғур ҳоконлиги ташкил топгандан кейин, тахтга •йринчи бўлиб Пэйло (Пўла) ўтирди. Бу ҳоконнинг [•ағида роли унчалик сезиларли эмас, у номигагина ҳокон эди. Гарчи уйғур ҳоконлиги деб ном олган бўлса кам, ҳоконлик Хитой империясига қарам эди.

Фарбий турклардан кўркиб яшаган Пўла улардан озод бўлгач, мустақил, ҳеч кимга қарам бўлмай ҳукмронлик қилмоқчи эди. Аммо империя бунга йўл бермади. Пўла Хитой империяси билан ортиқча зиддиятга бормаслик учун вассал эканлигини тан олди.

Пўланинг ўғли Моюн чур тахтга ўтиргандан кейин (747 йилда) ҳам отасига ўхшаб империяга содиқ бўлиб қолаверди.

•Моюн чур қонуний ҳокон бўлиб тахтга ўтирса-да, халқ барибир норози эди. Норозилик бора-бора кўзғолонга айланди. Кўзғолоннинг келиб чиқишига Моюн чурнинг тахтга ўтиргани эмас, балки бошқа сабаби бор ЮИ. Халқ ўз эътиқодини ҳимоя қилиб кўзғолон кўтар-дн. Кўзғолончиларнинг бошлиғи Ябғу Тай билга тутуқ бўлиб, ябғу унвонини унга Моюн чурнинг отаси берган Йи. Бегона динларнинг ҳоконликка олиб кирилиши кўп-мнликни ғазабга келтирди. Туркий қабилаларнинг аксарияти, шунингдек, уйғур қабилалари ҳам шомон динига П>тқод қўйган эдилар. VI—IX асрларда Марказий ва Iрта Осиё турли динлар учун синов майдонига айла- <ц. Фарбда ислом тараққий қила бошлади, шарқда буд-шш, шимолда Эрондан сиқиб чиқарилган насронийлик

ва монийлик ёйила бошланди. Айниқса, насронийликнинг кириб келиши жадал тус олди. Қўзғолон бошида турган амалдорлар шу динни жорий қилмоқчи эдилар.. Улар Моюн чурни мажусий деб ҳақорат қилдилар. Моюн чур эса диний эътиқоди, билан ҳам ота-боболарига хурматини саклаб қолди.

Халқ иккига бўлинди. Моюн чур халқнинг аҳвол-рухияси ҳақида битигтошда шундай дейди: «Қора халқме» томонга ўтди, аммо баъзилари Тай Билга тутукня маҳкам тутиб, уни хокон деб эълон қилдилар».

Уйғур хоқонлигидаги баъзи қабилалар (жумладан,, қитанийлар ва татар қабилалари) қўзғолончилар томонига ўтди. Саройдаги айрим амалдорлар ҳам Моюв чурга душманлигини сездириб қўйдилар ва саройнв тарк этишга мажбур бўлдилар.

Букагу деган жойда Моюн чур қўшини билан қўзғолончилар ўртасида жанг бўлиб ўтди. Жанг иккн қун? давом этди. Моюн чур ғалаба қилди. Фитначи амалдорлар каттиқ жазога ҳукм қилинди, кўпчилиги қатл қилинди. Оддий халқни Моюн чур кечирди, халқ айбдор эмаслигини, уларни амалдорлар йўлдан урганлигини Моюн чур билар эди.

Орадан кўп ўтмай, қўзғолончилар яна бош кўтариб қолдилар. Қитаний ва татарларни яна ёрдамга чақирдилар. Аммо улар кечикдилар. Моюн чур шаккок қабилаларни тор-мор қилиб, қўзғолон йўлбошчиларини қатл қилиб, жазо сифатида мол-мулкани ва хотин-қизларини тортиб олди.

Моюн чур асирларга муносабат масаласида ҳам ота-боболаридан мерос қолган анъанага содиқ бўлди асир тушганларни ўлдирмади. У насронийликни жорий қилмоқчи бўлган қабилаларни яхшилик билан йўлдан қайтармоқчи эди. Битигтошда у шундай дейди: «Тай Билга тутуқ ёмон бўлгани учун, бир-икки номдор кишилари ёмон бўлгани учун, қора халқим, ўлдинг, ётиб қолдинг. Яна менинг давлатимга қўшил, ўлмайсан,, ётиб қолмайсан, дедим. Бор меҳнатингни, кучингни бергин, менга, дедим». Шундан кейин Моюн чур хафа бўлди: «Икки ой кутдим, келмади», — дейди.

Шунча жангларга,, кўпчилик қабилалар, амалдорларнинг қаршилигига қарамай, Моюн чур ўз эътиқодига содиқ қолди: «Уша йили... оқ ўрда қурдирдим, у ер-

68 чиг ясаттирдим. ЁЗНИ ўша ерда ўтказдим, у ерда яқ ташкил қилдим» (Мч., 20). **Чиг** — қамиш ёки тикаи-ШП қилинган уй, чайла. Моюн чур маросим ўтказиш учун вақтинча ўша ерда яшаган. **Яқ** эса ота-боболар)ухига бағишлаб ўтказилган маросимни билдиради.

Уйғурларнинг насронийликка сажда қилган амалдорлари Моюн чурнинг диний мазхабига қарши чиқиб катта хатога йўл қўйдилар. Улар ўз анъанасига содиқ қолган халққа таъсир ўтказа олмай қолдилар. Энди моний дини тарафдорларига йўл очилди, яъни ховузни насронийлар қазидилару балиқни монийлар тутдилар. 1>ошқа бирорта хоконликда уйғур хоқонлигидагидек диний оқимлар кураши бўлмаган. Даврнинг ўзи ҳам анча мураккаб эди. Атрофдаги қўшнилари хаммаси ҳар хил динларни қабул қилган эдилар. Монийлик VII—VIII юрларда бутун Осиё бўйлаб гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда «сайр» қилиб юрган эди. Фақат уйғурлардагина бу дин мустаҳкам ўрнашиб қолди. Монийлик насронийлик сингари, уруш-жанжаллар билан эмас, осонлик билан, ўз оқтши бўйлаб кириб келди.

Монийликнинг моҳияти шундан иборатки, коинотда пур билан зулмат, рухий асос билан моддий асос, яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш содир бўлиб туради, деган дуалистик таълимотга асосланади. Монийлик таълимоти III асрда Яқин Шарқда пайдо бўлган. Унинг асосчиси Моний ибн Фатак (216—276) наққош ва расом бўлган. Монийлик қулдорлик тузумининг инқироzi даврида пайдо бўлиб, ортодоксал зардуштийлик асосларига қарши чиққан. Монийликка христианлик катта таъсир кўрсатган. Бу дин тарафдорлари дехқонлар оммасини ёқлаганлар ва халқ орасида обрў қозонганлар: Уларнинг ғоялари зардушт кохинлари ва қулдорлар манфаатига зид эди. Монийлик Фарба Испания-гача, Шарқда Хитойгача тарқалди. Шарқдаги маздакий-|рга хам монийлик кучли таъсир кўрсатди.

Аммо қўшни уйғурлар хронлигида янги дин қабул қилинишига унчалик рағбат билдирмадилар. Чунки монийлик уларнинг эътиқодига қарши эди. Урта |>Сё мусулмонлари, Тибет буддистлари, Хитой конфу-

' Махмуд Кошғарий. Девону луғатит — турк, 1-жилд, Тошкент, 1960, 3Ю-бет.



цианцлари (халкни қулликда сақлаб туришга, итоаткор бўлишга хизмат қиладиган дин), қирғиз хонлигидаги шомонлар уйғурларнинг янги мазҳабини ёввойиларча ўзгариш деб баҳоладилар.

Уйғур хоқонлигида монийлик мустақкам ўрнашгач. ёзув ҳам ўзгарди. Янги уйғур алифбоси жорий қилинди. У сўғд ёзуви асосида юзага келди. Уйғур алифбосида монийча, христианча, мусулмонча матнлар битилди.

Хоқонликдаги оддий халқ янги динни анча оғир қабул қилди. Аммо унинг чупон ва овчилар учун фойдали. томонлари ҳам бор эди. Монийлик қонун-қоидаларига биноан, рўза кунлари хатто ёғ ва сут истеъмол қилиш ман этилади. Чўпон ва овчилар очликдан ўлмаслик илинжида экин экишга мажбур бўлдилар. Шу тарика, чўл масканларида деҳқончилик ривожлана бошлади.

Шимоли-ғарбий Чин давлати уйғур хоқонлигини бевосита давом эттирди. Бу давлат 874—1226 йилларда яшади. 1226 йилда эса Мўғул империясига қўшилди.

Турфон (Шарқий Туркистон) уйғур давлатига Мунгид хон асос солди. Хоқоннинг туркийча номи — Алп кулуг билга. Бу давлат ҳам шимоли — ғарбий Чин давлати билан деярли бир даврда — 846 йилда барш бўлди. Жанубда Тибет, Ғарбда Туркистоннинг қарлуқ туманларини эгаллаган. Давлатда Кўк тангри ивончидан ташқари, монийлик, буддизм ва X асрга келиб асосий дин сифатида ислом амал қилди. Урхун ва уйғур алифбоси — асосий ёзув, туркий тил эса бутун давлатда ҳукмрон эди.

Осиё хун туркларидан пайдо бўлган уйғурлар VII асрнинг биринчи чорагида тардушларнинг 6 қабиласидан ташкил топган. Сўнгра тўку, тўнгра, байирку ва фу-ло-пу қабилалари уйғур қабиласи атрофида тўплашиб уйғур номини олди.

Уйғур хонадонининг бир тармоғи тўқуз гузлар Қош-ғарда маскан қурганлар. Яғмолар қавмининг бошида турганлар. Хонадон бошлиқлари эса Буғрохон унвонига сазовор бўлдилар. Яғмолар жуда кўп уруғдан пайдо бўлган. Уруғлардан бирининг исми Булакдир. Булақлар XI асрда Талас ва Чу водийсида ҳам яшадилар.

Эрондаги туркларнинг катта бир қисмини уйғурлар ташкил этади. Улсаути замонида (1304—1316) уйғур турклари юқори лавозимларни эгалладилар. Мисрда

илк мусулмон турк давлатини қурган Тулун ўрли А уйғур қабиласидан эди.

Уйғурларда монийликдан сўнг буддизм кириб қвДИ, Пудда дини уйғурларга ёзма адабиёт орқали ўтган. Санскритча, тохарча, сўғдча ва чинча будда адабиётлари қадимги туркий тилга таржима этилган.

Урхун ёзувидан кейин уйғур ёзуви кенг қўлланган. Будда матнлари, кўпгина ҳужжатлар, Олтин Урта ёр-чпклари шу ёзувда битилган.

Уйғур хоқонлиги даврида китобат санъати юксак даражада кўтарилган. Китоблар қадимги турк давридагидек, тошларга эмас, қоғозга ёзилган ва кенг тус олган. Қоғоз фабрикалари қурилган. Қоғоз босиш ҳам нлк дафъа уйғурларда расм бўлган. Балет, оркестр ва театр санъати ҳам хоқонликда шаклланиб, шухрат қозонди.

Шарқий Туркистонда қояларга ўйилган мингларча ибодатхоналар бор эди. Уларнинг пойдеворидан бошлаб расмлар ишланган. Расмларнинг кўпи Олмон тадқиқотчилари томонидан ўрганилди ва Берлин элшунослик музейи деворларига ўйиб ишланди.

Эски уйғур шаҳарлари харобаларида сақланган, VII — IX асрлардан қолган будда ва монийликка оид девор расмлари, миниатюралар турк расмчилик санъатининг бугунга қадар етиб келган намуналаридир. Портрет санъати ҳам илк марта 750 йилдан кейин деворга ншланган расмлардан бошланди.

Уйғурлар ўзлари яратган дoston услубларини будда таржима асарларига сингдирганлар. Ашин уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги афсона асосида ўз афсоналарини яратдилар. Уйғурларнинг шундай афсонаси бор.

Хун хоқонининг икки гўзал қизи бор эди. Хун амалдору алплари бу қизларни тангри каби ҳурмат қилдилар. Хоқон «бундай гўзал қизларимни одам боласига бермайман. Мен уларни тангрига бағишлайман», деди. Бешбалиқнинг шимолида катта сарой қурдирди ва қизларини у саройга беркитди. «Тангрим, бу қизларни қабул эт!» деб тангрига ёлворди. Бир муддат ўтгач, сарой атрофида бўри пайдо бўлди. Кичик қиз ту бўрига, турмушга чиқди ва бир ўғил туғди... Уйғур Сулоласи шу боладан тарқалди.

Хоқон тангрига қизяни назр этдик) бўрига турмуш-

га чикди. Бунга хайрон бўлмаслик керак. Бўри осмондан, яъни тангридан жўнатилган. Бўрилар тангрининг ердаги элчиларидир.

Афсонага шомонлик оқими таъсир этгани шубҳасиз. Бўри образи ва унинг ҳокон қизига уйланиши бунга даълил. Ашин уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги афсонанинг акси, яъни унда бола бўрига уйланган.

Туркийларнинг маданий ҳаётида қўшни қабилалар, халқларнинг таъсири кейинчалик ҳам сезиларли из қолдирди. Аксинча, савдо-сотик алоқалари маданиятнинг ривожига катта туртки берди. «Олтин ёруқ» достонининг туркийлар ҳаётига кириб келишини шу алоқалар билан изоҳлаш мумкин.

Босқинчилик урушлари ҳар доим ҳам халққа бутунлай маънавий зарар етказавермас экан. Чингизхоннинг Урта Осиёдаги фаолияти бунга яхши мисол.

I

## ЧИНГИЗХОН ВА ТУРКИЙ ЁЗУВЛАР ТАҚДИРИ

Туркий қабилаларда эрамиздан аввалги асрлардан суғд, урхун-энасой, куфий, уйғур, моний ёзувларининг кириб келиши ва қўлланишидан мақсад бор. Бу ёзувлар икки йўл билан — савдо-сотик муносабатлари, ёки динни тарғиб қилиш мақсадида кириб келган. Лекин дин туркийлар орасида мавқеини тиклай олмагани каби, ёзув ҳам ўз ўрнини топа олмаган.

Эски уйғур ёзувида турли ҳуқуқ ва девон ҳужжатлари битилди. Шу билан бирга, таржима асарлари қўчирилди. Уйғур ёзуви катта ҳудуддаги халқларга маълум эди. 960 йилда Қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди ва халққа сингишиб кетган будда динини сиқиб чиқара бошлади. Араб ёзуви қабул қилингандан кейин эски уйғур ёзуви барҳам топиб қолмади, балки Ҳиротгача бўлган ҳудудда кенг қўлланаверди. Қорахонийлар давлатида яшаган халқ ислом қабул қилингунга қадар уйғур маданияти таъсири остида эди.

Уйғур деган атама фақат Шарқий Туркистонда яшайдиган халққа тегишли эмас. Уйғурлар туркий халқларнинг бир қисми бўлиб, қадимги турк даври маданияти, хусусан, ёзув маданияти ривожига маълум роль ўйнади. Туркий-рун ёзуви дастлаб барча қабилалар, жумладан, уйғурларга ҳам тегишли эди.

Қадимги турк даврида туркийлар ва уйғурлар ИККИ этник ном остида юритилган. Аввал айтганимиздек, баъзан туркий бўлмаган қабилалар ҳам турк деб ата-лаверган. Айрим ҳолларда фақат Ашин уруғи «турк» деб юритилган, бошқа туркий қабилалар ўз номи билан аталган. Қадимги турк даврида уйғурлар тўққиз ўғузлар деб аталган. «Туркийлар ва уйғурлар» деган номни кейингисидек тушуниш керак. Қадимги турк ҳоконлиги даврида тахтда Ашин уруғи ўтиргани учун ҳоконлик шуларнинг номи билан аталган.

Маълумки, туркийларнинг қаттиққўл ҳокони Билга ҳокон бир киши томонидан захарлаб ўлдирилди. Унинг ўрнига ўғли Ичан тахтга ўтирди. Бироқ Ичан хон қўл остида яшаётган қабилалар ундан рози эмасди. Айни пайтда! ўзаро урушлар авж олди. Йўлларда тинчлик бузилди. Иқтисодий бузғунликлар келиб чикди. Мамлакат фитна ичида қолди. Туркийлар қўли остида яшаётган уйғур қабилалари устун чикди. Туркийлар қўли остида яшаган вақтда ҳам уйғурлар ўтроқ турмушга қўчиб, экин экар, савдо-сотик билан машғул эдилар. Шу сабабли иқтисодий-ижтимоий томондан ҳам бошқа қабилаларга қараганда кучлироқ мавқега эга эдилар.

Уйғурлар милодий III—IV асрлардан қўзга кўринган қабила сифатида яшаганлар деб қайд этилади. Уларнинг пойтахти ҳам турк ҳоконлигининг маркази Қорабалсағун шаҳри эди. Улар туркийларнинг бир уруғи бўлганлиги шундан ҳам маълум. Уйғурлар туркийлардан кейин бу шаҳарни яна яхшироқ, янада бойроқ ҳолга келтирганлари учун баъзи тарихчилар «Қорабалсағун шаҳрини уйғурлар барпо қилганлар», дейдилар. Уйғурлар асосан шаҳарларда турар, уюшмалари ҳам бошқа қабилаларга қараганда маҳкамроқ эди. Шунинг учун уйғур исми берилган. **Уйғур** сўзининг маъноси уюшмоқ, бирлашмоқ демакдир.

Уйғурларнинг ўзлари яратган ёзуви ҳам «туркий ёзув» номи билан юритилган. Маҳмуд Кошғарий ҳам эски уйғур ёзувини туркий ёзув деб атаган эди.

Уйғурлар ҳокимияти юз йил чамаси яшади (744 йилдан 840 йилгача). Улар сомонийлар ҳукумати йикитиб, Бухорони олдилар. Уйғур хонлари уламолар-Га жуда катта эҳтиром кўрсатиб, Бухоро халқига масжидлар, мақтаблар, хонақолар барпо қилиб бердилар.

Уйғур хоконлиги даврида араблар бутун Туркистонда хукмронликни қўлга олдилар. Мамлакат халифанинг хусусий мулки бўлиб қолди. Сомонийлар даврида эса Бухоро бойлари уйғурларни ўзлари таклиф қилган эдилар. Хоразм мамлакати ҳам уйғурларнинг мустамлакаси бўлиб қолди.

Уйғур алифбоси айна даврда шуҳрат қозонди. У ўз замонидаги бутун маданият дунёсида — Хитойда, Рум, ислом мамлакатларида қўлланди. Ҳатто Бўғрохон даврида ҳам уйғур ёзувини араб ёзуви бутунлай сиқиб чиқара олмади. Шарқий Туркистон шаҳарларида зарб қилинган тангаларда араб ёзуви билан бирга уйғур ёзуви учрайди.

Туркий ёзувларнинг кейинги тақдири Чингизхон даврига бориб тақалади ва бевосита унинг номи билан боғлиқ. Мўғуллар уйғур ёзувини ва маданиятини Қорахонийлар давлатидан ўзлаштириб олди. Сўнг Чингизхоннинг буйруғига биноан, уйғур ёзуви аслзодалар ва давлат бошлиқларининг болаларига мажбурий ўргатилди. Бу ёзувда мўғулларнинг қонунлари тартиб берилган «Буюк Яса» ва «Чингизхоннинг олтин китоби» кўчирилди.

«Чингизхоннинг олтин китоби»да мўғул қабилаларининг расмий воқеалари баён қилинган. Ҳар икки китоб хоннинг хазинасида сақланган. Бу китоблар сақланган хазинага хон уруғлари ва китобни сақловчилар кирган, холос. Китоб сақловчилар катта ҳурматга сазовор бўлган. Улар улуғ зотлар деб эътироф этилган.

Мўғуллар давлатида уйғур ёзуви узок вақтгача «хонлик ёзуви» бўлиб қолди. У асосан дипломатик алоқаларда қўлланди, оддий халқ, ҳатто олимлар ҳам бу ёзувни билмаганлар.

Чингизхон даврида уйғур ёзуви ва тилига бунчалик аҳамият берилишига қуйидаги сабаблар бўлиши мумкин: биринчидан, уйғур ёзуви кенг ҳудудда тарқалган, ундан алоқа мақсадларида фойдаланиш нисбатан қулай бўлган: иккинчидан, тарихий маълумотларга қараганда, Чингизхоннинг ўзи мўғул тилидан бошқа бирор тилни билмаган. Қолаверса, уларда ёзув ҳам бўлмаган. Утроқ халқни бошқариш учун эса маълумотли кишилар кераклигини Чингизхон тушуниб етди. У ана шундай кишиларни мўғуллар орасидан топа олмаган эди.

Узи доимо урушлар ва давлат бошқариш билан банд бўлиб, керакли билимларни эгаллаш олмади. Шунинг учун ҳам Чингизхон ҳокимияти тугагунга қадар айрим юкори лавозимлар уйғурлар, форслар, хитойлар қўлида қолаверди.

Уйғур ёзувининг сақланиб қолишига иккинчи сабаб шуки, давлат бошқариш, идора ишлари рисоладагидек йўлга қўйилган эди. Қолаверса, Чингизхон туркийлар маданиятига ҳурмат билан қараган. Угадай (Чингизхондан кейинги иккинчи хон) хукмронлиги даврида ҳам бу анъана давом этди. Гарчи унинг айрим ўғиллари насроний-мўғулча, айримлари мусулмонча тарбия топган бўлсалар-да, уйғурлар дини, маданиятига катта ҳурмат билан қарадилар.

Чингизхон туркийларнинг ёзувлари билан бирга, тилларини ҳам ўз давлатида расмий тил сифатида жорий қилди. Чингиз буйруқларини, ёрлиқлари, эсдаликларини уйғур ёзувида битди. Олтин Урда хонлари ҳам уйғур ёзувидан кенг фойдаландилар. Мўғул ва туркий аскарларга, барча аҳолига Чингизхон буйруқлари уйғур ёзувида ва туркий тилда етказилди. Мақсад — ҳар бир халқ ўз тилида буйруқ олсин ва уни қийинчиликсиз тушуниб етсин. Уйғур ёзувида ҳужжат битувчилар бахши ёки битигчи деб юритилган.

Мўғулларнинг хизматларидан яна бири шу бўлдики, улар Олтин Урдага уйғур ёзувини олиб келдилар. Оқибатда XIV аср охирларига мансуб бўлган уйғур ёзувидаги олтин Урда ёрлиқлари бизгача етиб келди. Бу даврга оид уйғур алифбосида Тўхтамишхоннинг номи сзилган тангалар, яна уйғур ёзувида ва чигатой тилидаги Тўхтамишхон ҳужжатлари бор. Бу ёрлиқ муҳим ҳужжат бўлиши билан бирга, тарихий-сиёсий ҳодисаларни тўғри баҳолашда муҳим воситадир. Аммо араб ёзувида битилган ёрлиқлар ҳам баравар қўлланаверди.

Олтин Урдадаги маданий ҳаёт маълум қатъий қонуният билан чегараланмаган кўринади (Биз ёзув ва тилни назарда тутяпмиз). Элчиларга бериладиган байс-Глар уйғур алифбоси билан мўғул тилида битилган.

<sup>1</sup> Байса — бирор мамлакатга сафар қилувчи кишиларга мўғул қонунлари номидан йўлга керак бўладиган ҳамма нарсани олиш учун бериладиган рухсатнома. Булар олтин, қумуш, чўян, бронза ва ёғочдан ишланган тахтача шаклида бўлган.

Чамаси, уйғур алифбосини мўғул тилига мослаштириш кейинроқ — мўғулларда тил ва ёзув маданияти анча шакллангандан кейин пайдо бўлди. Бир байсада шундай ёзилган: «Абадий осмон кучи билан. Буюк кудрат хомийлиги остида Абдуллахон фармони иззат-хурмат қилмаган кимса моддий зарар қўради ва ўлдирилади». Абдуллахон Олтин Урдада XIV асрнинг 60-йилларида хукмронлик қилган хон эди.

В. В. Бартольд «Туркий ва мўғулларнинг дафн одатлари ҳақида» номли мақолада туркийлар ва мўғуллар мархумларга қандай муносабатда бўлганини кўрсатиб, қайси бирида ибтидоий қайси бирида рисоладагидек эканлигини шундай изоҳлайди: «Мўғулларда ҳам ўлган одам рухига топинганлар ва шаманлик ғояларига боғланган. Аммо бу одатлар бизга маълум бўлган турк халқларидагига қараганда жуда ибтидоий ва варварлик характериغا эга эди»<sup>1</sup>.

Туркийлар ва мўғуллардаги дафн одатлари маконда бир бўлгани учун ҳам умумийдир. Туркийлар Марказий Осиёда мўғулларга қараганда катта мавкега эга эдилар. Манбаларнинг кўрсатишича, урхун туркларидида шаманлик оқимиға таянган урф-одатлар мўғуллардагига қараганда илғорроқ эди. Урхун туркларидида вафот этган одамнинг хотирасига атаб ўлдирилган душманларнинг хайкалчаларини ясаб қўйиш одати бор эди. Мўғулларда эса бу одат анча вахшиёна тусда эди. Вафот этган хон ёки амалдорни кўмиш маросимида унинг уйидан то қабристонга боргунга қадар йўлда учраган одамни ўлдираверганлар. Мункахон ўлгандан кейин «Хоконимизга хизмат қилиш учун у дунёга равона бўл!» деб йўлда учраган йигирма мингдан зиёд одамни ўлдирганини юкорида айтдик.

Урхун туркларидидаги шомонлик одатларининг мўғулларга ўтиб, вахшнёна тус олиши улар ўзлари тўкиб чиқарган ўта ибтидоий тасаввурларининг ифодасидир.

Мўғулларнинг турмуш тарзи туркий қабилалар таъсирида ўзгара бошлади. Улар туркийлардан мархумга балбал қўйишни ўргандилар. Мўғуллар ҳам хайкалчаларнинг бошларини олиб ташлаганлар, хайкалчаларнинг

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовский. Олтин Урда ва унинг қулаши, Тошкент, 1956, 137-бет.

боши бўлса, бизга зарар келтиради, деб ўйлаганлар. Шу тариха мўруллар уйғурлардан кўп нарсаларни ўргандилар,

Араблар келган вақтда Марвда жуда кучли, бой муассасалар, диний уюшмалар фаолият кўрсатиб турар-ди. Ираблар нстилоси даврида ҳам улар ишларини давом қилдиравердилар. Настурий дини уюшмаларидаги филологлар хп.шатчилар аллақанча ақчалар сарф қилиб, ШССИОНерлар ёрдамида туркларни, айниқса уйғурларни қўрига жалб қилишга ҳаракат бошладилар. Миссияларнинг ташвиқоти билан баъзи уйғурлар настурий пппга кирдилар, диний китобларни ўқиш мақсадида ц и гурий ёзувини ўргандилар ва шу ёзувда диний китоблар битдилар. Масалан, «Тазкиратул-авлиё», «Меърож-НОМ», «Бахтиёрнома» каби китоблар настурий ёзувида битилди. Машхур «Кутадғу билиг» китоби ҳам халқ орсидида тез тарқалиши учун уйғур ёзувида кўчирилди.

Христианлик ва будда мазмуни сўғд ёзувида битилган матнларда ҳам бор. Уйғурлар билан сўғдларнинг бир ҳудудда аралашиб яшашлари туфайли уларнинг ёзуви, маданияти ва адабиётида яқинлик пайдо бўла бошлади.

Туркий қабилаларда будда диниинг қабул қилиниши турли даражада эди. Шарқий Туркистондаги туркийлар маълум даражада буддани қабул қилган бўлсалар («Олтин ёрук» бунга гувоҳ), урхун туркларидида бунинг лкси бўлган эди. Бироқ буддизм урхун туркларига ўз гаъсирини ўтказа олмади. Иккинчи турк хоқонлиги даврида хоқонлардан бири ўзига будда хонақоҳи қурдир-МОКЧИ бўлди, аммо маслаҳатчиси Тўнюкқ будда таъли-МОИ туркийларнинг ҳарбий ҳаракатлари учун халақит беради, деб хоқонни бу фикридан қайтарди. Чунки будда дини ақидаларига биноан бирор жонзотни ўлдириш гаъқиқланади.

Шарқий Туркистон, Урта Осиё ва Марказий Осиёга Турли динларнинг кириб келиши ва уларнинг ўзаро «кура...» мураккаб. Динлар кириб келган, уларни олиб • е ЦП миссионерлар эмас, диний оқимларнинг ўзи қурашган. Езувларнинг вазифаси бу соҳада алоҳида аҳамият қўлга киритиш эди. Ёзувлар у ёки бу динни олиб келишда асо- • пп вазифани бажарган.

III асрдан бошлаб Ғарбнинг икки дин вакиллари —

монийлик ва насронийлик вакиллари ўз алифбосини жорий қилиб, ҳар томонга тарқата бошладилар. Зардуштийлик ғоясини насронийлик ва буддизм билан бирлаштиришга уриндилар.

Урта Осиёда монийлик насронийлик таълимотидан эртароқ бошланган. Динлар фақат тор, хусусий мақсадда эмас, балки бутун жамиятнинг манфаатларини назарда тутиб, эзгуликни тарғиб қилди. Ҳамма диннинг мақсади ҳам аслида шундай.

Бу даврда энди ёзувнинг мақсади анча ойдинлаша бошлади. Ёзув ва дин ўртасида муносабат юзага келди. Моний ёзуви ҳам, насроний ёзуви ҳам ҳар икки дин тарфиботига хизмат қила бошлади.

Ёзувнинг кириб келиш йўллари кўп. Жумладан, қадимий эрон ёзуви диний ташвиқот туфайли эмас, балки савдо-сотик муносабатлари сабабли туркийлар орасига тарқалди. Александр Македонский юришидан сўнг Шарқий Эрон вилоятлари узоқ вақт ғарбдан ажралиб, сўғд маданияти ва буддизм таъсирига тушиб қолди. Буддизмга мансуб миссионерлар эроний ва туркий аҳоли орасига хинд алифбосини олиб кирдилар. Туркистондан топилган туркийча будда матнларининг айримлари хинд алифбосида ёзилган. Буддистлар сўғд алифбосини ҳам ўзлаштириб олишди. Туркийлар ўртасида бу ёзув қўлланди.

Туркийлар тарихида уйғурларнинг шомонликдан келиб, ёзув туфайли кириб келган монийликнинг қабул қилиниши анча олдинга силжиш эди. Шомонларнинг таълимоти бўйича, одам ёки хайвонни ўлдириш унинг келажак ҳаётида фақат фойда келтиради. Монийлик тарафдорларининг қарашича, нафақат одам ўлдириш, балки хайвонларни сўйиб, гўштини истеъмол қилиш ман этилган. Эски ва янги таълимот ўртасидаги зиддиятларни туркийлар онгли равишда фахмлай бошладилар: ёд-номаларда айтилишича, илгари гўшт билан овқатланадиган халқ энди гуруч билан озикланади. Илгари қотиллик кўп бўлган мамлакатда энди фақат эзгулик ҳукм суради. Кўринадик, монийлик таълимоти қабилалар, қолаверса, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ички низоларнинг олдини олишга, халқларни тинч-тотув яшашга ундовчи бир чақириқ эди.

Шарқий Туркистондаги туркийларга буддизмни олиб келган миссионерлар қаторида хинд савдогарлари ҳам

кириб ҚвДИЛар. Туркийлар бу савдогарларни сартлар . . . . . I. П. I. П. XI асрга келиб бу сўз туркийлар ва мўғул- .|.||ц|. I чтпик иомга айланиб қолди.

Гурм (СОКОНЛИ) тугаб, уйғур хоконлиги бошланган . . . . . I. III. П. уш урхун ёзуви Сибириё ва Мўғулистонда XIII мргача қўлланаверди. Баъзан эса ҳар иккаласк б ||>Iп.|| амал қилди. 784 йилда уйғур хонларидан Моюн. •I рнинг мозорида ўрнатилган тошнинг бир томонида ур- .и йвуви, бир томонида уйғур ёзуви битилгани бунинг бир намунасиدير.

Хуллас, туркийлар ёзувининг илк даври тарихи мана Iардан нборат.

## ИРҚ БИТИГИ

ҚвДИМПИ туркий адабиёт бирданига пайдо бўлмади: бир неча асрлик феодал жамиятининг талаблари асо- 'IМI келиб чиқди. Феодал жамиятидаги ўзаро низо ва идоатларга чек қўйиш йўлидаги уринишлар, халқнинг ЙСС ппчплардан ўз ватанини химоя қилиш учун кураш- Iври, айрим шахсларнинг жасоратлари ёзма адабиётниш иIИ KI қилди. Урхун-энасой обидалари тарихий-қахра- МОНЛИК кўринишида яратилди. Зотан, бу кишилик жа- МИЯТИдаги зарурий қонуният бўлиб ҳаётий ходисалар» нп I•птошларда ўз муҳрини қолдирди.

Қадимги туркий адабиётнинг иккинчи қатлами ва йўналишининг юзага келишида бошқа омиллар ҳам. МВВЖуд. Бунга бошқа бир тарихий шароит ва маданий м\ хит сабаб бўлди.

Кўк турклар давлати уйғурлар томонидан тугатил- гандан кейин жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Энди туркийлар маданиятининг маркази Жанубий Си- бириё ва Қорақурум шахридан Шарқий Туркистонга- кўчди. Кўшни халқлар билан савдо-сотик алоқалари қу- чайди ва маданий ҳаёт тубдан ўзгарди.

Шарқий Туркистондаги туркийлар ҳаётида маданий- пктпсодий ўзгаришлар VII асрнинг охирларига тўғри ке- ЛВДИ. Бу даврда Шарқий Туркистонга сўғд ва хинд сав- ДОГарлари кириб кела бошладилар, улар ўзлари билан бирга сўғдлар ва хиндларнинг маданиятини ҳам олиб | ела бошладилар.

Туркистондаги қадимшунослик экспедициялари нати-

жасида топилган ашёвий далилларнинг хабар беришича, суғд тилида ёзилган будда адабиётлари туркий тилга таржима қилинган. Мазкур будда адабиёти намуналари туркийларнинг маънавий ҳаётига, туркий адабиётга ҳам ғоявий, ҳам бадиий жихатдан кучли таъсир этди, Шунингдек, монийлик ва насронийлик адабиёти намуналари ҳам туркий адабиётга таъсир этмай қолмади.

Шаркий Туркистоннинг асосий аҳолиси саналган уйғурлар ўғуз турклари сингари шомонлигича қолмаганини, улар монийлик ва буддизм таъсирига берилганини ҳам юқорида айтиб ўтдик. Бу оқимларнинг кириб келишида маданий ва савдо-сотик алоқалари билан бирга, бадиий таржималар шубҳасиз катта роль ўйнади. Ҳар қандай мафқурани кенг халқ оммасига етказишда бадиий адабиёт энг қулай восита эканлиги ўша даврдаёқ маълум бўлган эди.

Диний оқимлар ўртасидаги кураш ёзма адабиётда ўз изини қолдирди.

Ирқ битиги — қадимги туркий адабиётнинг бир намунаси. Шомонлик ва монийликнинг бирикуви шундай бир адабиётни юзага келтирдик, у анча мураккаб. Ирқ битиги ана шу типдаги адабий ёдгорликнинг бир намунаси саналади.

Ирқ битиги руний ёзувда (урхун ёзувида) битилган, қўлёзмасини XIX асрнинг охирида инглиз олими Арнольд Стейн Дунхуан шаҳридан топган. Биринчи марта В. Томсон уни инглиз тилига таржима қилган, сўнгра С. Е. Малов бу ёдномани рус тилига, Ҳ. Н. Орқун эса турк тилига таржима қилган.

Йирик олим И. В. Стеблева Ирқ битигини шеърый асар сифатида юксак баҳолади. Ўзбекистонда ушбу асар юзасидан А. П. Қаюмов амалга оширган иш диққатга сазовордир. У «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлигининг биринчи жилдида Ирқ битигининг (Китобда «Таъбирнома» остида берилган) ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида тўхталиб, унинг қадимги туркий адабиётда тутган ўрнини юксак баҳолади.

Ирқ битиги қадимги турк мифологияси ва урф-одатлари заминида шаклланган адабиёт эди.. Мифология ва туркий урф-одатлар, қадимги туркийларнинг дунёқараши таҳлил қилинса, Ирқ битигининг моҳияти тўла очилади.

В, Томсоннинг фикрича, Ирқ битиги VIII аср ўрталаши ва IX асрнинг бошларида яратилган. У, чамаси, бу даврдаги маданий муҳит ва диний оқимларнинг туркий ҚВЛҚлар адабиётига кириб келишини назарда тутган кўринади. Бу фикр ўзини оқлайди.

Асар қадимги турк даврига оид урхун-энасой ёдномаларидан яна шуниси билан фарқланадики, у қоғозга ёзилган. Саҳифалари 13,6X8 сантиметр ҳажмидаги китоб бўлиб, юз бетдан ортиқ. Китобнинг номи асар охирида Ирқ битиги деб номланган: «Энди амрақ оғланам, анча билинлар, бу Ирқ битиг адгу ол — Энди суюкли ўрилларим, шундай билинлар, бу Ирқ битиги яхшидир». Ирқ сўзи хозирги Фол сўзига тўғри келади. Шунинг \ч\п бу китобни Фол китоби деб атаса ҳам бўлаверади. Аммо асарнинг бундай номланишидан у диний асар «кан, деган хулоса келиб чиқмайди. Унда диний мотив ёки образлар умуман йўқ. Китобнинг мақсади — халқни эзгуликка чорлаш.

Ирқ битиги Исиг сангун ва Ите чуқ номли икки шоғирд бола учун ёзилган. Асарнинг энг охириги саҳифасида унинг санаси ва ким учун мўлжаллаб ёзилганлиги кўрсатилган: «Барс йил ақинти ай, биш йигирмика Тайғунтан тапистаптақн кичик динтар буруа қурулартан ашитанлар Исиг сангун ва Ите чуқ учун битидим — Барс йилининг иккинчи ойи ўн бешинчисида Тайғунтан саройидаги қуйи табақалардаги монийлар Буруа қури типгловчилари Исиг сангун ва Ите чуқ учун битдим» (65)'.

Шахсий ҳаётда ва давлат ишларида одамлар фолбиларга мурожаат этганлар. Вактлар ўтиши билан уларнинг «баён»лари ёзиб олинган ва кенг қўлланавергап. Дастлабки маданий тараққиёт даврида фолбинларнинг «баён»ларига катта аҳамият берилган ва бу баёнлар оғиздан-оғизга ўтиб силликланган. Бирок монийлик ва буддизмнинг туркийлар ҳаётига кириб келиши билан маънавий эҳтиёж яна ҳам кучайди. Тарғибот ишлари ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Фолбинларнинг ёзиб олингап баёнларига аҳамият бера бошладилар.

Фолбинлар дунёқараши кенг, билимдон одамлар

1 Ирқ битигидан олинган парчалардан сўнг хар бир бўлимнинг артиб номери берилди (Мух.).

бўлиб, улар ёзма адабиётнинг турли жанрларини мукамал билган, қадимги туркий асотирлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлган.

Ирқ битиги маълум бир ахлоқий принципларни тарғиб этган, инсониятнинг ўзи томонидан яратилган принципларни химоя қилган. Шунинг учун Ирқ битигинк панд-насихат типига асар деб қараш мумкин. Қитобнинг ёзилган йили аниқ маълум бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, қадимги туркий адабиётнинг порлоқ, энг гуллаган даврига тўғри келади. Ирқ битигининг ўзига хос тарзда яратилишига таржима адабиётларининг таъсири ҳам катта бўлди.

Ирқ битигида давлат манфаатлари ёки маълум гуруҳларнинг манфаатлари бош ўрин тутмайди. Айрим ўринларда баъзи парчалардаги образларнинг идеаллаштирилиши ўқувчини шундай хулосага олиб келиши мумкин. Масалан, Ирқ битигининг биринчи саҳифаси шундай: «Мен Тинсиман, эртаю кеч олтин тоғнинг устида ўтириб кувонурман, шундай билинлар: яхшидир бу» (1). Бунинг остида ҳукмдорни идеаллаштириш билан бирга, халқ осойишта ҳаёт кечирса, подшоҳ ҳам шунга хурсанд, деган мазмун ётади. Шунинг учун бўлса керак, қадимги туркийлар Тинсини қуйидагича тасаввур қилганлар: одамлар Тинси (Чин ҳукмдори)ни тушида кўрса, бой бўлади. Бундай ғоялар ўша даврдаги халқпарварликнинг бир кўринишидир.

Ирқ битигида фольклор мотивларини, космогоник ва календарь мифни, тотемистик мифни, лирик кайфиятни, табиатнинг жонли тасвирини кузатамиз. Аммо буларнинг остида ётувчи ғоя, образли тафаккурнинг илдиэлари жуда қадимга бориб тақалади. Инсон ташки оламни ақли етганча ўзлаштириб ола бошлагандан бери бадий образли фикрлаш бошланган. VII—VIII асрга келиб, айниқса Ирқ битигида у ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди. Ирқ битигидаги яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ғоянинг фаркланиши, яъни нима яхшию нима ёмон эканлигини ажрата билиш, ғояларни кенг халқ омасига етказиш унинг негизини ташкил қилади. Асарда туркий халқлар ҳаётининг барча томонлари — маданий-маиший турмуши, одамларнинг ўзаро муносабатлари ва ахлоқий принциплари ўрин олган.

Ирқ битиги туш кўриш ва уни таъбирлаш шаклида

ЗЗИЛган, шунинг учун кейинги пайтдаги этнографик маъжумбтлар ундаги ҳар бир эпизоднинг моҳиятини очади. Машхур фольклоршунос А. Н. Пантусов XIX аср охири-м)ида Или уйғурларидан этнографик маълумотлар §зиб олган эди. Ана шу маълумотлар Ирқ битигидаги КИИЖ ҳикоячаларнинг мазмунини очиб беради. Ирқ битиги билан Пантусов ёзиб олган этнографик маълумотлар ўртасидаги уйғунликни бир-икки мисол билан кўрса бўлади. Масалан, Пантусовнинг хабар беришича, Или угурларининг эътиқодига кўра, одам тушида бургут ёки қора қушни кўрса бой бўлади. Ирқ битигидаги қуйи-Д8ГИ эпизодлар шу тасаввурга мос келади: «Олтин қанЮЮИ жасур қора қушман, танам яна бутунлай қуримас-1.ИИ, денгизда ётиб топган нарсамни ейман, яхши кўрган оикатимни ейман, шундай кучлиман, шундай билинлар: /1хшидир бу» (3). Еки Ирқ битигининг олтинчи саҳифасида бургутнинг ҳолати шундай тасвирланади: «Мен окрангли бургутман. Сандан ёғочи устида ўтириб, хурсанд бўламан, шундай билинлар: яхшидир бу» (6).

Одам тушида подшоҳларни кўрса, унга бойлик келади ва узоқ умр кўради. Бу тасаввурнинг бадий йўсиндаги ифодаси Ирқ битигида шундай: «Хокон урушга борган, душман устидан ғалаба қилган, уларни кўчириб, жойлаштириб, уйга қайтган, ўзи, қўшини хурсанд бўлиб, клроргоҳ томон келар дер, шундай билинлар: яхшидир бу» (34).

Ирқ битигидаги мифологик мазмун рамзий образлар асосига қурилган бўлиб, миллийлик, географик муҳит доирасида чегараланган. Айниқса, ойнага бағишланган эпизодда буни яққол кўриш мумкин: «Аёл кўзгусини кўлга тушириб юборди, эрталаб чалинади, кечқурун чалинади, дер, шундай билинлар: мунглидир бу, жуда ("мондир бу» (22). Кўзгу — бу аёл кишининг тақдири рамзидир. Агар аёл кишининг ойнаси йўқолса ёки шикастланса, унга бахтсизлик келади. Умуман, Ирқ битигидаги мифологик мотивларни инсоннинг табиат олдидаги стихияли қарашлари мажмуи деб тушунмаслик керак. Бундай қараш хато бўлиб, бутун бир халқнинг бадий тафаккурини инкор қилишга олиб келади.

Буюмлар ҳақидаги тасаввурларни талқин қилиш ва -\одисаларни баҳолашда «яхши» ёки «ёмон» деб чиқариладиган ҳукм воқеаларнинг мантиғидан келиб чиқади.

Ирк битигидаги парчалар остида яширин мазмун бор. Бундай парчаларда муаллифнинг ҳаёлот ва ижодий эркинлиги яққол намоён бўлади. Ун еттинчи саҳифага му-рожаат қилайлик: «Зотдор от Шарқ томондан чарчаб,, озиб-тўзиб қайтди, тангри шарофати билан тоғ устида жилға сувини кўриб, ўрмон ичида кўм-кўк ўт кўриб,, юриб бориб, сув ичиб, ўт еб, ўлимдан халос бўлди дер, шундай билинглар: яхшидир бу» (17).

От туркийларда муқаддас ҳайвон саналгани маълум.. У одамнинг доимий йўлдоши сифатида талқин қилінган. Буни қадимги туркийлардаги дафн одатлари ҳам тасдиқ-лайди. Зотан, от нима учун бошқа томондан эмасу айнан Шарқ томондан келади? Бунга сабаб туркийлар-нинг ватани Шарқда эканлигидир, айна пайтда Шарқ — кун чиқиш деган маънода ҳамдир. Уз-ўзидан от бу ўрин-да қуёш култи билан боғланган. Қуёш Шарқдан чиқади.

Ирк битигидаги ҳайвонлар, қушлар образи, баъзи жисмлар ҳақидаги тасаввурлар скифлар ва туркийлар муносабати ҳақида сўз юритишга ундайди. Скифлар та-риhini ўрганиш соҳасида тарихчи ва қадимшунослар бир қатор ишларни амалга оширганлару аммо ҳамма ишлар бир-бирини инкор қилади. Чунки бу тарихлар-нинг кўпчилиги ё далилларга таянмаган ёки далиллар топилганда ҳам скифлар тарихини сунъий яратишга хизмат қилган. Шунингдек, гарчи далиллар етарли бўл-са ҳам, скифлар ва туркийлар тарихи ҳақида ҳеч қандай фикрлар айтилмаган.

Ирк битиги ва скифлар маданияти. Аввало скифлар-нинг кимлар эканлиги ҳақида.

Марказий ва Урта Осиёда яшаган халқларни биз ёз-ма манбалар, Хитой йилномаларига таяниб туркийлар деб атадик. Шу ўринда Марказий Осиё атамаси ҳақида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Марказий Осиёга ҳозирги Мўғулистон, Тува, Байкалорти, Жанубий Олтой, Шар-қий Туркистон ва Минусинск хавзаси кирган. Марказий Осиёнинг илк феодал даври бугунги кунда яхшироқ маълум. Илк феодал даври эрамизнинг IV—X асрлари бир-ринчи ярмини ўз ичига олади. Шунингдек, Жанубий Сибирий ва Марказий Осиёдаги илк феодал даври қа-димги турк даври деб аталади. Уша даврда Марказий Осиёнинг тоғли-чўл ва чўл жойларида туркий тилли қа-

билалар ва қабилалар уюшмасининг (туркийлар, кир-РИЗлар, уйғурлар) бирлашуви бошланди.

Энди туркий ёзма адабиёт ёдгорликлари яратилгунга қидар, айтайлик, эрамизгача бўлган даврда Марказий (>сп(да кимлар яшаган, деган савол туғилади. Бу ҳақда б'ъзан тўғри, баъзан нотўғри гаплар юради. Ҳамма му-КОЭара ва тортишувлар скифларнинг қаерда яшаганли-г III• [ эътироф этиш ва инкор қилишга бориб такалади.

Хўш, скифлар кимлар ва улар қаерда яшаган? Ски-фия деган мамлакат қаерларни эгаллаган? Бу саволлар-га бирданига, бир сўз билан жавоб бериш учун етарли ҷалиллар керак.

Ҳозир бу йўналишда иш олиб бораётган олимлар СКИфлар ва Скифия масаласи хусусида турли фикрлар-пп лптмоқдалар. Уларнинг бир қисми скифлар ва Ски-фия мамлакатини чегаралашда марҳумларни дафн қи-ЛИШ одатлари, ҳарбий қуроллар, жанговар отларни бе-ИПИШ санъати ва бошқа турли безакларга таяниш К\*рақ, дейдилар. Ана шунга асосланиб, Украина, Мар-КвЗИИ Россия ерлари Скифия давлати бўлган, дейдилар.

Скифлар келиб чиқиши, шаклланиши жихатидан бит-|.| клбила ёки халққа мансуб эмас. Скиф атамаси сиё-| пп уюшмага нисбатан қўлланган бўлиши керак. Эра-МИЗДан аввалги V асрда яшаган грек тарихчиси Геродот ( кпфларнинг келиб чиқиши ҳақида учта афсона борли-гнпп айтади ва энг ишончлиси Урта Осиёдан чиққанлиги Вкидаги афсонадир, дейди.

Ўу даврда Урта Осиёда эроний ва туркий тилда сўз-ллшувчи қабилалар уюшмаси яшаган. Уларнинг санъ-ПТИ, маданияти ҳам бир эди. Скиф-Сибирийё ҳайвонот услуби деган тушунча айна шуларга тааллуқлидир. Ур-|.| Осиёда фақат эроний халқлар яшаган деган тарихчи-| |ё эса скифлар эроний халқларга тааллуқлидир, дей-|ц. |ар. Бундай фикрларнинг илдиз отиб кетишига сабаб Шуқи, Урта Осиё ва Марказий Осиёдан топилган акса-РИЯТ материаллар асосан эроншунослар қўлида қолган

111

(.киф-Сибирийё ҳайвонот услубининг моҳияти ва мақ-СДИ шундан иборатки, барча тасвирий санъат асарлари птопот тасвиридан иборат. Шунингдек, амалий санъат ц.|мупалари ҳам ҳайвонот услубида бажарилган. Аммо |'.||.1|| тарихчи олимларнинг даъво қилишларича, Сибирий



риёдаги туркий халкларнинг тасвирий санъати асарлари қадимги Греция тасвирий ва амалий санъат асарлари таъсирида яратилган эмиш.

Асримизнинг 30-йилларидагина Сибириёдаги скиф-хайвонот услубида бажарилган асарлар қадимги Грециядаги шу хилдаги асарлардан шакли ва мазмуни жиҳатидан фарқ қилиши исботланди.

Илк скиф санъатида хайвонлар турли кўринишда — юриб бораётган, тик турган ва ётган ҳолатда тасвирланган. Хайвонлардан от, эчки, кийик, қуён тасвири кўп учрайди.

Скиф-хайвонот услубининг қадимги туркий ёдномаларга ўтишида туркий эпослар, афсоналарнинг хизмати жуда каттадир. Чунки қадимги туркийлар тасвирий санъатга ҳам, афсоналарга ҳам бой бўлишган.

Скиф-хайвонот услубининг қадимги туркийлардаги исмларга ҳам таъсир этганини кўрамиз. Қадимги туркийларнинг баъзи қабилаларида исмлар шундай қўйилган: агар у жангда қахрамонлик кўрсатса, шунга монанд исм танланган. Айниқса, Энасой ёдномаларида ўша хусусият кўзга ташланади. Масалан, Чучук бўри сангун, Туз бай куч Барс кулуг-Туз бай-кучли Барс, машхур. Ҳар икки исм — Бўри ва Барс хайвонлар номидан олинган.

Қадимги туркийлар аъъанасига кўра, бундай қахрамонлар қабиллада катта мавқега эга эди. Шу боис уруғ номи ўша одам исмига кўчган: Бўри қабиласи, Барс (йўлбарс) қабиласи.

Скиф-хайвонот услуби туркийларнинг ҳарбий ҳаётида яққол кўзга ташланади. Эрамизгача бўлган I минг йилликда Ғарбий Овруподан тортиб Хитойгача бўлган ҳудудда ўзига хос бу хайвонот услубидаги санъат намуналари кенг тарқалган. Чунки санъатдаги мазкур услуб аввал сак-искит туркларида пайдо бўлиб, сўнгра Оврурога тарқалган.<sup>1</sup>

Б. Грековнинг эътирофи этишича, бургут скифларда осмоннинг кенглигини англатган. Бу рамзий образ шох деган маънодадир. Скифларда ҳам, туркийларда ҳам бургут фазога боғлиқ ҳолда талкин қилинади. Ирк битигида ҳам бургут хоконликнинг рамзи сифатида келти-

<sup>1</sup> Шукри Қоя Сафар ўғли, Аднан Мударрис ўғли. Турк давлатлари тарихи. Анкара, 1986, 17-бет (турк тилида).

I м I I Ш. Бургутнинг ҳаракати албатта осмон билан боғлиқ, Бургут осмондан қутуриб, кучли товушқон келар, "» гирноғини чиқарди ва чангаллади. Бургутнинг тирноғи с... (б орқага қайтди. Яна бургутнинг тирноғи бир- | I П I I I) кўтарилди, товушқоннинг терисини шилиб олди п, | яна осмонга кўтарилди, шундай билинлар: ёмондир (44). Урхун ёдномаларида ҳам скиф тасвирий санъат билан умумий ҳамоҳангликни кўрамиз. Кул тигин битигигошининг тепасига қалқон лавҳа шаклидаги бургут • | рати тасвири туширилган. У хоконликнинг тамғаси ҳисобланган. Шунингдек, бургут сурати бошқа тошларда ВМ учрайди. (Кўпроқ энасой ёдномаларида). Эрамиз- III олдинги V асрнинг бошларида оид скифларга мансуб бир сурат бор: супачада соқоли ва яланғоч одам туррибди, Унинг оёқ томонида бўри, яна ҳам қуйироқда бургут тасвиридаги тўртта шох ўсиб чиққан. Бургут тасвири хайқалнинг бош қисмида ҳам бор. Бу тасвир скиф-Лвр ва туркийлардаги маданиятнинг умумийлигини кўрсатувчи бир далилдир.

Туркийларда ҳам, скифларда ҳам бўри ҳақидаги таърих аивурлар деярли бир. Бизга маълумки, Кул тигин ёдпомасида бўри Ашин уруғининг тотеми сифатида талкин қилинади: «Отам хоконнинг қўшини бўридай экан, душманли қўйдаи экан». Бу эпизод туркийларнинг нуфузли қабилаларидан бўлган Ашин уруғининг бўридан келиб чиққанлиги ҳақидаги мифга ишорадир. Геродотнинг ҳабар беришича, ҳар бир невр туғилган пайтда бир неча кун бўри қиёфасида бўлади. Сўнгра одам қиёфасига қайтади<sup>1</sup> Геродот скифларни неврлар деб тушунган. Скиф тасвирий санъатидаги бўри тасвири ҳам худди шу маънодадир. Бундан кўринадики, хайвонни хусусан бўрини ўзига қариндош деб билиш скифларда ҳам бор эди.

Скифлар билан туркийлар маданиятининг бирлигини кўрсатувчи яна бир далилга мурожаат қилайлик. Скифларга мансуб бир хайқалда аёл қўлида ойна ушлаб ўтирибди. Унинг қаршисида май ичаётган жангчи скиф тиз чўккан. Б. Греков бу тасвирни изоҳлаб, аёллик худоси олдидаги одат бўлса керак, дейди. Худди шу детални Ирк битигидаги ойна билан боғлиқ парчага қиёслайдиган бўлсак, унинг моҳияти яна ҳам ойдинлашади: «Аёл

<sup>1</sup> Геродот. История в девяти книгах. — Л., 1972, 213-бет.

кўзгусини кўлган тушириб юборди, эрталаб чалинар, кечаси чалинар, дер. Шундай билинглр: мунглидир бу, жуда ёмондир бу». Ойна ҳар иккисида ҳам — скифларда ва Ирқ битигида аёл кишининг тақдири рамзидир.

Шундай экан, бургут, бўри, ойна ҳақидаги тасаввурлар скифлар билан туркийлар маданиятининг бирлигига ишора эмасми? Бизнингча, шундай. Далиллар жуда кўп. Биз фақат баъзи намуналарни келтирдик, холос.

Кушлар ва ҳайвонларнинг инсонларга қанчалик алоқадорлиги, у билан боғлиқ мифлар ва мифологик тасаввурлар Шарқдаги кўпгина афсоналарда бор. Географик муҳит, тарихий шароит мифнинг келиб чиқишини аниқлашда бош мезон бўлиши керак. Шунга асосланиб айтишимиз мумкинки, қадимги туркий ёдномаларда эрон ва араб мифологиясининг таъсири сезилмайди. Шомонлик оқими кушлар ва ҳайвонлар образининг фаолиятида, одамлар сингари мавжудот деб тасаввур қилинишида муҳим роль ўйнаган. Масалан, илон шундай образлардан биридир. Ирқ битигида илон муқаддаслаштирилган, тушда илон кўрса, одамга бойлик келади, деб тасаввур қилинган. Илонга бағишланган парча бирмунча жумбоқли. Бу парчани изохлашда туркийларнинг соф миллий тасаввурларига таянамиз. Бир парчага мурожаат этайлик: «Олтин бошли илонман. Олтин қорнимни қилич билан кесганда, менга йўл индандир. Бошимга йўл уйдандир, дер, шундай билинглр: ёмондир бу» (8). Парчанинг остида шундай мазмун ётади: агар уйда илон пайдо бўлса, уни уч кунгача ўлдириш керак эмас, т-ўртинчи кун ўлдириш керак. Агар илон уч кун ичида уйдан ўз-ўзидан кетса, уй эгасига даромад, бойлик келади.

Демак, юқоридаги эпизодда илон уч кун ичида ўлдирилгани учун ёмонлик белгиси деб баҳоланмоқда (ўзбекларда ҳам ҳозирга қадар «агар одам илонни ўлдирса, илоннинг авлодлари одамдан ўч олади» деган ақида сақланиб қолган). Бу ақида эса илон уч кун ичида ўлдирилгани ҳақидаги ривоятнинг шакл томондан ўзгарган кўринишидир. Лекин моҳият ўзгармаган.

Тотемизм туркийларда фақат диний қарашларнинг мажмуаси эмас, балки уларнинг дунёқараши, жамиятининг ижтимоий тузилишини гавдалантиради. Ирқ битигида тотемларнинг икки хил талқин қилинганлигини кўрамыз: 1) Одам ўзини ҳайвонларга қариндош деб била-

ди. Пунда маълум ҳайвонлардан бирор уруғ келиб чиққан деган ишонч бор. Бўри, илон, йўлбарс, бургут шу гуруҳга тааллуқли; 2) Ҳайвонга нисбатан ҳурмат муно-И.ЛПН ифодаланади. От, оққуш, айиқ ва бошқалар шу гуруҳга мансубдир.

Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқ эртақлари ва Юстонларидаги айрим парчалар билан Ирқ битигидаги парчаларнинг умумий ҳамоҳанглиги уларнинг қадимий (лоқаси хусусида айрим хулосалар чиқаришга имкон беради. Ирқ битигида шундай парча бор: «Бир одам \-рушга борди, йўлда оти ҳасталаниб қолди. Одам оққуш-И дуч келди. Оққуш уни қанотига миндириб осмонга кўгарилди ва жўнади. Ота-онасига етказди. Ота-онаси хур-Свнд бўлар дер, шундай билинглр: яхшидир бу» (35).

Ўзбек халқ эртақларида қаҳрамонларнинг тақдири кўпинча унинг отига ёки кушларга боғлиқ бўлади. Инсон қийин ҳолатда, иложсиз қолганда, от ёки сеҳрли жон-ютлар ёрдамга келади. Юқоридагидек парча эртақлар-И кўп учрайди. Масалан, «Қирон ботир» эртагида парчалар Қирон ботирни ва унинг хотинини керакли жойга кўз очиб юмгунча элтиб қўйган бўлса, «Бахт излаган Йиги» эртагида балиқ одамни ўз устига миндириб, дарё-И ўтказиб қўяди. Бундай эпизодларни кўплаб ўзбек халқ эртақларида учратиш мумкин.

Эртақлар билан Ирқ битигидаги кушлар образи ва умумий ғоя фольклор билан қадимги туркий адабиёт-И алоқасини кўрсатувчи ишончли далилдир. Ирқ битигидаги қаҳрамонлар яқка ўзи ҳаракат қилади, худди Ллпомиш, Гўрўғли сингари жасоратли: «Қўрқмас йигит эрталабгача қояни қавлаб, эгри қояни ёриб, бир ўзи борар дер, шундай алп экан, шундай билинглр: яхшидир бу» (40).

Қаҳрамоннинг жисмонан кучли, жасур сифатларини Қул тигин, Билга ҳокон, Тўнюқуқ ёдномаларида ҳам учратамыз. Масалан, Қул тигин ёдномасида Қул тигин бир ўзи душманга қарши курашади ва ҳар доим ғалаба қилади. Аниқроғи, қўшиннинг фаолияти кўринмайди. Юқоридаги парчадаги йигитнинг жисмонан кучлилиги, нотабиий сифатлари Қул тигиннинг жасоратига ўхшаб кетади. Бундай қаҳрамонлар эртақ ва дostonларга хос. Эртақ ва дostonлар қаҳрамонлари қадимги туркий адабиётда мустаҳкам ўрин олган.

Инсон фаолияти, холатини кашф этиш, инсоннинг турли характер қирраларига мос деталлар топа билиш IX асрдаги қадимги туркий адабиётнинг катта ютуғи эди. Инсон фаолияти билан боғлиқ бир эпизодга диққат қилайлик: «Қиморбоз одам ўғлини, хотинларини қиморга тикиб, таҳликали ўйинда муваффақият қозонган, хотинини бу ўйинда ютқизмаган. Яна тўқсонга эгасиз қўй ютган, ўғли, хотини жуда хурсанд бўлар дер, шундай билинглр: яхшидир бу» (29). Бу хилдаги қаҳрамонлар образи Ирк битиги яратилган даврга келиб ўз қобилигини ёриб чиқди. Янги образлар, характерлар пайдо бўлди.

Юқоридагидек инсон ҳаётининг аниқ манзараси Ирк битигидаги кўпгина эпизодларда бор. Аммо бу оддийлик ибтидоийлик эмас, катта мазмун касб этади.

Ирк битигидаги кўпгина парчалар «бахтли» ва «бахтсиз» кунлар ҳақидаги тасаввурлардан иборат. Н. Пантусов ёзиб олган халқ тасаввурларига кўра, туркийлар ойнинг маълум кунларини бахтсиз, маълум кунларини эса бахтли кунлар деб ҳисоблаганлар. Масалан, ойнинг 3, 6, 22, 25 кунлари бахтсиз кунлар деб ҳисобланган. Шу кунлари овга бориш ёки узоқ сафарга чиқиш, бирор нарса сотиб олиш ёки сотиш мумкин эмас, деган ақида бўлган. Агар шу ишлар қилинса, гўё одамга фалокат келади. Бахтли кунларда эса ҳар қандай ишни қилиш — овга бориш ҳам, бирор нарса сотиш ва сотиб олиш ҳам мумкин. Бу кунларда одамнинг омади келади. Қуйидаги иарча «бахтли кунлар»да қилинган ишнинг натижасидир: «Оқ от ўз душманини аввалги учта туғилганидан танлаб олиб, тавба қилишга, илтижо қилишга олиб борди, дер, кўркма, яхшилаб илтимос қил, хавфсирама, яхшилаб ёлвор, дер, шундай билинглр: яхшидир бу» (19). Н. Пантусов тўплаган материаллар орасида ойнинг 12-куни ҳам худди шундай ишларни амалга ошириш керак бўлган кунларга тўғри келади, бу кун керакли нарсасини сўраб олса бўлади: «Одам эмаклар борган, тангри билан учрашган, бахт сўраган, тангри бахт берган ва шундай дуо қилган: молхонангда йилкинг бўлсин, умринг узун бўлсин, деган, шундай билинглр: яхшидир бу» (47).

Мифга таянган эпизодларда ҳам, одамларнинг одадий тасаввурларига таянган эпизодларда ҳам «бахтли» ва «бахтсиз» кунларнинг изларини кўрамиз. Масалан,

• Вир уй ёниб кетди, пойдеворигача қолмаган, деворига-  
'l.l колмаган, дер, шундай билинглр: ёмондир бу» (9),  
Бир қари хўкизнинг белини чумолилар еб қўйди, ҳара-  
%lg қилиб кўзғала олмайди дер, шундай билинглр:  
|мондир бу» (37). Мазкур парчалар бахтсиз кунларда  
Кўрилган тушнинг натижасидир. Қуйидаги парчалар эса  
мш)ологик асосга қурилган бўлса ҳам, бахтли кунларда  
Кўрилган туш натижасидир: «Бек одам отига тўғри бор-  
ш, унинг оқ бияси қулунлади, олтин туёкли айғир от  
бўлади, дер; туяси томон борди, оқ туяси болалади, ол-  
III бурундукли, туяларни етаклаб юришга ярайди, дер;  
уГшга келди, учинчидан, хотини ўғил туғди, бек бўлади,  
дейди, бахтли бек йигит экан, жуда яхшидир бу» (5).

Мифга ҳам, «бахтли» ва «бахтсиз» кунлар тасаввурини  
|:] ҳам таянмайдиган парчалар борки, улар, маълум ах-  
ЙОкий принципларга таянади: «Аёл киши коса-пиёлалари-  
рини ташлаб ўз йўлига кетди, яна яхшилаб ўйлади: ко-  
са-пиёлаларимни ташлаб қаерга бораман, дер, яна  
цайтиб келди, коса-пиёлаларини соғ-саломат топди, у  
свиниб, хурсанд бўлар дер, шундай билинглр: яхшидир  
бу» (42).

Коса-пиёлалар • — аёл кишининг тақдири, рўзғори,  
оиласи. Бу парча одамларни сабр-тоқатли бўлишга ун-  
даганлиги кўриниб турибди.

Ирк битигида табиат тасвирини беришда деталлар  
аниқ, ходисалар билан тасвир ўртасида мантикий боғ-  
ланишни кўрамиз: «Кул ранг булут юриб келди, халқ-  
нинг устига ёмғир ёғди, қора булут юриб келди, бутун  
атрофга ёмғир ёғди. Экинлар пишиб етилди, янги ўт-  
лар ўсиб чиқди. Отларга, одамларга яхши бўлди, дер,  
шундай билинглр: яхшидир бу» (53). Қадимги туркий-  
лар тасаввурига кўра, тушда ёмғир кўриш фаровонлик  
келтиради.

Бу эпизодда тотемизмнинг илдишларини кўриш мум-  
кин. Чамаси, қадимги туркийларда йилнинг маълум бир  
даврида — эрта баҳорда бирор қутлуғ жойда афсунгар  
урф-одатлар ўтказганлар. Усимлик ёки хайвоннинг номи  
билан боғлиқ қўшиқлар қуйланган. Одамлар ўша тотем  
ўсимликни жўр бўлиб чақирганлар. Одамлар шу тарика  
фаровонлик бўлишини, озик-овқат кўпайишини орзу қил-  
ганлар. Бундай урф-одатлар, биринчидан, ўша жойнинг  
жуғрофий шароитига, иккинчидан, қадимдан мавжуд

бўлган анъанага таянган. «Девону луғатит-турк» (XI аср) да ҳам Ирк битигидаги сингари парчаларни кўплаб учратамиз:

Емғир ёғиб сочилди,  
Турли гуллар очилди.  
Бойлик крпи очилди,  
Чиндан ипор буркирар. (III жилд, 139-бет)

«Девону луғатит-турк» билан Ирк битигидаги табиат ходисалари уйғунлиги бир умумий қонуниятга таянади. Бундай парчаларда одамларнинг энг қадимда табиат ходисаларига бўлган ижобий ёки салбий муносабатлари акс этган. «Девону луғатит-турк»даги аксарият тўртликлар ҳам VI—VII асрларга — қадимги туркий ёдномалар яратилган даврга алоқадор.

Мазкур парчада табиат ходисалари билан одам руҳиятидаги ҳолатлар кўзга ташланади. «Одам ғамга ботди, осмон булутли бўлди. Булутлар орасидан кун чикди, ғам орқасидан хурсандчилик келди дер, шундай билинлар: яхшидир бу» (52).

Агар қадимги туркий адабиётнинг ўзига хос хусусиятини, Ирк битигидаги ҳикоячаларнинг урф-одатлар, ишонч, сиғиниш, афсун ва ривоят билан боғлиқлигини назарда тутсак, бундай парчалар (Ирк битигидаги табиат тасвири билан боғлиқ парчалар) қадимги туркийларнинг маросим кўшиқларидан баъзи намуналардир, деб баҳолашишга имкон беради.

Умуман, Ирк битиги қадимги туркий адабиётда алоҳида бир босқичдир. Бу асарда юксак бадиият, чуқур фалсафий ғоя бор. Урхун-энасой ёдномалари, Ирк битиги, «Олтин ёрук», «Хуастуанифт» каби таржима асарлари қадимги турк даврида катта адабий муҳит бўлганлигидан далолат беради. Шу боисдан ёзма адабиёт маълум бир йўналишга тушиб олган эди, деб фараз қилиш мумкин. Махмуд Қошғарий ҳам «Девону луғатит-турк» асарига материал излаб бутун туркий ўлкаларни кезиб юрар экан, баъзи шоирларнинг шеърларидан ҳам асариде келтиради ва «шоир айтади» иборасини қўллаиди. Бундан кўринадики, VIII—XI асрларда туркий тилда ижод қилган кўплаб шоирлар бўлгану лекин уларнинг

мероси бизга айрим парчалар холида сақланиб қолган. Лимо сақланиб қолган парчаларнинг ўзи ҳам маълум хулоса чиқаришга имкон беради.

#### ОТ ВА НАРИГИ ДУНЕ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАР

Қадимги туркийларда от қутлуғ ҳайвон саналган. У одамнинг доимий йўлдоши, мавқе жиҳатдан одам билан баравар, бир кунда туғилган, деб тасаввур қилинган.

От фақат туркийларда эмас, ҳинд, эроний халқларда ҳам энг қадимий культдир. Жумладан, қадимги ҳиндлар оқ отга ҳурмат бажо келтирганлар, чунки Тваштра (подшо)нинг оқ оти олам оти вазифасини бажаради. Шох қаршилиққа учраса ёки қучдан қолса, оқ от унинг қайта туғилишига ёрдам беради. Шох қайта туғилгандан сўнг унинг хотини фарзанд кўради. Шохнинг жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишига, мол-йилқиси кўпайишига сабаб бўлади, деб хаёл қилганлар.

Бу ўринда бизнинг отга, хусусан, оқ отга мурожаат этишимиз боиси бор. Кул тигин ёдномасида оқ от тасвирига алоҳида урғу берилади, у жангга миниб қирган отлар эсланади: «Биз қарлуқни ҳам қўлга олдик. Аз халқи душман бўлди. Улар билан Қорақўлда жанг қилдик. Бу пайтда Кул тигин ўттиз яшар эди. У алп Шалчининг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. У от ўшанда ўлди... Кул тигин Азманнинг оқ отини миниб отилиб ҳужум қилди. Олти жангчисини ўлдирди. Қўшин ҳужум қилганда, еттинчи жангчини қилич билан чопди. Иккинчи марта Қушлағакда Адиз билан жанг қилдик. Кул тигин Аз қабиласининг кул ранг отини миниб, отилиб ҳужум қилди. Бир жангчини санчди. Тўққиз жангчини атрофида айланиб юриб чопди. Адиз халқи ўша ерда ўлди. Учинчи марта Бўлучуда Уғуз билан жанг қилдик. Кул тигин Азманнинг оқ отини миниб ҳужум қилди, санчди» (Кту, 42-46). Бундай тасвири яна давом эттириш мумкин.

Хун даврида оқ от махсус маросимларда алоҳида вазифани бажарган. Хунларда оқ от азиз саналган. Хун давлатидаги қабила бошлиқлари бир-бирлари билан тинчлик шартномалари тузган пайтда оқ отнинг қонини майга аралаштириб ичганлар. Шу одат орқали бир-бирлари билан уришмасликка, аҳил, иттифоқ бўлишга қасамёд қилганлар. Бу одат ҳар қандай фармоидан устун турган.

Қадимшунос олимларимиз қадимги туркий халқларнинг турмуши, яшаш шароити, урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотларни бизга етказдилар. Бу жиҳатдан от билан боғлиқ дафн одатлари диққатга сазовордир. Марказий Осиёда топилган қадимги турк даврига оид кўпгина қабрларда одамларнинг скелети билан бирга отларнинг скелети ҳам топилган. Одам вафот этганда, оти ҳам марҳум билан бирга кўмилган. Бу одат турли даврда турлича бўлган. Шурмак даврида фақат отнинг эгар жабдуқлари вафот этган одам билан бирга кўмилган. Кейинроқ отнинг туёқлари ва терисини кўшиб дафн қиладиган бўлганлар.

Тоштик даврида бронза буюмлар билан бирга отнинг калла қисми ёки бутун гавдаси дафн қилинган. Баъзан марҳумни дафн қилаётганларида истеъмол қилинадиган хайвонлар — хўкиз, қўйнинг туёқларини кўшиб юборганлар, гўё марҳум ўзи билан дафн этилган хайвон туёқларини у дунёда истеъмол қилади, деб тасаввур қилганлар.

Эрамининг VI—IX асрларига келиб дафн маросимларида бошқачароқ одатлар пайдо бўлди. Бу даврда энди марҳумга тириклигида керак нарсаларнинг ҳаммаси кўшиб дафн қилинган.

Барс бег деган одамга бағишланган бир энасой битигтошида шундай дейилади: «Отни ўзинг билан бирга олмадинг! Учга идишни ўзинг билан олмадинг!» Бу хитобдан маълум бўладики, марҳум ҳаётлигида ишлатган буюмларнинг барчаси кўшиб дафн қилинмаган. Ана шундай ҳолатларда унутиб қолдирилган буюмлар марҳумнинг яқинлари вафот этганда, уларга кўшиб кўмилган. Масалан, бир аёл кишининг қабридан эркаклар боғлаб юрадиган тасма ва бошқа бир қанча буюмлар топилган. Чамаси, бу буюмлар ўша аёлнинг аввалроқ вафот этган эрига тегишли бўлган ва марҳумни дафн қилаётганларида унутиб қолдирилган. Хотини эри билан у дунёда учрашади, ва буюмларни бериб қўяди, деб ўйлаганлар.

Шомонларнинг ўйлашларича, дунёда одамлар, айниқса, қариндош-уруғлар, албатта, бир-бирлари билан учрашадилар. Кўринадикки, у дунё ҳақидаги ишончлар фақат ислом дини таъсирида пайдо бўлмаган, балки тур-

кпларда аввалдан бўлган. Одамлар у дунёда ҳам худди бу дунёдаги сингари яшайдилар, деган ишонч мустаҳкам бўлган. От ва турли буюмларнинг дафн қилиниши бундиг далолат беради.

Қадимги туркийларда отнинг марҳум билан бирга Двфн қилиниши эрамингача VIII—VII асрларга — скиф Двврига хос одатдир. Зотан, қадимги туркийлар тасавпурида нариги дунё қайси томонда жойлашган эди? Урхуп ёдномаларида ҳам, Хитой йилномаларида ҳам туркийлар ватани «кун чиқиш мамлакати» дейилган. Шунингдек, ҳокон қароргоҳига Шарқ томондан қилган. Қадимги туркий ёдномаларда шарққа алоҳида урғу берилган. - Шарқ «илгару» (яъни олд томон) дейилган. Шарқ кўк рангда тасаввур қилинган. Кўк ранг «кўк турк», «кўк тангри» билан уйғун келади. Бу уйғунликнинг ҳам сабаби бор. Кўк турклар шарқий турклар деб аталган. Дафн маросимларида ҳам шарққа сиғиниш одатлари сақланган. Қабрларда марҳумларнинг боши шарқ томонга, отнинг боши эса ғарбга қаратилган. Бунинг маъноси — марҳумнинг ватани Шарқда деганидир. Баъзан қабрдаги отнинг боши шимолга ҳам қаратиб қўпилган. Шимол ҳам марҳумнинг ватанини билдиради. грхун ёдномаларида тўрт томон — Шарқ, Ғарб, Шимол, Жануб турк халқининг ватани дейилади. Аммо булар урф-одатлар билан боғланмаган. Бу тарихий далилларга мос келади, холос. Кул тигин ёдномасида шундай парча бор: «Шимолга — Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим. Жанубга тўқуз арсан қабила-ВЛгача лашкар тортдим, Тибетга бир оз етмадим, Ғарбга-Йинчу ўғуз (Сирдарё)ни кечиб, Темир дарвозагача қўшин тортдим. Жанубга-Иир Байирку ерига лашкар тортдим» (Ктк, 3—4).



## ИЛОВА

### «ШАХЗОДА ВА БАРС» АФСОНАСИ

Утган замонда Чамбуди ўлкасида Мағаради Отлий давлатманд хон бор эди. Мағаради жуда бой, мулки бехисоб, омборлари дон-дун, мол-матого тўла эди. Узи эса жуда жасур, ўқ-ёй отишда тенги йўқ, қудратли хокон эди. Тўрт тарафдаги халкни эгаллаб, катта давлат барпо қилган эди. Уни ўз хоконлигидаги халклар ҳам, бошқа давлат фуқаролари ҳам ҳурмат қилар эдилар.

Мағаради адолатли поДшоҳ бўлиб, мамлакатни қонун-қоидалар бўйича бошқарарди. Шул боис унинг мамлакатига бошқа юрт фуқаролари ҳам келиб яшар эди. У катта обрў ва қудратга эга бўлганлиги учун душманлик қилишга ҳеч ким ботинолмас эди. Хоконнинг катта хотинидан туғилган учта ўғли бор эди. Улар жуда кўркам, энг муҳими, аклли эдилар. Катта ўғлининг оти Мағабали, ўртанчасининг оти Мағадиви, энг кичик ўғлининг оти Мағастви эди. Бир куни хон ва ўғиллари сайр айлагани йўлга чиқдилар. Улар анча дам олиб, қўнғилларини хушнуд этгандан кейин отасидан ўтиниб, илтимос қилдилар: Ота, рухсат берсангиз, тоғнинг мева-чеваларию гулларидан териб келсак. Ота рухсат берди. Учала ўғил узок юриб, қамишлар ила қопланган ариққа етиб келдилар. Уша ерда дам олгани ўтирдилар. Дам олиб ўтирганларида, энг катта шахзода икки инисига: Эй иниларим, мен бугун жуда кўрқяпман, ваҳима босяпти. Тағин бу ариқ ичидаги ёвуз ҳайвонлар бизга шикаст етказиб юрмасин, деди.

Иккинчи шахзода деди: Эй ака, мен эса жонимни асрагим келмайди. Бизга биродарлардан айрилишдек ғам-ташвиш бўлмаса, деб кўркаман.

Бу гапни эшитиб турган энг кичиги — Мағастви иккала акасига шундай деди: Мен ҳеч хавф ва кўрқув

сезмаяпман. Жондан айрилишдек ташвишим ҳам мўқ. Хар холда, мени аллақандай шодлик, хурсандлик қутаёттир. Биз бирор яхши неъмат топсак керак.

Учала шахзода арз-холларини бир-бирига айтиб бўлгач, ўринларидан туриб, ариқ ичи бўйлаб кетдилар. Анча юрганларидан кейин янги болалаган йўлбарсни кўрдилар. Йўлбарснинг болалаганига етти кун бўлган эди. Етти боласи унинг атрофини ўраб олган, она йўлбарс ҳам, болалари ҳам очлигу сувсизликдан холдан тойган, ўлар ҳолатда ётар эди. Уларни кўриб Мағабали айтди: Бечора урғочи барснинг болалаганига етти кун бўлибди, етти боласи ҳам ўлар ҳолатда экан. Уларга юмшоқ овқат керак. Она йўлбарс очликдан ўз боласини емоқчи бўляпти. Бундан ҳам ортиқ азоб бўладими?!

Бу сўзни эшитиб Мағастви акасидан сўради: Бу йўлбарс нима ейди, маъқул овқати нима? Акаси унга жавоб берди: йўлбарс, ёввойи мушук, арслон, бўри, тулкининг овқати иссиқ кон ва гўштдир. Бундан бошқа ичимлик ва овқат йўқки, холдан тойган оч йўлбарсни тирилтирсин.

Бу гапни эшитиб Мағадви айтди: кучсизликдан холдан тойган оч йўлбарс ўлай деб ётибди. Биздан бўлак бу жонивор учун жасадни фидо қилиб, овқат, ичимлик топиб бера оладиган, унга ҳаёт бағишлайдиган ким бор?

Катта шахзода бу гапни эшитиб ўртанча укасига йитди: Мардона улашиладиган мол — мардона иш, нима бўлганда ҳам, иссиқ, жондан кечиб бўлмайди. Охири Мағастви деди: Эй акаларим, биз ҳаммамиз иссиқ жонимизга боғланганмиз. Лекин йўлбарсга фойда келтираммиз, деб ёруғ кўзимиз юмилади, шекилли. Холбуки, баъзи бир меҳрибон, руҳи, қўнғили пок одамлар қадимдан ўз жонларини фидо қилиб, жониворларга фойда етказганлар.

Мағастви бу гапларни акаларига айтгач, ўзича ўйлади: Менинг жасадим юз минг замонлардан бери бекорга, ҳеч кимга фойда келтирмай, неча марта-лаб чириди, ҳеч нарсага ярамади. Қандай қилиб бугунги кунда жасадим зарур бўлиб турганда, бундай кераксиз жасадни қурбон қилиб, бечора, «очор йўлбарсга нега паноҳ бўлмайин.

Мағастви бу фикрини акаларига айтмоқчи бўлди. Аммо hozир мавруди эмас, деб ўйлади. Акалари йўлбарснинг ахлолига ачиндилар, афсусландилар. Мағастви йўлбарснинг ахлолига ачиноиб йиғлар эди. Ундан хеч кўзини уза олмасдан яна акалари оркаси-дан кетаверди. Мағастви бўдисатв<sup>1</sup> кетаётиб, яна ўйлади: Ҳозир менга иссиқ жонимни фидо қиладиган вақт етди. Нима учун мен бундай алмисоқдан қолган, чирик, сассиқ қонли, меҳрсиз, жирканч жасадга меҳр қўйиб юрибман. Мен ош-сув кийим-кечак, оту фил., араваю улов, жавоҳиру дур, молу мулкка сажда қилдим. Айнимоқ, бузилмоқ қонуни бор учун одам азалдан бузилди. Бу жасадни асраб айнимаслик иложинв қилолмадим. Узимни ҳар қанча қаттиқ тарбияласам ҳам, ёвуз душман сингари мен айнидим, барча фазилатлардан бебаҳра бўлдим. Жасад эса беқарор, абадий эмас. Бунинг устига кераксиз жасад ёвуз душман сингари ваҳималидир. Шунинг учун мен бугун жасадимни фидо қилиб, улуғ иш-амални бажарайин. Сансар денгизи ичида сол топайин.<sup>2</sup> Туғмоқ, ўлмаклик тақдирдан ташқари бўлайин.

Яна Мағастви шундай ўйлади: Агар жасадимни қурбон қилсам, кейин кўп гуноҳларимни, йирингу қонни, дарду оғриқларини, кўрқинч ва хавфни — барчасини қурбон қилиб, ҳалок бўлурман. Шунинг учун жасадимни қурбон қилиб, бенуксон олий эзгуликни тилаш менга ҳам фарздир. Шунда дилтанглик, паришонхотирлик ҳам тарқайди, туғилиш ва ўлиш қисматидан таъсирланмайман, тугал пухта бўламан, эзгуликни нуқсонсиз адо этган бўламан, доно илмининг тубига етаман. Буларнинг ҳаммаси менга тегишлидир.

Мағастви ҳаяжон ила ўрнидан турди, ўз ўйидан кўнгли равшан тортиди. Акаларига ҳам айтмоқчи бўлди, улар ҳам менин ахлолимни тушунар, деб ўйлади. Аммо Мағастви, акаларим менин орзуларимга қаршилиқ қилади, тилагимни қондиришга йўл қўймайди, деб хавфсиради. Сўнгра акаларига, сизлар озгина юриб туринглар, мен чарчадим, бир оз дам олайин,

<sup>1</sup> Бўдисатв — келгусида қайта туғиладиган Будда.

<sup>2</sup> Сансар денгизи ичидан сол топайин — йўклик дарёси ичида ёғоч топайин, яъни йўклик жойдан имкон топайин. Сол дарёнинг у томонига юк, одам олиб ўтиш учун мўлжалланган.

кейин бораман, деди. Мағастви қайтиб, йўлбар! КИИ олдига келди, кийимларини ечди ва йўлбарсга қараб деди: Мен энди сансардаги жониворлар учуи бенуксон, олий, эзгу бурхон талабини бажарамап, иккилан масдан, кўнгилда меҳрибонлик уйғотиб, ўз жасадимни фидо қиламан. Сенга бурхон саодатини тплайман, уч навъ дунёнинг<sup>1</sup> азоб денгизидаги жониворларни юқорига тортиб, хурсанд қилайин, деди.

Шу сўзларни айтиб, йўлбарс олдига узала тушиб етди. Аммо йўлбарс Мағаствини емади. Бўдисатв буни кўриб, баланд тоққа кўтарилди ва ўзини пастга ташлади. Йўлбарс яна уни емади. Мағастви бу йўлбарс заифлиги учун мени ея олмади, деди ва у ёқ-бу ёқдан ксскир нарса ахтарди, аммо топмади. Сўнгра қуриган қаттиқ қамиш олиб, ўмган томирига санчди ва қон чиқариб, аста-секин йўлбарс ёнига борди. Мағастви барс олдига борганда, ер олти марта тебранди. Шундай кучли шомол келдики, қўл суви жуда қаттиқ тўлқинланди. Осмондаги куёш Рағуга от солгандек нурсизланди, ён-атроф қоронғулашди. Осмондан гуллар ёғилди. Йўлбарс ётган сой ичи гулларга тўлди.

Оч барс Бўдисатвнинг томоғидан қон оқаётганини кўрди, кейин қонни ялади ва бутун жасадни еб тугатди. Ерда фақат у ер-бу ерда жасад суяклари қолди, холос. Шу пайтда қатта шахзода ернинг тебранганини кўрдию, укасига деди: «Кўнғир ер дарё ва тоғлар билан бирга кучли тебранмоқда. Чор атрофни қоронғулик босди. Осмондаги куёш ҳам нурсизланди. Осмондан овоз чиқариб илохий нулуфар гуллар ёғилмоқда. Эҳтимол, бу укамизнинг ўз жасадини фидо қилганидан нишона бўлса керак». Бу гапни эшитиб, ўртанча ўғил деди: «Мен Мағаствининг ҳаяжон ила айтган сўзларини эшитган эдим. Озгин, оч, заиф, очлик азобидан эшилиб кетган, ўз болаларини ейишга мажбур бўлаётган йўлбарсни кўрганини у менга айтган эди. Шунинг учун ҳам мен кичик укамиздан хавотир оляпман». Иккала шахзода хафа бўлиб кетдилар, йиғладилар, фарёд қилдилар. Кейин улар йиғлаганларича зумда орқага қайтиб йўлбарс ётган жойга бордилар. У ерга келиб, шахзода Мағаствининг қа-

<sup>1</sup> Уч навъ дунё — оламни уч қават (юқори, ўрта, қуйи)дан иборат деб тушуниш.

мишга илиб қўйилган кийимларини, жасади қолдикларини, суяк ва сочларини, у ер-бу ерда сачраган қонларини кўрдилар. Э вох! Улар бу ахволни кўрибок ақл-хушини йўқотиб, укаларининг суякларига ўзларини ташладилар, кўрқув, ғам-қайғудан ерпарчин бўлдилар. Бир оз ўтгач, ўзларига келиб, қўлларини юкорига кўтариб, баланд овоз билан йиғлаб ибодат қилдилар ва шундай дедилар: «Эй укажоним, сен қандай чиройли, келишган йигит эдинг. Ота-онамининг суюкли фарзанди эдинг, жоним! Сен қандай қилиб яна орқага қайта қолдинг? Биз учовимиз бирга бу ердан чиққан эдик-ку! Қандай қилиб биз билан бирга кетмасдан, ҳаётингдан воз кечдинг? Ота-онамиз сени сўрасалар, икковимиз нима деб жавоб берамиз? Учовимиз бирга ўлсак, яхши эмасмиди? Бу тирик жасадимиз энди нимага керак?

Иккала шахзода ўқириб, фарёд қилиб, ҳаяжонда орқага қайтдилар. Шу вақтда шахзода Мағаствининг хизматқорлари, воқеадан беҳабар «Шахзодамиз қочиб кетибди. Қаерга кетди экан, юринглар, уни ахтарамиз» — деб бошлашиб тўрт тарафга жўнадилар. Воқеа содир бўлганда, шахзоданинг онаси малика шаҳарда, саройнинг баланд жойида ухлаб ётган эди. Уйқусида ёмон туш кўрди. Тушида кўкраклари кесилган, озиқ тишлари тушиб кетган эди. Учта қаптар боласига бургут хужум қилди. Бирини бургут чангаллади, иккитаси зўрға қочиб кутулди.

Малика ер кимирлашидан кўрқиб, уйғониб кетди. Кейин ўтириб, кўрқув ва хавотир ичида ўйлади: «Бунинг оқибати нима билан тугаркан? Кўнғир ер шунақаям тебранадами? Дарё ва қўллар кирғоғини бузиб, тошиб кетди. Усимликлар, дарахтлар, ҳам қаттиқ тебранапти. Илохий ёруғлик бир нарса билан тўсилгандай нурсиз бўлиб қолди. Кўзларим, кўкрагим пир-пираяпти. Илгари бундай бўлмаган, доимо осойишта эди. Юрагйга ўқ теккан одам сингари, мени ғам босди. Бутун аъзойи баданим титраб кетаяпти. Тинчим йўқолди. Кўрган тўшим хатардан дарак беради-ёв. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, ахвол жуда ёмон бўлади», — деди у.

Малика иккала кўрагини босган эди, тизиллаб қон чикди. Бу ҳолни кўрди-ю, у янада қарахт бўлиб, эсан-

Кираб қолди. Уша пайтда маликанинг чўриси кўчиди >д|. Кўчадан ўтаётган одамлармпиг «ШахзоД! . . . .,и дирдик, аммо топа олмадик», деган гапларИНИ ЯШИ ИИ Бу гапни эшитди-ю, чўрини ваҳима босди, баданиД! титроқ турди. Кейин саройга кириб эшитганлариНЛ маликага сўзлаб берди: «Маликам, гапларимпи эши тишни лозим кўрсалар эди. Кўчада одамлар, шахзода КИ кидирдик, лекин топа олмадик, деяптилар. Бу нима дегани?»—деб сўради.

Ғаму кулфатга тўлиб турган малика чўрининг гапларига жавоб бермай, хоконнинг олдига йўл олди. Кўзида ёш, ўзини кўярга жой топа олмайди. «Эй буюк хукмдорим, мен шундай-шундай гап эшитдим. Бу пима дегани? Ё болаларимизнинг энг кичиги, ҳаммамиз учун суюкли Мағаствидан ажраб қолдикми-а?» деб сўради малика. Хокон ҳам бу гапларни эшитиб, саросимага тушиди ва йиғлаб юборди: «Ох, азоб, азоб! Бугунги кун мен учун суюкли фарзандимдан айрилиб қолган қуи бўлмаса эди, деб кўрқаман», — деди. Йиғидан тўхтаб, хотинини юпатишга уринди: «Эй садокатли рафикам! Сен ҳеч хавотир олма, ғам чекма. Мен ҳозир ҳар қандай йўллар билан суюкли фарзандларимизни қидиришга жўнайман. Ҳаммасини билиб келаман», — деди. Хотинига шундай деди-ю, дарҳол барча одамларини олиб шаҳар ташқарисига жўнаб кетди. Улар тарқалишиб, болаларини қидиришга тушдилар.

Эндигина қидириш бошланган ҳам эдики, хоконнинг бир буйруқчиси шошилиб келди-да, унга яқинлашиб: «Эй буюк хоконим, бир қошиқ қонимдан кеч! Икки шахзода қайтишяпти. Энг кичиги Мағастви тигин ҳали топилганича йўқ. Уни қидириптилар, албатта Топадилар», — деб хабар берди. Хокон бу гапларни эшитиб: «Ох, азоб, азоб! Энг суюкли, мен учун жондан азиз ўғлимни йўқотаманми-я. Шу ўғлим энди туғилганда, мен кўп ҳам хурсанд бўлмаган эдим. Уни йўқотганимда эса ғаму қайғунинг чегараси йўқ. Қани энди ўғлим тирик бўлсаю, ёнимда юрса, агар ўзим ўлсам эди, шунчалик азобга тушмаган бўлар эдим», — деб худди яраланган одамдай инграб гапира кетди. Хотини ҳам хоконнинг гапларини эшитди. Унинг қайғуси чексиз эди, фақат нола қиларди: «Учала ўғлим



хам хизматкорлари билан бирга ўйнаб келамиз, деб дарё бўйига йўл олган эдилар. Жонимдан ҳам азиз, кичик ўғлим қайтмади. Демак, қандайдир оғир айрилик бизни кутяпти». Малика шу гапларни айтиб турган ҳам эдики, иккинчи буйруқчи келиб хоконнинг каршисига тўхтади ва турмб колди. Хокон ўз буйруқчисидан сўради: «Эй буйруқчи, суюкли фарзандим қаи?» Буйруқчи хоконнинг гапини эшитган бўлсаям, жавоб бермади. Кўзларидан ёш шашқатор қуюлар эди. Йиғлайвериб оғзи қуриб кетди, тиллари тошдағ қотиб колди, бирор гап айтишга мажולי қолмади. Буйруқчи ҳамон жим эди. Хоқон ва малика уни қис-таб, гапиришга ундар эдилар: «Тезроқ гапир, эй буйруқчи, кичик ўғлим қаерда? Хаёлимда ёмон ўйлар, вужудим титраб, алангадай ёниб кетяпман. Ақлу ҳушимдан айрилиб, тентак одам сингари, ҳеч нарсани англай олмаяпман. Жигар бағримни қон қилма, тезроқ гапир».

Шундан кейин иккинчи буйруқчи шахзода Бўди — сатвиинг қандай қурбон бўлганини бир бошдан гапириб берди.

Буйруқчининг гапларини эшитиб қаттиқ ҳаяжонланган хоқон ва малика бирор нарса қилишга ожиз эдилар. Уғиллари қурбон бўлган жойни кўриш истагида ўша томонга от солдирдилар. Қамиш билан қопланган дарё бўйига, Бўдисатв ўзини қурбон қилган жойга етиб келдилар ва ўғилларининг ҳар томонга сочилиб кетган суяқларини кўрдилар. Хоқон ва малика ерга юз тубан йиқилдилар. Улар эс-ҳушидан айрилган ҳолатда эдилар. Худди даҳшатли шамол чайқалтирган ўт-ўланлару дарахтлар каби титрар эдилар. Ақл-ҳушдан айрилиб, нима қилаётганларини билмас эдилар. Уларнинг ёнида турган буйруқчилари ва амалдорлари хокон ва маликага сув пуркаб, елпидилар. Бир оз ўтгач, ҳушларига келдилар. Сўнгра қўлларини юкорига кўтариб, йиғлаб-сиқтаб, ушбу шеърни айтдилар:

Қандай офат бу жонгинам,  
Кўрклигим, эй пахлавоним.  
Улмоқ-азоб, на қнлай мен,  
Аввал сени йўқотдим мен.

Сендан аввал ўлсам эди,  
Бу кунларни қўрмай эди,  
Кўп азобу кулфатларни.

Шундан кейин малика бир оз ўзига келиб, сочлари ни ёйди, қўллари билан кўкрагига муштлаб, худди сувдан чиқариб ташланган балиқ сингари иссиқ кумг;< ағанаб, йиғлашга тушди:

Ким эди у жонгинамнинг қотили,  
Сочишиб ётар ҳар томонда  
Қолган-қутган суяқлари.  
Айрилибман хазинамдан,  
Суюкли меқрибонимдан!  
Ғаму кулфатга ботирди,  
Ғамсиз яшаб бўлмасми?  
Ким эди у жонгинамнинг қотили?  
Етаклаб азоб-уқубатга,  
Юракларим урмайди, гўё музлаган.  
Яшамоқ энди менга не керак?  
Тушимда аён бўлган эди бу аломат.  
Кўкракларим кесилган эди,  
Тишларим тўкилган эди.  
Кўриб турибман оғирроқ азобни!  
Уч каптарга лочин ҳужум қилган эди,  
Бирини чангалида олиб кетган эди.  
Мен ҳам энг кичигини, суюклисини йўқотдим!  
Емон тушнинг нишонаси бу!

Малика шундай деб узоқ йиғлади. Кейин хоқонг йиғлаб-сиқтаб, иккала ўғли ва амалдорлари билан Бўдисатв ўғлининг қолган-қутган суяқларини тўплади. Саройга қайтдилар. Уғлининг ҳурматини бажо келтириб, ҳамма маросимни ўтказдилар. Маросимлар тугагандан кейин хокон ўғлининг суяқлари кўмилгак жойга макбара қурдирди.

## КУ ТАЙ АФСОНАСИ

Қадим замонда Инчйу номли шаҳарда чанг тоифасидан Ку тай отлиғ бир бек бор эди. Ку тай ўша ша-

харнинг беги бўлиб, жуда ўлутчи<sup>1</sup> бўлган эди. Кейин бир маросимда — тўй бўлганда, хўкиз, қўй, тўнғиз, ғоз, ўрдак, товуқни, бошқа кўп ёввойи ҳайвонларни қурбон қилиб, мўл овқат, ичимлик қилди. Тўй тугаб орадан уч кун ўтгандан кейин у бек балингдак<sup>2</sup> бўлиб, оғир касалга чалинди. Қасаллик туфайли фикр, сўздан маҳрум бўлиб, имо-ишора билан тушунтира бошлади, ниҳоят ўлди. Улгач, бутун вужуди совуди, ёлғиз юрагининг ташқарисидаги бир парчаси бутунлай музламади. Уни кўриб уйдаги одамлар катта йиғисиғи қилдилар, ўликни кўмгани элтмай, уч кун ўтказилар, тўртинчи куни тонгда, эрталаб марҳумнинг сезгилари қўзғалаётганини кўрдилар. У бек тирилиб келиб; юкорига ўтирди, овқат, ичимлик сўради. Уни кўриб, ҳамма қариндош-уруғлар бир маросимга тўпланди. Аммо уларнинг ҳаммаси кўрқиб, калтираб, ко-ча бошладилар, узоклашдилар. Одамларнинг қочганини кўриб, Ку тай бек уларни чақирди ва шундай деди: «Бу ёққа келинлар, эй яхшиларим. Мен тирилганимга сизлар нега қочасизлар, кўркманлар, мен энди сизларга тирилишимнинг сабабини сўзлаб бераман. Бурханлар нум<sup>3</sup>ининг улуғ тафсилотларини ҳам эшитинлар», деди. Кейин шундай сўзлади: «Мен касал бўлганимда менга тўрт рух яқин келди. Бири катта қамчи тутган, иккинчиси ўроқ тутган, учинчиси омбур тутган, тўртинчиси бир кўк кийимли отлик бек экан. Бир вақт бу тўрт рух мени бир уй эшигига олиб келди. Кейин у кўк кийимли бек отдан қўйи тушиб, мени чақирди. Мен бекка яқинлашганимда, у қўйнидан бир қоғоз олиб, менга ўқиб берди. Укигач, мен билдимки, бу битиг ўша кунги бизнинг тўйда сўйилган хўкиз, қўй, тўнғиз каби марҳумларнинг сўзи экан. У сўз шундай эди: «Биз ҳамма йилқилар, одамзод дунёсидаги инсоннинг ёвуз қилмишлари туфайли бу замонда яна ҳайвонот дунёсида яшаётган эдик. Қарз ва тўловларни тўлагулик йил, ой, замонларни тугатиб, ҳозирги вужудимизни йўқотиб, одамзод дунёсида туғилмагимиз мумкин эди.

<sup>1</sup> Улутчи — жаллод.

<sup>2</sup> Балингдак — фол.

<sup>3</sup> Нум — қутлуғ китоб; конун (юнон).

Шундай қилиб, бизнинг ҳайвонот дунёсидаги озодлик замонимиз, кунимиз яна тугамади. Инчйу шаҳридаги чанг тоифасидан Ку тай отли бек бизни ўлдирди. Шунинг учун биз ҳаммамиз иккинчи марта яна ҳайвонот дунёсида бурчимизни бажаришга мажбурмиз. Шундай азобга дучор бўлган замонда бизнинг оҳимизни, азобимизни тушунадиган одам йўқ, сўзлагани кучимиз, қувватимиз йўқ эди. Учинчи марта химоя қиладиган, қарши турадиган кучимиз бўлғайми? Бу оҳимизга энди виждон тангриси етсин, деб ёлвордилар, бошлиғимиз сени тутиб келтиришни буюрдилар». Унинг сўзлари шундан иборат эди.

Битигдаги сўзларни мен тугал ўқиб битирдим. Кейин кўк кийимли бек: «Тутиб, яқинроқ олиб келинлар!» деб кичқирган эди, учта рух менга яқин келиб, бири арқон билан бўйнимни боғлади, бири азоб бериб нафасини бўғди. Бири қўлимни орқамга боғлаб, пастга ётқизиб, катта қамчи билан урди. Кейин рухлар шундай дедилар: «Эй одам, биз сени олиб келгани борганимизда, улар аввало тақдир китобига қарадилар. Тақдир китобида шундай битилган: сенинг ҳаётинг муддати ҳали тугамаган, сен қанча-қанча жонли мавжудотларни ўлдиргансан. Сенинг ҳаётингни ўша ўлганлар олгани келдилар. Буни сен билишинг керак», дедилар. •<—..

Бу сўзларни эшитиб, мен уларга/ шундай дедим: «Эй яхшиларим, тангриларим, мен кимки, у вақтда заифларнинг оламида вужуди кўзим билан кўриб-билиб ёвуз иш қилган бўлсам. Яна шундан кейин қанча-қанча кишиларнинг сон-саноксиз вужудлари ўлдирганини кўрдим. Ҳеч бир кишининг жазо олганини кўрганим йўқ эди. Менинг устозим шундай қарор қилди, мен эса азоб-уқубатга дучор бўлдим. Нима қилсам, қайтадан тирилган бўлар эдим? Узим ҳам билмайман. Адашган, ёвуз қилмишимга қандай қилиб товба қилайин?» — дедим.

Буни айтганимдан сўнг у рухлар менга шундай дедилар:

— Эй одам, ўттизта жонли мавжудотларнинг қабиласидан исти қабиласи бошлиғи билан сени Эрлик хоннинг саройида кутяпти. Қачон у ерга борсанг, Эрлик хоннинг кучли, қаҳрли конуни олдида бундай оғир

азоблардан қутула олмайсан», дедилар. Бу сўзларни эшитиб, менда кўркинч, азоб кучайди. Хар тарафга қочдим. Мен пастга тушсам, олдинга тортади, орқага итаради, уради, яна қочаман, яна қувадилар. Кейин мен уларга ёлвориб яна шундай дедим:

— Эй яхшиларим, мен ўзим айтай. Бу азобларимдан қутулмок йўқдир. Энди мен сизларга ўтинаман, ёлвораман. Мен ўлдирганлардан яшириниб, Эрлик хон олдида борганда, нима қилайин, шуни менга айтинглар, десам, улар менга дедилар: «Эй сен, агар ўлган барча мавжудотлар учун қайғуриб, руҳингни тоза қилсанг, оламнинг умид ва ишончларини ўзинга ваъда қилиб олсанг, доно тангри тангриси (будда — Н. Р.) айтган олтин ёруғлик билан нур сочиб турган китобни тугал битиришга истак билдирсанг, бу азобларингдан озод бўлиб, қутулгай эдинг», — дедилар. Бу сўзни эшитиб, мен энг аввал руҳимни тоза қилиб, у жониворларни ўлдирган ёвуз ўлитчидан пушаймон бўлдим. Кейин олтин ёруқлик билан нур сочиб турган, ҳамма нарсадан устун турган нум хазинани тоза руҳимга келтириб тўлиқ тугал битишга ваъда бердим. Яна бу нум хазинани битишга кучли истак туфайли, яхши ишларим куч-қудрати туфайли хайвонот оламидаги мавжудотлар аччиқ ва қийин азоблардан қутқарилдилар. Шундан сўнг тоза руҳ билан бахт сўраб, баланд овоз билан қичқирдим: «Хамма нарсадан устун турган нум хазинани тугал битиб, илохий дунёда хизматкор бўлгайман, ёвуз ўлимчиларимнинг ёмон ниятлари йўқолсин», деб овозимни жуда кўтариб гапирдим,

Шундай юриб, бир шаҳар дарвозасини кўрдим. Мени шаҳар дарвозасига олиб келиб, бир коронғулик ичига киритдилар ва тоғ томонга юзлантирдилар. Тоғнинг юкорисига қарасам, олдинда Эрлик хон ўтирибди. Бориб кўрдим. Чўл жойда сон-саноксиз одамларнинг бўйинлари бўғилган, қўл-оёқлари боғланган, ўз сўзларини айтиб, гуноҳларини бўлишиб турар эдилар. У чўлнинг ичи янада кучли ёлвориш, тавба, мунгли ювозлар билан тўла эди. Руҳлар Эрлик хонга, Ку тай отли одамни келтирдик, деб айтдилар. Отимни эшитиши биланоқ у «Эй хизматкорлар, у одамнинг ёвуз қилмишлари жуда кўп, у қатта гуноҳкор. Нега уни жуда кеч олиб келдингизлар?! Энди унинг хомийларини

олиб келинглар. Уларнинг сўзларини эшитайлик», деди. Эрлик хоннинг бу ёрлиғини эшитиб, мени олгани келган хизматкорлар ташқарига чиқдилар, чақирдилар, қичқирдилар, тилаб, истаб топмаганларидан кейин, қайтиб келиб, топмадик, дедилар. Кейин Эрлик хон яна хизматкор руҳларни менинг хомийларимни баг<sup>1</sup> мавжудотлари орасидан ишташга жўнатди. Кейин у хизматкор руҳлар келиб, истаб, ҳаммадан сўраб яна топмадилар. Эрлик хон олдида қайтиб келиб, топмадик, дедилар. Эрлик хон учинчи марта бешта йўлга руҳ жўнатди. Руҳ бешинчи йўлдан қайтиб келди. У руҳнинг хизматкори Эрлик хонга битиг келтириб берди. Эрлик хон уни очиб ўқиди, бу битигда шундайшундай ёзилган эди: «Фалон қуни одамзод оламидаги чанг тоифасидан Ку тай отлиқ одам жонли мавжудотларни ўлдиргани учун пушаймон бўлиб, олтин рангли ёруғ, ялтирок, ҳаммадан юкори турадиган нум китобини бутунлай ёзиб тугатишга истак туғдириб, бахт сўради. Шунинг кучи сабабли Ку тай отлиқ жаллод одамнинг жонли мавжудотлари аввал хайвонот оламида бўлдилар, кейин хайвонот оламидан ўтиб, одамлар оламида туғилдилар».

Эрлик хон бу тавбаномани ўқиб, хурсандлик билан менга деди: «Эй Ку тай, сен гарчи тирикларни ўлдирган бўлсанг ҳам, яна уларни қутқаришга, омон қолдиришга амр этдинг. Сен шундайсанки, энди кучли, қаттиқ ваъда, хароратли кўнгил билан, шоҳ китоб номли бу қимматли китобни битиб, бу замонда хизматкор бўлишга истак билдирдинг. Бахтли руҳнинг кучи билан ўзинг ўлдирган мавжудотлар хайвонот дунёси азобларидан, деб бахт тиладинг. Шу сабабдан кўп мавжудотлар хайвонот дунёсидаги азоблардан қутулиб, одамзод дунёсида туғилдилар.

Энди, эй тириклар, ўлма, олам, бахт-саодатлари билан ҳам ўзингни асоратга солма. Ёмон ишлар қилма, яхши ишнинг кема, кўпригини қилгин, яратгин», деб мени озод қилдилар. Мен озодлик варақасини олиб, у шаҳардан кетдим. Бу худди ўйиндай эди. Мен туш кўрдим ва уйғондим. Менинг тирилишим шундайдир», деди Ку тай.

<sup>1</sup> Баг — туркий қабилалардан бирининг номи.

Бу сўзларни эшитиб, у даврада йиғилган барча кишилар хайрон бўлдилар, ажабландилар. Мукамал, доно тангри тангриси Бурхан нумининг улуғ кучига тоза, ҳароратли кўнгил боғлаб, юздан ортиқ киши бу нум хазинани битишга киришдилар. Аммо шаҳар халқи бу нумни истаб топмадилар. Ниҳоят, Инчйу шаҳаридаги Сувасдиқ су отли санграмдан топишиб, кўчиришга олдилар. Ку тай бекнинг оиласи, яқинлари, уйдаги каттаю кичик барчаси бу дунёда «ўзлик» (вужуд ўлиши) сўзини ташлаб, бу нум хазинани ўргандилар, ижро этдилар, битдилар, кўчириб ёздирдилар, ўқитдилар.

### ИРҚ БИТИГИ

1. Мен Тинсиман (яъни Чин ҳукмдори), эртаю кеч олтин тоғнинг устида ўтириб, қувонурман.  
«Шундай билинглар: яхшидир бу.
2. Ола отли тақдир тангрисиман, эртаю кеч юрарман. Уртада икки ойлик инсон боласи тўқнашган. Одам кўркан, Кўркма деган, бахт бергайман, деган.  
Шундай билинглар: яхшидир бу.
3. Олтин қанотли жасур қора қушман, Танам яна бутунлай қуримасдан Денгизда ётиб, топган ўлжамни тутаман, яхши кўрган овқатимни ейман,  
Шундай билинглар: яхшидир бу.
4. Мен ёруғ (яъни оқ) рангли бургутман, сандал ёғочи устида ўтириб хурсанд бўламан.  
Шундай билинглар: яхшидир бу.
5. Бек йигит отига томон борди, унинг оқ бияси қулунлади.  
Олтин туёкли қулун айғир от бўлди.  
Туяси томон борди,  
Оқ туяси болалади,  
Олтин бурундукли, туяларни етаклаб юришга ярайди.  
Уйига келди, учинчидан, хогини ўғил туғди,  
бек бўлади дейди, бахтли бек йигит экан.  
Жуда яхшидир бу.

Санграм — ибодатхона.

6. Айиқ билан тўнғиз тоғ устида тўқнашиб қолиб уришган, айиқнинг қорни ёрилган, тўнғизнинг тиши синган, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
7. Эр йигит шошиб келади, яхши хабар, сўз олиб келади дер,  
Шундай билинглар: яхшидир бу.
8. Мен олтин бошли илонман.  
Олтин қорнимни қилич билан кесганда, менга йўл индадир, бошимга йўл уйдандир, дер.  
Шундай билинглар: ёмондир бу.
9. Катта бир уй ёниб битди, пойдеворигача қолмаган, деворигача қолмаган дер,  
Шундай билинглар: ёмондир бу.
10. Яширинган йўлбарсман, Қамиш орасидадир бошим,  
Шундай қучлиман, жасурман,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
11. Сарик отли хабарчи, бўз отли элчи  
яхши сўз, хабар келтирар дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
12. Одам овга борган, тоғда йиқилган, тангри қудратлидир, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
13. Художўй бир қария уйда ёлғиз қолди, ёғли чўмичнинг чекасини ялаб тирилди.  
Улимдан қутулиб қолди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
14. Қузғунни дарахтга боғлаган, қаттиқ боғла, яхшилаб боғла дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
15. Юқорига туман тушди, пастга чанг қўтарилди, Қуш боласи учиб йўлидан адашди, Кийик боласи югуриб йўлидан адашди, Одам боласи югуриб йўлидан адашди, Яна тангри шарофати билан учинчи йилда бутунлай эсон-омон кўришдилар, жуда хурсанд бўлар, севинар дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.

16. Орик от семирди,  
Уз туғилган жойини ўйлаб югуриб борди,  
оралик ерда ўғри билан тўкнашди,  
ўғри отни минди,  
елинига, думига қадар қўтирланиб,  
ҳаракат қила олмай турар, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
17. Зотдор от Шарк томондан чарчаб,  
озиб-тўзиб қайтди,  
тангри шарофати билан  
тоғ устида жилға сувини кўриб,  
ўрмон ичида кўм-кўк ўт кўриб,  
юриб бориб, сув ичиб,  
ўлимдан халос бўлди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
18. Чодирнинг ичи қандайдир?  
Мўриси қандайдир?  
Деразаси қандайдир?  
Қандай кўрклидир,  
Қандай яхшидир арқони, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
19. Оқ от ўз душманини  
аввалги учта туғилганидан танлаб олиб,  
тавба қилишга, илтижо қилишга олиб боргин, дер,  
Кўркма, яхшилаб илтимос қил, хавфсирама,  
яхшилаб ёлвор, дер  
шундай билинглар: яхшидир бу.
20. Урғочи туяман,  
Оқ кўпигимни сочарман,  
юқорида тангрига тегар,  
пастда ерга кирар, дер,  
ухлаётганларни уйғотиб,  
ётганларни турғизиб боряпман,  
шундай кучлиман,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
21. Қора сўфитўрғай йил давомида оқармади, дейди,  
насихат қилманг, қараманг менга, хуркитдинг, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
22. Аёл кўзгусини қўлга тушириб юборди,  
эрталаб чалинар, кечкурун чалинар, дер,  
шундай билинглар: мунглидир бу, жуда ёмондир бу
23. йигит какку қушнинг патини топиб келди,  
кўп қутлуғ бўлсин дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
24. Кўзи ожиз той эркак  
отдан шифо сўрар,  
чошгоҳда у азоб чекар,  
тунда қонда ётар,  
унинг аҳволи қандай бўлар бу шароитда дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
25. Икки ҳўкизни бир арқонга боғлаган,  
ҳаракат қила олмайди,  
бир жойда турар дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
26. Тонг отди,  
кейин ер ёришди,  
кейин қуёш чикди,  
бутун ер юзи ёруғ бўлди дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
27. Бой одамнинг қўйи хуркиб қочди,  
бўрига дуч келиб қолди,  
Бўри эммоқчи бўлди,  
аммо қўй соғ-саломат қолди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
28. Хон тахтга ўтириб қароргоҳини беркитди<sup>1</sup>  
эли тинч-осойишта бўлди,  
тўрт тарафдаги яхши,  
ақли қўшилари тўпланиб,  
хурсанд бўлар, севинар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
29. Қиморбоз одам ўғлини,  
хизматкорларини қиморга тикиб,  
тахликали ўйинда муваффақият қозонган,  
ўғлини, хизматкорларини ютқизмаган,  
яна тўқсонга эгасиз қўй ютган,  
ўғли хизматкорлари жуда хурсанд бўлар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
30. Камбағал одамнинг ўғли ишлашга борди,  
йўлини берган, мамнун бўлиб, севишиб келар, дер  
шундай билинглар: яхшидир бу.
31. Йўлбарс қийик овига борди,  
у кўп ўлжа топиб,

- инига хурсанд бўлиб келар дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
32. Бир гул юзта бўлди,  
Юзта гул мингта бўлди,  
минг гул туман бўлди, дер,  
шундай билинглар: фойдаси бор, яхшидир бу.
33. Кигизни сувга ташлади,  
Яна бура, қаттиқ боғла дер,  
Шундай билинглар: ёмондир бу.
34. Хокон урушга борган,  
душман устидан ғалаба қилган,  
уларни кўчириб, жойлаштириб,  
уйга қайтган, ўзи, қўшини  
хурсанд бўлиб, қароргоҳ томон келар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
35. Бир одам урушга борди,  
Йўлда оти хасталанди,  
У одам оккушга дуч келди,  
оккуш одами қанотига миндириб,  
у билан осмонга кўтарилиб жўнади,  
ота-онасига етазди,  
ота-онаси хурсанд бўлар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
36. Сен кўп отга эгасан,  
лекин хурсандчилигинг йўқ,  
сенинг улуғ бахтинг йўқ, дер,  
шундай билинглар: жуда ёмондир бу.
37. Бир қари хўкизни белидан  
кичкина чумолилар еб кўйди,  
ҳаракат қилиб, кўзғала олмайди, дер  
шундай билинглар: ёмондир бу.
38. Аёл киши қамиш орасида қолган,  
тангри марҳамат қилмаган жазман аёл  
бека бўлсин дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.  
ҳаракат қила олмай
39. Отни нотўғри тушовлаган,  
кўзғала олмай турар, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
40. Жасур йигит найза ва ўк билан  
эгри қояни бир ўзи ёриб борар, дер,  
шундай алп экан,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
41. Ола сигир бузокламоқчи бўлди,  
Узим ўлгайман, дейди,  
сигир ола бузоқ тўғди,  
муқаддас бўлишга ярайди,  
муқаддас бўлишдан сигир озод бўлди, дер.  
шундай билинглар: яхшидир бу.
42. Аёл ўзининг коса-пиёлаларини  
кўйиб кетди, яна яхшилаб ўйлади:  
Коса-пиёлаларимни ташлаб қаерга  
бораман, дер, яна қайтиб келди,  
коса-пиёлаларини бутун топди,  
хурсанд бўлар, севиңар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
43. Жасур дарё қуши ов қилишга борди,  
қаршисида йиртқич қора қўшни кўриб қолди, дер.  
шундай билинглар: ёмондир бу.
44. Бургут осмондан қучли товушқон (яғни, қуён)  
келар деб, уни ушлаб олди,  
бургутнинг тирноғи очилиб, яна беркилди,  
бургут тирноғини чиқариб,  
товушқонга ботирди,  
товушқоннинг терисини шилиб олди,  
қуён қочиб кетди,  
шундай билинглар: ёмондир бу,
45. Кийик боласиман,  
ўтсиз, сувсиз қолдим,  
ўзимни қандай идора этайин, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
46. Туя лойга тушиб кетди,  
босиб еган, ўзини тулки еган дер,  
шундай билинглар, ёмондир бу.
47. Одам эмақлаб борган,  
Тангри билан учрашган, бахт сўраган,  
тангри бахт берган  
ва шундай дуо қилган:  
оғилингда йилкинг бўлсин,

<sup>1</sup> «Кўшин тизиб мустаҳкамлади» маъносида.

- умринг узун бўлсин, деган  
шундай билинглар: яхшидир бу.
48. Қора такдир худосиман,  
синиғингни тузатарман,  
узилган жойингни улайман,  
ёрдам қўлимни чўзаман,  
эзгулик бўлсин дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
49. Иўлбарс овга борган,  
йўлнинг ўртасида илон билан тўкнашган,  
чипор илон эгри кояга кўтарилган,  
йўлбарс ўлимдан қутулиб қолди, дер,  
севиниб хурсанд бўлиб юрар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
50. Сарғимтир отнинг думини боғлаб, югуртир,  
чўлни роса югуртир,  
отнинг устига тўқкиз кават терлик боғла,  
роса терласин, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
51. Жасур қора қушман,  
яшил қоя ёзлайдиган жойим,  
кизил қоя қишлайдиган жойим,  
бу тоғда яшаб хурсанд бўламан,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
52. Одам ғамга ботди,  
осмон булутли бўлди,  
булутлар орасидан кун чикди,  
ғам орқасидан хурсандчилик келди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
53. Кул ранг булут юриб келди,  
халқ устига ёмғир ёғди,  
қора булут юриб келди,  
хамманинг устига ёмғир ёғди,  
экинлар пишиб етилди,  
янги ўтлар ўсиб чикди,  
отларга, одамларга яхши бўлди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
54. Қулнинг сўзи хўжасига илтимос қилишдир,  
кузғуннинг сўзи тангрига ёлворишдир,  
юкорида тангри эшитди,

- пастда киши билди, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
55. Баҳодир йигит урушга борди,  
жанг бўлаётган жойда  
соф қўнгилли хабарчи туртган  
ва шундай деган:  
агар жангчи уйига қайтса,  
ўзи машхур бўлиб келади,  
оти ҳам машхур бўлиб келади, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
56. Бу замонда бахтли айғир отман,  
япрокли дарахт ёзлайдиган жойим,  
қушлар қўнадиган дарахт қишлайдиган жойим,  
у ерда яшаб хурсанд бўламан, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
57. Отаси ўлди,  
пакири музлади,  
отаси нимадан ўлгай,  
у беклик авлодидан-ку!  
пакири нимадан музлагай,  
куёшда турибди-ку!  
шундай билинглар: бу фолнинг бошида  
озгина қийинчилиги бор,  
кейин яхши бўлур,
58. Уғил онасидан ва отасидан  
ўпқаланиб қочиб кетди,  
яна ўйлаб қайтиб келди,  
онамнинг сўзини тинглайин, деб келди,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
59. Ешига етган болани йўқ қилмайман,  
ойига етган болани ҳалок қилмайман,  
уларга эзгулик бўлсин дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
- €0. Мен тўқкиз оролидаги эркак қийикман,  
чиройли оёқларим билан туриб, маърайман,  
юкорида тангри эшитди,  
пастда киши билди, дер  
шундай билинглар: яхшидир бу.
- <61. Турна ўз уясига қўнди,  
сезмай қолиб тузоққа илинди,

- уча олмасдан турар, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.
62. Мен Ярғун тоғимга кўтарилиб,  
ўша жойда ёзлаяпман,  
хурсандман, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
63. Хоннинг кўшини овга чикди,  
ов пайтида кийик кўлга тушиб қолди,  
хон кийикни ушлаб олди,  
кора халк, кўшини хурсанд бўлар, дер,  
шундай билинглар: яхшидир бу.
64. Мен мовий, овга ўргатилмаган бургутман,  
чиройли қояга чикиб  
мўлжалга оламан,  
ёнғоқ дарахти устига кўниб,  
ёзни ўтказаман, дер,  
шундай билинглар: жуда яхшидир бу.
65. Семиз отнинг оғзи қаттикланди,<sup>1</sup>  
эгаси иложсиз қолди, дер,  
шундай билинглар: ёмондир бу.

Энди суюкли ўғлонларим, шундай билинглар: бу «Фол китоби» яхшидир. Шундай қилиб, ҳар бир кишининг ўзи улуғ ва қудратлидир. Барс йилининг иккинчи ойи ўн бешинчисида Тайғунтан саройидаги қуйи табақадаги монийлар Буруа қури тингловчилари Исиг сангун ва Ита чук учун бунни ёздим.

## МУНДАРИЖА

Тарихингдир бир жаҳон . . . . .	3
Шон-шавкат — юсак мақсадга интилганнинг мулкидир . . . . .	17
Ёзувлар — ўтмиш сирлари шохиди . . . . .	21
Иўқодган дунё тақдири . . . . .	26
Истами хоконнинг буйруғи . . . . .	30
Тарихдан аввал туғилганлар . . . . .	30
Жужанлар (манкуртлар) . . . . .	37
Туркийлар ҳақидаги афсоналар . . . . .	42
Туркийлар ва уларнинг тили . . . . .	43
Жужанларнинг тугатилиши. Тахт учун кураш . . . . .	46
*** Асорат остида . . . . .	48
Мангу обидалар . . . . .	8
Урхун битигтошлари . . . . .	67
Кул тигин битигтоши . . . . .	68
Билга хокон битигтоши . . . . .	79
Тўнюқук битигтоши . . . . .	82
Қадимги туркийлар дини . . . . .	87
Уйғур хоконлиги . . . . .	92
Чингизхон ва туркий ёзувлар тақдири . . . . .	98
Ирк битиги . . . . .	105
От ва нариги дунё ҳақидаги тасаввурлар . . . . .	119
-ИЛОВА . . . . .	122
«Шаҳзода ва Барс» афсонаси . . . . .	122
Ку тай афсонаси . . . . .	129
Ирк битиги . . . . .	129

<sup>1</sup> Яъни, ҳеч нарса емай қўйди.



Илмий-оммабоп нашр

Узбек тилида

**Насимхон Раҳмон (Раҳмонов Насимхон)**

ТУРК ХОҚОНЛИГИ

На узбекском языке

ТЮРКСКИЙ КАГАНОТ

Мусаввир **Осимхон Восихон**  
Расмлар муҳаррири **Темур Саъдулла**  
Тех. муҳаррир **Мирзиёд Олим**  
Мусаххиха **Зиёда Латифхон кизи**

**ИБ № 54.**

Теришга берилди 29.10.92. Босишга рухсат этилди 4.02.93. Бичими 84X108'/з2. № 2 'босма КОРОЗИ. Юқори босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 7,56, ҳисоб табоғи 8,0. 17000 нусха..Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 2606.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент 129. Навоий кўчаси, 30-уй. Шартнома № 6648.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг «Китоб» нашриёт-матбаа бирлашмаси 3-босмаҳонасида босилди. 700194. Тошкент, Муродов кўчаси, 1.